

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Г. ЗАХИДОВ, И. ҲОТАМОВ,  
Ш. ЕГАМБЕРДИЕВ**

**РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгаши томонидан  
5A230102-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги  
талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

**Тошкент – 2019**

УДК: 574.12

**Г.Захидов, И.Ҳотамов, Ш.Егамбердиев. “Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш”. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил, 240 бет.**

Ўқув қўлланма “Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш” фани дастурига мувофиқ тайёрланган бўлиб, реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари, иқтисодий ислохотлар ва реал секторни давлат томонидан тартибга солиш механизмнинг шаклланиши, Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштириш ва бошқариш-иқтисодиётни тартибга солиш воситаси, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни дастурлаш, прогнозлаштириш ва режалаштириш, иқтисодиётда монополияга қарши сиёсат ва рақобатни ривожлантириш, бозор иқтисодиётида нархнинг регуляторлик вазифаси ва давлатнинг нарх ҳамда инфляцияга қарши сиёсатлари, реал секторни давлат томонидан тартибга солишнинг бюджет-солиқ сиёсати воситалари, реал секторни тартибга солишда давлатнинг пул-кредит сиёсати воситалари, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши йўллари ёритиб берилган.

### **Тақризчилар:**

Б.Салиов – “Саноат иқтисодиёти” кафедраси профессори,  
иқтисод фанлари доктори

И.Якубов – “Макроиқтисодиёт” кафедраси доценти, иқтисод  
фанлари номзоди

“Саноат иқтисодиёти” кафедрасининг 2019 йил 2 июлдаги 43-сонли мажлисида муҳокама қилинган.

Ўқув қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил 30 майдаги 11-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

© Иқтисодиёт, 2019 йил

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>7</b>
<b>1-БОБ. “РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ.....</b>	<b>9</b>
1.1. “Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш” курсига кириш.....	9
1.2. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг зарурати.....	13
1.3. Давлатнинг иқтисодий функциялари ва иқтисодиётни тартибга солишдан кўзланган мақсадлари.....	15
1.4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларини ўрганишнинг методологик масалалари.....	20
<b>2-БОБ. РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>25</b>
2.1. Меркантилизм ва Физиократ мактаблари намоёндаларининг иқтисодиётда давлатнинг роли ҳақидаги қарашлари.....	25
2.2. Миллий иқтисодиётни тартибга солишда Классик сиёсий-иқтисод намоёндаларининг концепциялари. Иқтисодий либерализм.....	30
2.3. Давлатнинг иқтисодий роли ҳақида Кейнсча қарашлар.....	33
<b>3-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....</b>	<b>44</b>
3.1. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш стратегияси ва уни амалга ошириш босқичлари.....	44
3.2. Ўзбекистонда институционал ислоҳотларнинг моҳияти, мақсади ва амалга ошириш йўналишлари.....	47
3.3. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш тизимининг шаклланиши.....	53
<b>4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ-ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ....</b>	<b>56</b>
4.1. Давлат мулки ва тадбиркорлигининг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли.....	56
4.2. Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштиришнинг мақсадлари ва босқичлари.....	59
4.3. Давлат мулкани бошқариш шакллари ва усуллари.....	62

<b>5-БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ДАСТУРЛАШ, ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ .....</b>	<b>67</b>
5.1. Иқтисодиётни дастурлаш, прогнозлаштиришнинг мақсади ва шакллари, усуллари.....	67
5.2. Иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва унинг шакллари, усуллари.....	74
<b>6-БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....</b>	<b>79</b>
6.1. Рақобатнинг моҳияти, вазифалари, шакл ва усуллари, иқтисодий монополизмнинг салбий оқибатлари.....	79
6.3. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсатининг мазмуни ва усуллари.....	83
6.4. Антимонопол сиёсатни амалга ошириш бўйича чет эл мамлакатлари тажрибаси.....	84
<b>7-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА НАРХНИНГ РЕГУЛЯТОРЛИК ВАЗИФАСИ ВА ДАВЛАТНИНГ НАРХ ҲАМДА ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТЛАРИ.....</b>	<b>94</b>
7.1. Нархнинг регуляторлик вазифаси ва унинг бозор иқтисодиётини тартиблашдаги аҳамияти.....	94
7.2. Давлатнинг нарх сиёсатининг мақсад ва вазифалари.....	97
7.3. Давлат нарх сиёсатини амалга оширишнинг асосий усуллари ва воситалари.....	99
<b>8-БОБ. РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ.....</b>	<b>102</b>
8.1. Давлат бюджети – давлат молия фондининг асоси ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг муҳим шакли сифатида.....	102
8.2. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида давлат бюджети ва ЯИМ мутаносиблиги давлат иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида.....	105
8.3. Давлатнинг бюджет сиёсати.....	107
<b>9-БОБ. РЕАЛ СЕКТОРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ.....</b>	<b>114</b>
9.1. Пул ва пул муомаласи, пулга бўлган талаб ва пул таклифи....	114
9.2. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг ўзига хос	120

	хусусиятлари.....	
9.3.	Давлатнинг монетар сиёсатининг мазмуни, йўналишлари ва усуллари.....	124
<b>10-БОБ.</b>	<b>ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲАСИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ.....</b>	<b>128</b>
10.1.	Жамият ижтимоий соҳаси, унинг таркиби ва жамият ривожланишидаги роли.....	128
10.2.	Ижтимоий (социал) сиёсат тушунчаларининг мазмуни ва унинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тушунчаси билан ўзаро боғлиқлиги.....	130
10.3.	Даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасини ўстириш..	132
<b>11-БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ.....</b>	<b>135</b>
11.1.	Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти, шакллари, кўрсаткичлари ва уни таъминлашнинг аҳамияти.....	135
11.2.	Давлат томонидан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари,вазифалари ва йўналишлари.....	142
11.3.	Ўзбекистонда ички ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашда эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар.....	146
<b>12-БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТНИНГ ТАРКИБИЙ-ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СИЁСАТИ.....</b>	<b>150</b>
12.1.	Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва ундаги ўзгаришлар,уларни белгилаб берувчи омиллар.....	150
12.2.	Давлат таркибий сиёсатининг мазмуни, мақсади, принциплари ва йўналишлари.....	154
12.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишни рағбатлантириш.....	156
<b>13-БОБ.</b>	<b>АГРАР СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ.....</b>	<b>163</b>
13.1.	Давлат аграр сиёсатининг моҳияти ва мақсади.....	163
13.2.	Қишлоқ хўжалиги соҳасига давлат аралашувининг зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	166
13.3.	Ўзбекистонда аграр соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	169
<b>14-БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ.....</b>	<b>174</b>

14.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	174
14.2.	Бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг микроиқтисодий сиёсати.....	177
14.3.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш учун берилган имтиёз ва преференциялар...	180
<b>15-БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТНИНГ МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТИ ВА ХУДУДЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....</b>	<b>187</b>
15.1.	Минтақавий иқтисодиёт.....	187
15.2.	Давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари ва мақсадлари.....	192
15.3.	Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларидаги фарқлар ва уларни тенглаштириш муаммолари.....	195
<b>16-БОБ.</b>	<b>ДАВЛАТНИНГ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШИ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ..</b>	<b>205</b>
16.1.	Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизими ва атроф-муҳитни сақлаш.....	205
16.2.	Давлатнинг экологик сиёсатининг шаклланиши.....	210
16.3.	Давлатнинг табиатдан фойдаланиш вазифалари.....	213
<b>17-БОБ.</b>	<b>ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ.....</b>	<b>220</b>
17.1.	Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари ва уларни тартибга солиш принциплари.....	220
17.3.	Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва унинг таркибий қисмлари.....	227
17.4.	Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш механизми.....	231
	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>234</b>
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>238</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорда “Ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташқил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 20 апрелда имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»”ги қарорда “ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташқил қилиш”<sup>2</sup> вазифалари алоҳида таъкидланган.

**“Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш”** фани ўз ичига қуйидаги вазифаларни олади:

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарор. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»”ги 2909-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 21 апрель.

- реал секторни тартибга солишнинг давлат механизми амал қилиш соҳалари ва шакллари, бозор механизми билан ўзвийлигини таъминлаш зарурлигини очиб бериш;

- реал секторни тартибга солиш усулари борасидаги турли назариялар ва концепцияларни таҳлил этиш, давлат иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни тартибга солиш усуллари ўрганиш, бу борадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаларини билиш;

- Ўзбекистонда иқтисодиётини тартибга солиш механизмининг шаклланиши ва ривожланиши, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариш усуллари, воситалари ва йўналишларини аниқлаш;

- реал секторни давлат томонидан тартибга солиш усулларидаги мақсади, вазифалари ва уларни амалга оширишнинг йўналишлари ҳамда иқтисодиётни тартибга солишнинг шакл ва воситаларини таҳлил қилиш;

- иқтисодиётни тартиблашнинг бозор ва давлат механизмлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар йўналишларини таҳлил қилиш ва бу борада қарорлар қабул қилишни ўрганади.

Шунингдек, “Реал секторни давлат томонидан тартибга солиниши” фани фундаментал фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий фанларни чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

# **1-БОБ. “РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

1.1. “Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш” курсига кириш.

1.2. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг зарурати.

1.3. Давлатнинг иқтисодий функциялари ва иқтисодиётни тартибга солишдан кўзланган мақсадлари.

1.4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларини ўрганишнинг методологик масалалари.

**Таянч иборалар:** давлат, тартибга солиш, давлатнинг аралашуви, бошқариш, тартибга солиш усуллари, иқтисодий функциялар, бошқариш зарурати.

## **1.1. “Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш” курсига кириш**

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти кўпчилик мамлакатлар учун хос бўлиб, у ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Бу иқтисодиётнинг амал қилиш механизми асрлар давомида шаклланиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди. Мазкур иқтисодиётнинг барқарорлиги узоқ даврли иқтисодий эволюция давомида унинг амал қилишининг асосий қоидалари сақланиб қолиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони асосида жамиятнинг асосий йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш ишлари бошланди.

Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг рўй бериши бозор иқтисодиётининг келиб чиқиши ва мавжуд бўлишининг умумий шарти ҳисобланади. Хусусий мулкчилик ва меҳнат тақсимоти ижтимоий хўжаликнинг товар шаклини тақозо қилади, товар ишлаб чиқаришнинг мавжуд бўлиши ўз-ўзидан пул муомаласи, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмолнинг бозорга оид хусусиятини кўзда тутди. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти тараққиётининг асосини ташқил этади.

Ишлаб чиқаришнинг мустақиллиги, тадбиркорлик эркинлиги, ресурслар эркин алмашинувининг таъминланиши бозор иқтисодиётини самарали амал қилишининг асосий шартлари бўлиб ҳисобланади. Товар ишлаб чиқарувчи қанчалик мустақил бўлса, бозор ҳам шу даражада яхши ривожланади. Эркин айирбошлаш товар ишлаб чиқарувчи фаолиятининг нисбатан самарали йўналишларини кўрсатиб берувчи эркин нархларнинг шаклланишига имкон яратади.

Бозор иқтисодиёти субъектлари таркибига тадбиркорлар ҳам, ишчилар ҳам, истеъмолчилар, капитал эгалари ва қимматли қоғозлар эгалари ҳам киради. Одатда, бозор хўжалигининг барча асосий субъектлари учта гуруҳга бўлинади: уй хўжаликлари, корхоналар (тадбиркорлик сектори) ва давлат сектори.

Уй хўжаликлари доирасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулк эгаси ҳамда ишлаб чиқариш омилларини етказиб берувчилар ҳисобланади. Иқтисодий ресурсларни сотишдан олинган пул даромадлари шахсий эҳтиёжни қондириш учун сарфланади.

У иш юритиш учун ўз капиталини ёки қарз олинган капитални ишга солишни тақозо этади, бу капиталдан олинган даромад ишлаб

чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун сарфланади. Тадбиркорлар товар хўжалигида товар ва хизматларни етказиб беради.

XX аср бошларида, кўплаб мамлакатлар биринчи жаҳон урушининг иштирокчилари бўлганлиги сабабли, давлат иқтисодиётни бошқариш бўйича бир қатор вазифаларни ўз зиммасига олган. У ресурслар ва ишчи кучини тақсимлаган, йирик монополистларга мамлакат учун зарур бўлган кўплаб зарурий товарларни ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар берган.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви асосан 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозидан кейин кучайган. У иқтисодиётга таъсир кўрсатишнинг ҳар хил усулларини қўллаб, циклга қарши тартибга солишни амалга оширган.

Иқтисодий тафаккур тарихидан биринчи марта давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни масаласи А.Смит томонидан илмий асосда кўриб чиқилган. Унинг "Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида" (1776 йил) номли китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибга солиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тўлиқ озод бўлиши зарур. Ана шундагина ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташқил қилиш имконига эга бўлади. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралашисиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга рағбатлантиради.

А.Смит давлатнинг иқтисодий жараёнларига ҳар қандай аралашуви охир-оқибатда фақат вазиятни ёмонлаштиради деб ҳисоблайди. Масалан, давлат томонидан белгиланган ташқи савдо тартиб - қоидалари миллий истеъмолчиларга фақат зарар келтириши

мумкин. Ҳақиқатдан ҳам импортга бож тўлови миллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик бериб, уларнинг чет эл шерикларига нисбатан рақобатлашув қобилиятини оширади. Аммо бу охиروқибатда ишлаб чиқаришнинг анча юқори харажатлари ва маҳсулотнинг паст сифатини сақлаб қолишига олиб келади. Бунда паст сифатли ва нархи қиммат товарларни сотиб олишга мажбур бўлган миллий истеъмолчилар ютқазади.

А.Смитнинг "Тинч қўйиш" назарияси, 1923–1933 йилларда бозор иқтисодиётига асосланган деярли барча мамлакатларни қамраб олган иқтисодий инқироз даврида танқидга учради. Иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини кучайтиришни тақозо қилишини кўрсатди.

Давлатнинг иқтисодиётдаги бошқарувини ошириш масаласи Дж.М.Кейнснинг «Иш билан бандлилик, фоиз ва пулнинг умумий назариялари» номли китобида ўз аксини топди (1936). У давлат фискал ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаши зарурлигини исботлайди.

Урушдан кейинги даврда Кейнс назариясидаги кўрсатмалар у ёки бу даражада бозор иқтисоди амалда устун бўлган барча мамлакатларда фойдаланилади. Шу билан бирга давлатнинг иқтисодиётдаги ўрнининг янада кўпроқ ошиб бориш ҳолати рўй берди. Ҳозирги даврда давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим мақсади сифатида нафақат циклга қарши тартибга солиш ва иш билан бандлиликни таъминлаш, балки иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ва яхлит ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришни рағбатлантириш тан олинади.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, иқтисодий қарашларнинг

монетаризм ва унинг «рейгономика», «тетчеризм» каби кўринишларида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш ғояси илгари сурилди. Лекин бозорнинг ўз-ўзини бошқаришдаги камчиликлари натижасида 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу муаммога бошқача кўз билан қарашга мажбур қилди. Англиянинг Лондон шаҳрида 2008 йилнинг 2 апрелида бўлиб ўтган жаҳоннинг энг ривожланган 20 та мамлакати раҳбарларининг саммитида бир овоздан давлат иқтисодиётга аралашуви зарур деган фикр ўз тасдиғини топди.

## **1.2. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг зарурати**

Давлат сектори – ўз олдида фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг мажмуидир.

Ҳар қандай бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми асосан тўртта таркибий қисмдан иборат бўлади: нарх, талаб, таклиф, рақобат.

Нархлар нисбати ўзгариб туради, шунинг учун нарх, ишлаб чиқарувчи учун ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши зарурлигини аниқлашда йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Талаб ва таклиф ҳамда рақобатчилик муҳитидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, нархлардаги ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги замон бозор хўжалиги иқтисодиётдаги хусусий ва давлат секторларининг ўзаро алоқасига асосланади. Иқтисодиётга таъсирнинг интенсивлиги даражаси ҳамда давлат томонидан ҳал этилувчи устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, замонавий бозор иқтисодиётининг қуйидаги моделлари фарқланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назариялари фанининг предмети – бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида товар ва хизматларни яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, самарали фаолият кўрсатиш қонун-қоидаларини ўрганишдан иборат, деб айтиш мумкин.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назариялари фани предмети ўрганишда унга тааллуқли мавзуларни алоҳида бўлимларга ажратилиши мазкур муаммолар тўғрисида янада кенгрок, изчил ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шунга кўра, бакалавриат йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида тўртта асосий бўлим ажратиб олган эдик: иқтисодий тараққиётнинг умумий асослари; бозор иқтисодиёти назарияси; миллий иқтисодиёт (макроиқтисодиёт)нинг амал қилиш ва ривожлантириш қонуниятлари; жаҳон хўжалиги.<sup>3</sup> Кўпчилик дарслик ва ўқув қўлланмаларда мавзуларни бўлимларга ажратишда маълум даражада эркинлик мавжуд бўлсада, мазмун ва моҳият жиҳатидан умумий тавсиф касб этувчи ёндашувлар ҳам учрайди. Шулардан бири – иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга иқтисодиётнинг турли даражаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашув ҳисобланади.

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида бу фаннинг тўртта асосий вазифаси ажратиб кўрсатилади:

1) **билиш вазифаси** - ҳар қандай фан каби Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назариялари фани ҳам фундаментал аҳамиятга эга: жамиятда инсонларнинг ўзаро иқтисодий

---

<sup>3</sup> Shodmonov Sh. Sh., G'afurov U.V. "Iqtisodiyot nazariyasi" (darslik). – T., "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2005.

муносабатларини тадқиқ этиб, улар тўғрисидаги фикрларимизни кенгайтиради;

2) **амалий вазифа** – амалий иқтисодиётнинг асосий мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб иқтисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда ўсиб боровчи эҳтиёжларни қондира боришдан иборат. Шу мақсаддан келиб чиқиб, чекланган турли хил ресурсларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият тури бўйича харажатлар миқдори билан эришилган самара, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурслардан унумлироқ фойдаланиш йўллари топишдан иборатдир;

3) **услубий вазифаси** – Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назариялари фанининг ўзи, таҳлили ва унинг тамойиллари, олинган хулосалар, тадқиқ этилаётган иқтисодий қонунлар бошқа ижтимоий ва тармоқ фанлари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади;

4) **ғоявий-тарбиявий вазифаси** – ушбу вазифа шундан иборатки, унинг ёрдамида талабалар, мутахассислар ва иқтисодиёт илми ўрганувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантиради, миллий истиқлол ғоясини талаба ёшлар онгига сингдиради, уларни миллат манфаатлари йўлида иқтисодиётни ривожлантириш, миллий маҳсулотни кўпайтириш, миллий пул қадрини ошириш, миллий товарларни жаҳон миқёсида бозоргир бўлишини таъминлаш, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш руҳида тарбиялайди.

### **1.3. Давлатнинг иқтисодий функциялари ва иқтисодиётни тартибга солишдан кўзланган мақсадлари**

Давлат иқтисодий муносабатлар иштирокчиси ҳисобланади ва айни вақтда бозор тизими фаолият қилишига таъсир кўрсатади. Бозор

иқтисодиётида бу давлатнинг иқтисодий вазифаларида ифодаланади. Булар қуйидагилар:

- бозор иқтисодиёти меъёрида фаолият қилиш учун ҳуқуқий асосни вужудга келтириш ва такомиллаштириш;
- рақобатни ҳимоя қилиш;
- даромад ва бойликни оқилона қайта тақсимлаш;
- ресурсларни қайта тақсимлаш;
- иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни инфляция ва бандлик даражаси устидан назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;
- ташқи самарани тартибга солиш.

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали амал қилишнинг шарт-шароити ҳисобланган ҳуқуқий асосни таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Бозор иқтисодиёти учун зарурий, ҳуқуқий асосни қуйидаги тадбирлар тақозо қилади: хусусий корхоналарга қонуний мавқеини бериш; хусусий мулкчилик ҳуқуқини аниқлаш ва шартномаларга амал қилишини кафолатлаш; корхоналар, ресурсларни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонуний битимларни ишлаб чиқиш ва шу кабилар. Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, тадбиркорлик ва акционерлик жамиятлар тўғрисидаги қонунлари ҳамда уларга кири- тилган қўшимча ва тузатишлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича тадбирлари бозор иқтисодиёти учун зарурий, ҳуқуқий асосни таъминлашга қаратилган.

Давлат томонидан ижтимоий муҳитни таъминлаш ўз ичига ички тартибни сақлаш маҳсулот сифати ва оғирлигини ўлчашга андозалар белгилаш товарлар ва хизматлар айрибошлашини енгиллаштириш

учун миллий пул тизимини муомалага киритиш кабиларни олади.

Монополия рақобатнинг ўрнини алмаштирганда, сотувчилар бозорга таъсир кўрсатиши ёки ундаги нархларни ўз манфаатларини кўзлаб ўзгартириши мумкин. Монополиялар ўзларининг таклифлари умумий ҳажмини тартибга солиш лаёқатидан фойдаланиб, маҳсулот ҳажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали анча барқарор фойда олиши мумкин.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитда монополиялар устидан икки усулда назорат ўрнатилади. Биринчи усулда, технология ва иқтисодий шароитлар “рақобатли бозор” мавжуд бўлиш имкониятини йўққа чиқарадиган табиий монополиялар деб номланадиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солади ва кўрсатиладиган хизматларга андозаларни ўрнатади. Транспорт, алоқа, электр қуввати ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади. Иккинчи усулда, самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасида таъминланиши сабабли давлат рақобатини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида монополияларга қарши қонунлар қабул қилади.

Бизнинг Республикада ҳам монопол фаолиятни чеклаш, товарлар бозорида рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган.

Бозор тизими кишиларнинг табиий қобилияти, орттирган билими ва малакаси ҳамда мулкка эгалигини ҳисобга олиб, уларнинг юқори даромад олишини таъминлайди. Шу билан бирга жамиятнинг моддий воситаларга эга бўлмаган, билим ва малака даражаси паст, лаёқати ҳам юқори бўлмаган аъзолари, қариялар, ногиронлар,

ишсизлар ёлғиз ва қарамоғида болалари бўлган аёллар жуда кам даромад олади ёки бозор тизими доирасида ишсизлар каби умуман даромадга эга бўлмайди. Қисқаси, бозор тизими пул даромадларини ва миллий маҳсулотни жамият аъзолари ўртасида тақсимлашда бирмунча тенгсизликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли давлат ўз зиммасига даромадлар тенгсизлигини камайтириш вазифасини олади. Бу вазифа бир қатор тадбир ва дастурларда ўз ифодасини топади.

Биринчидан, трансферт тўловлари орқаси муҳтожларни, ногиронларни ва бировнинг қарамоғида бўлганларни нафақалар ҳамда ишсизларни ишсизлик нафақалари билан таъминлайди. Ижтимоий таъминот дастурлари орқали пенсионерлар ва қарияларга молиявий ёрдам кўрсатилади.

Бу барча дастурлар давлат бюджети маблағларини, жамиятнинг кам даромад олган ёки умуман даромадга эга бўлмаган аъзолари ҳисобига қайта тақсимлайди.

Иккинчидан, давлат бозорини тартибга солиш йўли билан, яъниталаб ва таклиф таъсирида ўрнатиладиган нархларни ўзгартириш йўли билан ҳам даромадларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. Меъёридаги озиқ-овқат товарларига ўрнатиладиган имтиёзли нархлар ва иш ҳақининг энг кам (минимал) даражаси ҳақидаги қонунчилик давлатнинг, аҳолининг маълум қатлами даромадларини оширишга қаратилган тадбирларининг яна бир мисолидир.

Давлат жамият аъзолари ўртасида даромадларни қайта тақсимлашда солиқ тизимидан ҳам кенг фойдаланади (солиқ имтиёзлари орқали).

Бозор механизмининг ресурсларни қайта тақсимлашдаги лаёқатсизлиги икки ҳолатда кўринади, яъни рақобатли бозор тизими:

1) маълум товарлар ва хизматларнинг кам миқдорини ишлаб

чиқаради; 2) ишлаб чиқариши ўзини оқлаган айрим товарлар ва хизматларга ресурсларнинг ҳар қандай турини ажратиш ҳолатида бўлмайди.

Ресурсларнинг қайта тақсимланиши товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш билан боғлиқ фойда ёки зарар, учинчи томонга, яъни бевосита харидор ёки сотувчи ҳисобланмаганлар томонга “жойини ўзгартирса” вужудга келади. Бу қўшимча самара деб аталади, чунки у бозор қатнашчиси ҳисобланмаганлар ҳиссасига тўғри келувчи фойда ёки зарарни ифодалайди. Бунга атроф-муҳитнинг ифлосланишини мисол қилиб келтириш мумкин. Кимё корхонаси ўзининг sanoat чиқитларини кўл ёки дарёга оқизса, бу чўмилувчилар, балиқчилар ва атрофдаги аҳолига зарар келтиради.

Ишлаб чиқарувчи эса муҳофаза иншоот ва ускуналар ўрнатмаганлиги ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларининг анча паст даражасини таъмин-лайди. Давлат ресурсларининг номутаносиб тақсимланиши вужудга келтирадиган бу ҳолатларни тартибга солиш учун қонунчилик тадбирларини қўллайди ёки махсус солиқ ва жарималардан фойдаланади.

Масалан, атроф-муҳит ва сув ҳавзаларининг ифлосланишини тақиқловчи ёки чекловчи қонунлар, ишлаб чиқарувчиларни ўзларининг sanoat чиқитларини ишлаб чиқариш жараёнида ифлосланган сувни тозаловчи қурилмалар сотиб олиш ва ўрнатиш билан йўқотишга мажбур қилади.

Бошқа ҳолда давлат махсус солиқларни киритиш ёрдамида, атроф-муҳитни ифлослантирувчи корхоналарга бошқаларга келтириши мумкин бўлган зарарни юклашга ҳаракат қилади.

#### **1.4. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ўрганишнинг методологик масалалари**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ҳақида сўз борганда давлатнинг иқтисодий сиёсатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати — бу иқтисодиётни тартибга солиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандликни таъминлаш ва инфляцияни олдини олиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириб боришга қаратилган чора-тадбирларидир.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати ҳар доим мамлакат иқтисодий ривожланишининг ички ва ташқи шароитларини ҳисобга олади. Бунда энг аввал мамлакат иқтисодиётининг ҳолати, халқаро иқтисодий конъюнктуранинг миллий иқтисодиётга таъсири, ундан кутилаётган ўзгаришлар, мамлакат зиммасига олган халқаро мажбуриятлар, миллий иқтисодиётнинг ресурслар билан таъминланиш даражаси кабиларга эътибор қаратилади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда маълум мақсадларни кўзлайди. Булардан асосийлари қуйидагилар:

1. Барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш. Бу ялпи ички маҳсулотнинг бир маромда ва етарли суръатлар билан ўсишига шароит ҳозирлашни билдиради, чунки у қанчалик тез ўсса, мамлакат иқтисодий қудрати шунчалик ортади.

2. Миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш. Иқтисодиёт қанчалик мустақил бўлса, шунчалик миллий манфаатларга кўпроқ хизмат қилади.

3. Иқтисодий хавфсизликни кафолатлаш. Бу иқтисодий

оқимлар узлуксизлигини, яъни такрор ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз давом этишини, иқтисодий фалажликка йўл қўйилмаслигини билдиради.

4. Миллий пул барқарорлигини таъминлаш. Бу мамлакатдаги пул муомаласининг меъёрида боришига эришиш, уни иқтисодий алоқаларнинг барқарор воситасига айлантириш имконини беради.

5. Аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил ошириб бориш. Бу иқтисодиётнинг ижтимоийлигини тўлароқ юзага чиқаришга кўмаклашади.

6. Миллий хўжаликнинг халқаро интеграцион жараёнларда фаол иштирок этишга эришиш. Бу мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини топиши, халқаро иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланишига эришишга шароит яратади.

7. Булар иқтисодий сиёсатнинг стратегик, яъни узоқ даврга мулжалланган мақсади ҳисобланади. Давлат стратегик мақсадлардан келиб чиқиб қисқа даврдаги вазифаларини белгилайди. Булар жумласига иқтисодий тангликдан чиқиб кетиш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, инновацион ривожланишни таъминлаш, янги ташқи бозорларга кириб бориш кабилар киради.

Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усулларни умумлаштириб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- бевосита таъсир қилиш усуллари;
- билвосита таъсир қилиш усуллари;
- ташқи иқтисодий усуллар.

Марказдан бошқариш тартиби устун бўлган мамлакатларда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувида бевосита таъсир қилиш усуллари устун бўлса, бозор иқтисодиёти эса биринчи навбатда иқтисодий жараёнларни билвосита тартибга солиш билан боғланган. Шу билан бирга барча мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори мавжуд. Давлат хилма-хил шаклдаги капиталга эгалик қилади, кредитлар беради, корхоналарга мулкдор ҳисобланади. Бу давлатнинг ижтимоий капиталнинг бир қисмига эгалик қилишига олиб келади.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солишда маъмурий воситалардан фойдаланилади. Маъмурий воситалар давлат ҳокимияти кучига таянади ва тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш хусусиятидаги тадбирларни ўз ичига олади.

Тартибга солишнинг маъмурий воситаларидан фойдаланилганда яхлит такрор ишлаб чиқариш жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тўғридан-тўғри тартибга солиш кўзда тутилади. Айниқса, ишлаб чиқариш таназзулга учраган даврда иқтисодиётга билвосита таъсир қилиш тадбирлари кам самарали бўлиб, маъмурий воситалардан фойдаланишга устунлик берилади. Бу усуллардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

а) иқтисодиётнинг айрим бўғинлари - транспорт, алоқа, атом ва электр-энергетика, коммунал хизмат ва бошқаларни бевосита бошқариш. Бунда давлат мулк соҳиби ва тадбиркор сифатида ўзига қарашли корхона ва ташкилотчилар иқтисодий ҳаётида фаол қатнашади. Давлат тадбиркорлиги, маълум доирада амал қилиб, кўпинча технология шароити хусусий капитал учун қулай бўлмаган корхоналар доираси билан чекланади. Давлат тадбиркорлиги бир томондан, маълум шароитларда иқтисодий ўсиш учун зарур бўлса,

иккинчи томондан, вақт ўтиши билан самарасиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда улар хусусий тадбиркорлик объектига айлантирилади.

Республикада “Иқтисодий эркинлаштиришдаги бош вазифа – давлатнинг функцияларини қисқартириш унинг корхоналар хўжалик фаолиятига биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш”<sup>4</sup> ҳисобланади;

б) нархлар ва иш ҳақини қотириб қўйиш сиёсати:

бу иқтисодийга аралашининг антиинфляцион тадбирлар ҳисобланиб, инфляциянинг юмшатишга қаратилади. Мазкур сиёсатни юритишда нархлар ва иш ҳақини ошириш қонун билан тақиқланди ёки маълум доира билан чекланади. Антиинфляцион тадбирлар орқали инфляциядаражасининг пасайиши инвестицияларга рағбат беради;

в) иш билан бандлилик хизмати фаолияти (меҳнат биржалари) ни ташқил қилиш:

давлат бу фаолиятни ташқил қилиш билан ишсизликни қисқартириш чораларини кўради. Уларни зарур касбларга қайта тайёрлайди, иш билан таъминланмаганларга нафақа беради, муҳтожларга ёрдам кўрсатади;

г) иқтисодий соҳани тартибга солишни кўзда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (монополияга қарши қонунчилик, тадбиркорлик тўғрисидаги, банк соҳалари, қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини тартибга солишни кўзда тутувчи қонунлар.)

Шу орқали бозор муносабатларининг ривожланиши қонун йўли билан кафолатланади, турли мулк шаклларидаги дахлсизлиги

---

<sup>4</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: “Янги асар авлоди”, 2001 йил.62-бет.

таъминланади, монополияларга йўл берилмайди ва эркин рақобатга шароит яратилади. Иқтисодиётни билвосита тартибга солишда иқтисодий дастак ва воситаларга устунлик берилади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда асосий капиталга ҳисобланадиган жадаллашган амортизация ажратмалари алоҳида ўрин ўйнайди. У ҳозирги шароитда жамғариш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни рағбатлантиришнинг асосий воситаси ҳамда иқтисодий цикл ва бандликка таъсир кўрсатувчи муҳим дастак ҳисобланади.

Иқтисодиётни тартибга солишда давлат капитал қўйилмалари муҳим рол ўйнайди. Жумладан, бозор конъюктураси ёмонлашган, турғунлик ёки инқироз шароитида хусусий капитал қўйилмалар қисқаради, давлат инвестициялари эса одатда ўсади. Шу орқали давлат ишлаб чиқаришда таназзул ва ишсизликнинг ўсишига қарши туришга ҳаракат қилади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ўз-ўзини тартибга солинадиган бозор иқтисодиётида давлатнинг роли ва вазифалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони моҳияти ва устувор йўналишлари нималарда намоён бўлади.
3. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви.
4. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг зарурати.
5. Давлатнинг иқтисодий функциялари.
6. Иқтисодиётни тартибга солишдан кўзланган мақсадлар.
7. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари.
8. Иқтисодиётни бошқаришнинг методологик масалалари.

## **2-БОБ. РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

2.1. Меркантилизм ва Физиократ мактаблари намоёндаларининг иқтисодиётда давлатнинг роли ҳақидаги қарашлари.

2.2. Миллий иқтисодиётни тартибга солишда Классик сиёсий-иқтисод намоёндаларининг концепциялари. Иқтисодий либерализм.

2.3. Давлатнинг иқтисодий роли ҳақида Кейнсча қарашлар.

**Таянч иборалар:** давлатнинг роли, иқтисодий мактаблар, миллий иқтисодиёт, иқтисодий концепциялар, иқтисодий либерализм, некейнсчилик, институционализм, ижтимоий иқтисод.

### **2.1. Меркантилизм ва Физиократ мактаблари намоёндаларининг иқтисодиётда давлатнинг роли ҳақидаги қарашлари**

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари, энг аввало, илмий билишдан иборатдир. Шундан келиб чиқадики, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни кузатиш, улардаги шакл ва мазмун ўзгаришларини, ички боғланиш ва алоқаларни, зиддиятларни, қонун-қоидаларни, тушунчаларни билиб, биринчи навбатда, талабаларга, иқтисодчи мутахассисларга ва иқтисодиёт билан қизиқувчи бошқа ходимларга ўргатишдан иборатдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш амалий, назарий, услубий ва тарбиявий томонлари бир–бири билан чамбарчас боғлиқдир. Амалий иқтисодиёт назарий билимга эга бўлишни, у билан қуролланиш заруриятини тақозо этади. Назарий билим эса олдиндан кўра билиш ва амалий ҳаракат йўлини тўғри белгилаш имконини беради.

Умуман олганда, Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар сирларини билишда илмий қўлланмадир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари «Кишиларда янги иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш»<sup>5</sup> вазифасини ҳам бажарадики, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги стратегик мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назариялари фани Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг сўзлаган нутқ ва маърузаларида, асарларида кўрсатиб берилган бозор иқтисодиётига ўтиш даври тамойилларини, ўтишнинг ўзига хос йўлини, ўзининг иқтисодий қонунларини, йўл-йўриқларини, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар асосида мамлакатимиз олдида турган иқтисодий муаммолар ва вазифаларнинг чуқур таҳлилини, уни ечиш йўллари эритмоғи, ўтиш даври иқтисодиётининг хусусиятлари, кўп укладли иқтисоднинг, турли шаклдаги мулкчиликнинг вужудга келиш йўллари, усуллари кўрсатиб бермоғи лозим.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жамият тараққиётига ўз таъсирини ўтказди. Бу таъсир иқтисодий, ташқилий, ижтимоий ва бошқа йўллар билан амалга оширилади. Давлатнинг бундай фаолияти ҳақида турли фикрлар мавжуд. Шундай қарашлардан бири-иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ҳақидаги назариялардир.

Натурал хўжалик муносабатларининг бозор иқтисодий муносабатлари томонидан сиқиб чиқарилиши XVI асрдан XVIII асргача бўлган тарихий даврни ўз ичига олади. Бу давр иқтисодий адабиётда, одатда меркантилизм даври деб аталади. Меркантилизм (итальянча «мерканте») сўзидан келиб чиққан – савдогар маъносини

---

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

англатади), бу бозор (капиталистик) иқтисодиётига бўлган биринчи илмий қарашлар тизимидир.

**Меркантилизм** – бу муомала соҳасида иқтисодий қонуниятларнинг ривожланишига бўлган қарашлар тизими ва протекционизм принципларига асосланган бир қатор давлатларнинг иқтисодий сиёсати, у феодализмнинг емириш даврига мувофиқ келади ва “ноиндуриал” иқтисодий даврдаги иқтисодий воқеликни таҳлил қилишга уринган таълимот ҳисобланади<sup>6</sup>.


Меркантилизм, энг аввало, давлатнинг иқтисодий сиёсатини ифода этган, унинг амалий фаолияти учун тавсиялар ишлаб чиққан. Меркантилистлар тадқиқотининг мақсади реаллик сифатидаги иқтисодиётни таҳлил қилиш эмас, балки ҳукуматга амалий маслаҳатлар беришдир. Шунинг учун улар давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини қўллаб-қувватладилар, юқори солиқ ставкасини ва давлат харажатларини ҳимоя қилдилар.

Меркантилистларнинг илмий дунёқараш тамойиллари қуйидагилар билан тасвирланади: ҳар қандай олтин ва қимматбаҳо нарсаларга бойлик сифатида қараш; мамлакатга олтин ва кумушнинг оқиб келишини таъминлаш мақсадида ташқи савдони тартибга солиш; арзон хом ашёни импорт қилиш йўли билан саноатни рағбатлантириш; импорт қилинадиган саноат товарларига протекционистик тарифларни белгилаш; экспортни, айниқса, тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш; иш ҳақининг паст даражасини ушлаб туриш учун аҳолининг ўсиши. Миллий фаровонликнинг зарурий шарти сифатидаги актив савдо баланси доктринаси, шак-шубҳасиз, меркантилизмнинг асоси ҳисобланади.

---

<sup>6</sup> Асатуллаев Х., Джумонов Д., Аллаберганов З., Хусанов Д. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Маърузалар матни. -Т.: “Фан ва технология”, 2014. Б-32.

А. Смитнинг биринчи концепцияси «меҳнат» сўзи ёзилган яхлит стрелка кўринишида акс эттирилган. Бу қийматни яратишда меҳнат ягона манба эканлигини кўрсатди. Меҳнат билан яратилган даромад тақсимланиш жараёнида иш ҳақи, фойда ва рентага бўлинади. А.Смитнинг иккинчи концепциясининг асл маъноси «Капитал» ва «Ер» сўzlари ёзилган нуқтали чизиқ (пунктирли) стрелка ёрдамида ифодаланган. Бу концепция маҳсулот ва даромадларни яратишда меҳнат билан бирга капитал ва ернинг 58 ҳам иштирок этишини билдиради. А.Смит ўз қарашларида бу иккала концепциядан фойдаланди (1- расм).



**1-расм. Қийматнинг (ва баҳонинг) ташқил топиши тўғрисидаги А.Смитнинг икки концепцияси**

Улар энди қийматнинг шаклланишида иштирок этувчи омил сифатида бўлади. Меҳнат иш ҳақи кўринишида даромад яратади, капитал фойда кўринишида даромад яратади, ер рента кўринишида даромад яратади.

**Физиократлар** (лат. – табиат, ҳукмронлик) – бу XVIII асрдаги француз иқтисодчилари, классик сиёсий иқтисод вакиллари дир. Физиократлар мактаби Францияда феодализмдан капитализмга ўтиш даврида вужудга келди. Бу тасодифий ҳол эмас эди. Ўша даврда Францияда мануфактура анча ривожланган бўлсада, аммо мамлакат ҳали ҳам аграр ҳолатда эди. Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшар, миллий бойликнинг 2/3 қисми шу соҳада юзага келтирилар эди. Қишлоқ хўжалиги аҳволини яхшилаш тадбирлари физиократлар тадқиқотларининг асосини ташқил этади. Улар қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг ягона унумли соҳаси деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, бойлик фақат қишлоқ хўжалигида яратилади, саноат ва савдода эса у қайта ишланади ва қайта тақсимланади, холос. Шунга кўра физиократлар тадқиқотни муомала соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига олиб ўтдилар ва бу билан капиталистик тизимнинг кейинги таҳлили учун асос яратдилар. Франсуа Кенэ (1694–1774) физиократлар мактабининг асосчиси ҳисобланади. Ф.Кенэ ҳар томонлама билимли олим бўлиб, Версаль яқинида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У ёшлигидан тиббиётга қизиқди ва бу соҳада таълим олди. Кейинчалик тиббиёт амалиёти унга шуҳрат келтирди. 1752 йилда Қирол Людовик XV саройида табиблик қилди. Тиббиёт ва биологияга оид кўпгина асарлар яратди. Ф.Кенэ иқтисодиёт муаммолари билан олтмиш ёшидан бошлаб бевосита шуғуллана бошлади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, Ф.Кенэнинг иқтисодий ғоялари қирол саройида - Версалда юзага келди. У умрининг охиригача ўша ерда яшади ва ижод қилди. Ф.Кенэнинг «Фермерлар», «Дон», «Аҳоли», «Солиқлар» номли дастлабки иқтисодий мақолалари Дидро ва Д.Аламбер томонидан чоп этилган «Қомус»да эълон қилинди. 1758 йилда унинг асосий асари «Иқтисодий жадвал» дунёга

келди. Ф.Кенэ нафақат физиократизм мактаби асосини яратди, балки унинг назарий ва сиёсий дастурини ҳам шакллантирди. Унинг физиократик ғояларини кейинчалик А.Тюрго ва бошқа бир қатор француз иқтисодчилари давом эттирдилар ва тарғибот қилдилар. Шундай қилиб, ҳақиқий физиократлар мактаби ёки ўша давр тили билан айтганда «иқтисодчилар мактаби» таркиб топди. Унинг энг ривожланган даври XVIII асрнинг 60–70-йилларига тўғри келади.

## **2.2. Миллий иқтисодиётни тартибга солишда классик сиёсий-иқтисод намоёндаларининг концепциялари.**

### **Иқтисодий либерализм**

Европадаги кўпчилик ривожланган мамлакатларда ва АҚШда бутун XIX аср давомида, яъни классик сиёсий иқтисоднинг маржинализм билан ўрин алмашиш даврига қадар, классик мактаб ғояларининг ва концепцияларининг кейинги ривожланишида А.Смит таълимоти асос бўлиб келди. Шу маънода Францияда А.Смит ғояларини анча изчил ва ижодий давом эттирган Жан Батист Сэй (1767–1832) ҳисобланади. У 1767 йил, 5 январда Лионда савдогар оиласида туғилди. Оилавий тадбиркорлик анъаналарни давом эттириш учун зарур бўлган билимни олиш билан бирга, Ж.Б.Сэй ўз билимини мустақил ошириш, айниқса, сиёсий иқтисодни ўрганиш билан шуғулланди. Кейинчалик маълум бўлишича, у А.Смитнинг “Одамлар бойлиги” асарига асосий эътибор қаратган. Ундаги ғояларни оммавийлаштириш, унинг фикрича, Франция манфаатларига ҳам, шунингдек, барча инсоният манфаатларига ҳам хизмат қилади. Ж.Б.Сэй ҳаётда ҳар хил машғулот турлари билан шуғулланди. У савдо конторасида назоратчи бўлиб ишлади, Франция армиясида хизмат қилди, нуфузли журнал муҳаррири бўлди, давлат

муассасаларида ишлади. Аммо унинг ҳаётидаги асосий иши – иқтисодий билим соҳасидаги тадқиқотидир. У ўзининг «Сиёсий иқтисод трактати» (1803) асарида А.Смит концепциясини тизимлаштиришга, уни кенг халқ оммаси учун тушунарли қилиб беришга ҳаракат қилди. Унда Ж.Б.Сэй саноатнинг юксалишига ва халқ бойлигини кўпайтиришга тўсқинлик қилувчи “ман этувчи тизим”га қарши чиқди. «Трактат»даги иқтисодий либерализм тўғрисидаги ғоя, хусусан, давлатнинг иқтисодиётга ва хўжалик ҳаётини қайта қуришга аралашмаслиги тўғрисида ғоянинг амалга оширилиши ҳарбий-саноат бошқарувини ўша даврдаги Франция ҳукуматидаги реал ҳукмронликдан маҳрум қилган бўлар эди. Наполеон “Трактат” билан танишиб чиққач, унинг муаллифини суҳбатга чақирган ва унга ўз асарини тубдан қайта ишлашни таклиф қилган. Ж.Б.Сэй бу таклифни рад этди ва сиёсий “сахнадан” кетишга мажбур бўлди. Аммо тиниб–тинчимас Ж.Б.Сэй ўзининг хусусий ип йиғириш фабрикасини очди. Кейинчалик, 1813 йили уни сотиб, топган пулига «Трактат»ни иккинчи нашрдан чиқариш учун Парижга қайтиб келди. Асар 1814 йили чоп этилади, сўнгра қисқа вақт ичида яна уч марта 1817, 1819 ва 1826 йилларда қайта нашр этилди. Бу асар тез орада жуда кўп тилларга таржима қилинди. Францияда Наполеон тузумининг емирилиши билан вужудга келган ўзгаришлар Ж.Б.Сэйнинг иқтисодчи-олим ва жамият арбоби сифатидаги номини оқлади. У руҳланиб, сиёсий иқтисод бўйича ўз асарлари устида ишлашни давом эттирди, кўп лекциялар ўқиди ва уларда иқтисодий назария қоидаларини тизимлаштириш ва оммавийлаштириш маҳоратини намойиш этди. Ж.Б.Сэй асарларида иқтисодий фан соф назарий ва тавсифий фанга айланди. У иқтисодий назариядан сиёсатнинг, идеологиянинг ва статистиканинг ажралиб чиқишини

маъқуллади. «Сэй қонуни». Ж.Б.Сэй А.Смитнинг эркин бозор, баҳонинг эркин шаклланиши, ички ва ташқи савдо, тадбиркорларнинг чекланмаган эркин рақобати ва протекционизмнинг ҳар қандай қўринишига йўл қўймаслик тамойилларини қўллаб-қувватлади ва уларни кўкларга кўтарди. Агар бу тамойиллар қўлланилса, Ж.Б. Сэй башоратига кўра, ортиқча ишлаб чиқариш ҳам, ижтимоий маҳсулотни тўла истеъмол қилмаслик ҳам бўлмайди, яъни иқтисодий инқирозларнинг объектив зарурлиги келиб чиқмайди. У бу ғояни ривожлантириб, ўзининг «бозор қонуни»ни яратди. У “Сэй қонуни” деб аталади. Бу қонуннинг моҳиятига кўра, ҳар қандай ишлаб чиқариш даромадларни келтириб чиқаради, бу даромадларга қиймати уларга тенг бўлган товарлар сотиб олинади, ялпи талаб эса ҳамиша ялпи таклифга тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда, товарлар таклифи ўзи учун шахсий талабни яратади, яъни ўз товарини сотиб даромад олган ҳар бир киши ушбу даромадга мос равишда талабни келтириб чиқаради (бошқа товарлар сотиб олинади). Демак, жамият миқёсида таклиф ва талаб мувозанатлашади, ортиқча ишлаб чиқариш бўлмайди. Ортиқча ишлаб чиқариш фақат айрим тармоқларда бошқа тармоқлардаги кам ишлаб чиқариш ҳисобига вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, кўп ишлаб чиқаришдан кўрқмаслик керак, фақат айрим товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиш хавфи туғилиши мумкин. «Сэй қонуни» номини олган бу қоида классикларнинг макроиқтисодий назариясининг асосини ташқил этди ва кейинчалик Ж.М.Кейнс томонидан инкор этилди. Ж.М. Кейнснинг тасдиқлашича, одамлар даромадларнинг барчасини истеъмолга сарфламайдилар, балки уларнинг бир қисмини жамғариб борадилар. Бу эса шунга мувофиқ равишда ялпи талабни камайтиради, иш билан бандликни қисқартиради. Пировард натижада бундай ҳолат Сэй

қонунининг нотўғри эканлигини келтириб чиқаради. Чунки бу қонунга мувофиқ истеъмолга сарфланиши керак бўлган даромаднинг бир қисми жамғармага ажратилади. Демак, ялпи таклиф билан у келтириб чиқарадиган ялпи талаб ўртасидаги мувозанат бузилади. Аммо «Сэй қонуни»нинг муҳим томони шундан иборатки, иқтисодий либерализмнинг барча принципларига жамият томонидан риоя қилинса, ишлаб чиқариш (таклиф) ўзига мос равишда истеъмолни (талабни) келтириб чиқаради, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқариш А.Смитнинг «табiiй тартиб» (пулнинг пассив ролига асосланган меҳнат натижаларини айирбошлаш) шароитида, албатта, шундай даромадларни келтириб чиқарадики, уларга бу товар ва хизматлар эркин амалга оширилади. Иқтисодий либерализм концепциясининг барча тарафдорлари томонидан «Сэй қонуни» шу кўринишда қабул қилинган ва бозорда баҳонинг эркин ташқил топиши хўжалик конъюнктурасидаги ўзгаришга дарҳол мослаша олади, иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартибга солиб туришини кафолатлайди, деб ҳисоблаган. Ҳақиқатан ҳам, агар пул фақат ҳисоб-китоб бирлиги ҳисобланган бартерли иқтисодиёт амал қилади десак, унда таклиф миқдори талаб миқдorigа тенг бўлади, ортиқча ишлаб чиқариш бўлмайди. Бу Сэй қонунининг моҳиятини ташқил этади.

### **2.3. Давлатнинг иқтисодий роли ҳақида Кейнсча қарашлар**

Инглиз буржуа иқтисодчиси Джон Мейнард Кейнс Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш назариясига асос солган (1883–1946). Кейнс қарашлари ривожланган мамлакатлар макроиқтисодиёти назарияси ва сиёсатининг асосини ташқил қилади.

Кейнснинг асосий асарларидан бири 1936 йилда ёзилган «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» ҳақидаги китобидир.

У бу асарида «самарали талаб»га эришиш учун давлатнинг иқтисодиётга аралашувини зарур деб ҳисоблайди.

Кейнс ўтмишдошларига ўхшаб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш муаммоларини ресурслар таклифидан қидириш керак эмас, балки ресурслар талабидан, яъни ресурслар реализациясидан қидириш зарур, деб кўрсатади.

Нима сабабдан иқтисодиёт мувозанатини талаб нуқтаи назаридан ҳал қилиш керак?

Дж.Кейнс «самарали талаб» назариясини киритади, у ишлаб чиқариш ва истеъмол, даромад ва бандлик ўртасида мувозанатни акс эттиради. У ялпи ижтимоий маҳсулот миллий даромад каби макроиқтисодий кўрсаткичларни бир жойга тўплайди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар иқтисодий тизимининг амал қилишини кўрсатиб беради.

Кейнс иқтисодиётни бошқаришнинг бош қуроли - бюджет-молия сиёсатидир, деб ҳисоблайди. Давлат бюджети ва молия сиёсати зиммасига ишчи кучининг бандлиги ва ишлаб чиқариш қуроллар етказиб беришни юклайди.

Кейнснинг фикрича, давлат харажатлари ҳокимиятнинг иқтисодиётни цикли ривожлантириш ва инқирозни бартараф қилишда аралашувини таъминловчи қуроллардан бири. Шунинг учун у буларнинг шаклланиши, тузилмаси ва ўсишини «самарали талаб»га эришиш омили деб ҳисоблайди.

Давлат харажатларининг ўсиши миллий даромаднинг реализация қилинишига ва тўла бандликнинг таъминланишига олиб келади. Солиқлар ва заёмлар билан таъминловчи давлат талабининг ўсиши тадбиркорлар фаолиятини шакллантиради ҳамда миллий

даромад ва бандликнинг ўсишига олиб келади. Солиқ сиёсатининг ўзгариши истеъмолга мойиллик уйғотади.

Юқорида таъкидланганидек, Кейнс бозорга таянган капиталистик иқтисодиётни таҳлил қилиб, давлатнинг унга аралашувини зарур, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, давлат хусусий инвестицияни рағбатлантиришни ўз зиммасига олиши керак, хусусий талабни қоплаш мақсадида ўз харажатларини кўпайтириши лозим. Давлатнинг мазкур иқтисодий сиёсати «иш билан тўла бандликни, яъни капитализмни инқирозларсиз ривожлантиришни таъминлайди».

Жамиятда умумишлаб чиқариш жараёнини тартибга солишда давлат асосий роль ўйнайди. Давлат муомалага қўшимча пул чиқариш (инфляция) йўли билан ссуда фоизининг камайишига таъсир қилиши мумкин, Кейнснинг фикрича, бу фойданинг кўпайишига, натижада ишлаб чиқаришга инвестиция қилишни рағбатлантиришга олиб келади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши миллий даромаднинг кўпайишига, ишсизликни тугатишга, истеъмол ва ишлаб чиқариш талабининг ортишига олиб келади.

Кейнс олинадиган солиқлар ҳажмини миллий даромад ҳажмига боғлиқ деб, миллий даромад қанча кўп бўлса, солиқ бюджетга шунча кўп тушади ёки аксинча бўлиши мумкин, бу эса иқтисодий тизимнинг эгилувчанлигини таъминлайди, деб ҳисоблайди. Бу, албатта, даромад солиғига тегишли. Инқироз даврида ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, ишсизлик ва солиқларнинг ўсиши истеъмолга мойилликни вужудга келтириб, даромадлар ўсиши ва талабга нисбатан рағбат яратади. Лекин, Кейнс қарашининг қарама-қарши томонлари ҳам бор. Чунончи:

1. Давлат харажатларини ўстириш йўли билан олиб бориладиган «самарали талаб» вақтинчалик натижа беради. Давлат янги талабни яратмайди, балки уни бир шаклдан иккинчи шаклга айланишига таъсир қилиши мумкин. Давлат талаби ва истеъмолнинг кенгайиши хусусий секторда инвестицияга бўлган талаб ҳамда истеъмол талабини қисқартириш ҳисобига бўлади.

2. Инвестициянинг ўсиши солиқлар ва заёмлар ҳисобига молиялаштирилиб, бу ишлаб чиқариш фаолиятининг кенгайиши ва миллий даромаднинг ўсишига олиб келади. Лекин давлат инвестицияси капитал органик тузилишни ўстиради, бу эса бандликнинг ўсиш кўрсаткичини пасайтиради.

Кейнснинг издошлари иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига доимий равишда аралашувини, яъни «Иқтисодий ўсиш назарияси»ни яратди. Фоиз нормасининг ошиши орқали инвестицияни ўстиришга бўлган қизиқишни кўпайтириш мумкин эмаслигини билгандан кейин, янги кейнсчилик соф фискал назарияга айланди. Кейнс издошлари антицикл назариясини яратди давлатнинг даромад ёки харажатларини ўзгартириш билан иқтисодиётни ривожлантиришда мувозанатга эришиш мумкин, деган фикрни билдирди.

Янги кейнсчилар мультипликатор назариясини яратди. Мультипликатор - даромад ўзгаришининг инвестициялар ўзгаришига боғлиқлигини кўрсатувчи коэффициент.

Янги кейнсчилар мультипликатор назариясига кўра, инвестициялар ҳажми бандлик ва даромадларнинг ўсиши ўртасидаги бир-бирига боғлиқликни математик усуллар асосида ифодалайди.

Акцелерация назариясида капитализмнинг умумий инқироз даври учун характерли бўлган ишлаб чиқариш қувватларининг тўла

ишламаслиги ҳисобга олинмайди. Шунинг учун тайёр маҳсулотга бўлган талаб ўсиб, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни доимовақт зарур қилиб қўймайди.

Мультипликатор ва акселатор таълимотлари янги кейнсчиларнинг ҳозирги замон «иқтисодий ўсиш» ҳақидаги назариялари асосини ташқил қилади. Янги кейнсчилар фикрига кўра, мультипликатор, даромадларнинг, иш билан бандлик ва эҳтиёжларнинг ўсишига сабаб бўлади. Акселатор эса янги инвестицияларни рағбатлантиради, бу инвестициялар, ўз навбатида, мультипликаторни ҳаракатга келтиради.

Кейнс издошлари молиялаштириш тақчиллигини “самарали талаб”га эришиш усули деб талқин қилади.

Кейнс мактаби Кейнснинг давлат ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлайди, яъни давлат фақатгина сиёсий куч эмас, у тадбиркор, истеъмолчи, инвестор, кредитор, қарздор ва ҳ.к. бўлгани учун бозорга, нарх-наво ва иқтисодиётга таъсир қилиши мумкин кейнсчилар мазкур ғояни илгари суриб, уни исботлаб беришди.

XX асрнинг 70-йиллари бошида капиталистик мамлакатлар тараққиётида, яъни капитал ва ялпи ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш жараёнида туб ўзгаришлар бўлди.

Бу даврда ишлаб чиқариш жараёнида фан техника тараққиётининг ривожланиши, янги техника ва технологиянинг юзага келиши техника тараққиётидаги тўнтариш билан бир вақтда капиталистик хўжаликнинг ҳар томонлама байналмилаллашуви, миллий иқтисодиётлар боғлиқлиги ва ўзаро таъсири кучайиши билан характерланади.

Бундай шароит давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг шакл ва усуллари ўзгаришига олиб келди иқтисодий жараёнлар истиқболи

учун янги назариялар яратишни тақозо қилди. Чунки 60-йилларга хос кейнсчилар назарияси самарасиз бўлиб қолди, яъни иқтисодиётда янги муносабатлар юзага келиши ва иқтисодий вазиятнинг ўзгариши давлатнинг иқтисодиётга алмашуви йўналишининг замонавий шакллари тақозо қилди. Чунончи:

1. Маблағларни жамғариш ёки уни ишлаб чиқаришга сарфлашнинг турли иқтисодий агентлар томонидан ҳал қилиниши бу миқдорнинг мос келмай қолиши, иқтисодиётнинг инқирози, ишсизлик ёки бозор ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади.

Агар инвестицион ва истеъмол талаблари етарли бўлмаса, жамғарманинг ортиб кетиши ва ишсизликнинг кўпайиш хавфи туғилса, давлат сунъий равишда самарали талабни молиялаштириш йўли билан ушлаб туриши мумкин.

2. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон бозорининг кенгайиши, мамлакатлар иқтисодий очиқлигининг кенгайиши давлатнинг талаб тизмларига бошқача ёндашув асосида қарашни талаб қилади. Энди давлат сиёсати фақатгина ўз тадбиркорлари молларини сотиш учун эмас, балки чет мамлакатлар маҳсулотларини ҳам шарт-шароит яратиб беради.

3. Инфляциянинг чуқурлашуви ишлаб чиқариш ва бандликни талаб орқали бошқариш имкониятини йўққа чиқаради. Ўз навбатида, давлат талаби нарх-навонинг баҳони ўсишига олиб келади. Инфляция ишлаб чиқариш ва бандликка акс таъсир қилади.

4. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг кенгайиши давлат аппарати учун сарф-харажатларни кўпайтиради. Бу эса давлат қарзларининг ўсишига, инфляциянинг кучайишига олиб келади.

5. Такрор ишлаб чиқариш шароитининг ёмонлашуви ёнилғи ва хомшё ресурслари ўсиши, нарх-навосининг ўсишига олиб келади.

Шундай шароитда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви заруратга айланади.

70-йилларда янги консерватив назариячилар кейнсчиларга нисбатан устун даражада ўз назарий қарашларини илгари суриб, унинг тўғри эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Бу қарашлар қуйидаги йўналишда намоён бўлади:

1. Монетаризм.
2. Таклиф назарияси.

Монетаризм назариясининг асосчиси-Нобель мукофоти лауреати Америка иқтисодчиси Фридмен.

Унинг фикрича, давлат минимум даражада яъни фақатгина пул муомаласи доирасида иқтисодиётга аралашуви лозим.

Фридменнинг ҳозирги замон иқтисодиётини бошқаришнинг монетаристик назарияси асосида:

1. Пул барча ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ҳаракатни аниқловчи асосий мезон ҳисобланади.

2. Пулга бўлган талаб доимий равишда ўсиб боради, чунки у индивиднинг жамғаришга бўлган мойиллигини аниқлайди. Иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш учун доимий равишда муомалада пулни кўпайтириш керак.

3. Пул таклифи кредит - пул институтларининг нотўғри иқтисодий сиёсати оқибатида содир бўладиган беқарорлик билан характерланади.

Иқтисодий инқироз даврида хусусий хўжаликлар ўз-ўзини бошқариб, қисқа муддатда бандликни таъминлайди.

Фридмен «Кейнс фискал сиёсати мактаби» (давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан зиёд аралашуви) капиталистик иқтисодиёт аҳволининг айниқса, пул муомаласининг ёмонлашувига олиб келади,

дейди. У Кейнсчилик муқаррар равишда инфляцияга олиб келишини алоҳида таъкидлай.

Масалан, Фридмен пул сиёсати, пулга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни яратишга қаратилиши керак, дейди. У шу мақсадда муомаладаги пулнинг ўсиш фоизини аниқ белгилаш, қайсики, у миллий даромаднинг, бандликни, нархнинг ўртача даражасига мос бўлиб, қолдиғи доимий равишда тенг бўлиши керак. Бу қолдиқ бир йилда 3-5 фоизни ташқил қилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги далилларни келтиради.

Фридмен фикрича, муайян даражада аста-секинлик билан иш фаоллигининг пасая бориши фойда келтиради, чунки у рентабеллик даражаси, рақобат қобилияти паст хўжаликлар тугатилишига олиб келади, ишсизлик эса иш ҳақини ошириш учун ҳаракатни сақлаб қолади.

Янги консерваторлар социал имтиёзларга қарши чиқади, чунки уларнинг фикрига кўра, социал имтиёзлар ишчилар синфини дангаса қилади, меҳнатга бўлган иштиёқни сусайтириши мумкин.

Янги неоклассик назария тарафдорлари иқтисодиётни давлат томонидан эмас, балки товар-молия муносабатлари орқали, хусусан, нархни белгилаш, қиймат қонуни, рақобатни ривожлантириш ёрдамида бошқариш мумкинлиги ғоясини илгари суради.

Монитаристлар мактаби тарафдорлари эса давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаб, солиқларни қисқартириш, давлатнинг капитал бозорига аралашуви имкониятларини пасайтириш керак, деган фикрга келади.

«Таклиф назарияси» ҳам бошқа консерватив фикрлар сингари янги классик назарияга асосланади. Уларнинг фикрига кўра, иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи капиталга тўғри

келадиган соф фойда (солиқларни чиқариб ташлагандан кейин) эканлигидир. Бу назария тарафдорлари давлат тадбиркорлиги ишлаб чиқариш омилларига, меҳнат ва капиталга таъсири ҳақида фикр юритади.

Таклиф назариясининг асосий дастаги солиқлар ва давлат харажатларини ўзгариши айрим нархларга (айрим товар нархии ёки ишлаб чиқариш омиллари бир-бирига нисбатан ўзгариши ва бошқалар), яъни даромадларнинг ўзгаришга олиб келади, деб талқин қилади.

Кейнсчилар назариясига асосан солиқлар ва давлат харажатлари бевосита иқтисодий вакиллар даромадига таъсир қилади, уларнинг нархларга таъсири эса иккинчи даражали.

“Таклиф назарияси” тарафдорлари жамғариш ва инвестицион рағбат тизимини яратиш, капитал ва ишчи кучи таклифига солиқ сиёсати орқали таъсир қилишни таклиф қилишади. Бу ўринда асосий эътибор солиқ ставкаси юқори даражасини пасайтиришга қаратилган.

Уларнинг фикрига кўра, корпорациялар даромадининг тақсимланган қисмида солиқлар ставкасини энг охириги нуқтасигача қисқартириш зарур. Бу ишлаб чиқариш ресурслари таклифига бўлган қизиқишни кучайтиради, натижада ялпи талаб ҳам ўсади. Бу тадбирлар натижаси «даромад ставкаси» ва «тиклаш самараси»нинг ўзаро таъсири билан аниқланади.

Фискал сиёсатининг асоси бўлган давлат харажатларини камайтириш, у солиқ ставкаси камайтирилиши билан бир вақтнинг ўзида олиб борилиши керак. Бу даромад самарасини камайишига, ишчи кучи ва капитал таклифини ўзгартиришга олиб келади бунга жавобан солиқ ставкасининг ўзгариши «тиклаш самараси» таъсирида

акс этади. Бу назариячилар, юқорида айтганимиздек, давлатнинг социал харажатларини қисқартириш тарафдоридир.

«Таклиф назарияси»да зиддиятли масалалар ҳам бор. Улар фикрича, иқтисодиёт тараққиётининг энг юқори чўққисига эркин нарх орқали чиқиш мумкин. Бу эса ҳаётда олигополия тузилмасини вужудга келтиради, бозор ҳамда фирмалар ёлланма ишчилар ўртасидаги аниқ муносабат ларни акс эттиради.

Ушбу назария тарафдорларининг кўрсатишига кўра, фоиз ставкасининг пасайиши жараёнида «тиклаш самараси», «даромад самараси»га айланади, натижада ишчи кучига талаб жамғариш ҳам ўсади. Дарҳақиқат даромад солиғи фоиз ставкасининг пасайиши чекланган ҳолда ишлаб чиқариш ресурслари таклифига таъсир кўрсатади ва федерал бюджет камёблигини бартараф қилади.

Мазкур назарияларни ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига тадқиқ қилиниши натижасида маълум даражада муваффақиятга эришилди. Масалан, АҚШда 70-йилларнинг охирига келиб, консерваторлар тавсияларини амалда қўллай бошлайдилар, шу вақт (1980-1984 йиллар)да давлат бюджети камомадли характерга эга бўлди. Бу самарали талабга кучли туртки бўлиб, АҚШ иқтисодиёти турғунликдан чиқади. Демак, Кейнснинг таклифи асосида муваффақиятга эришилди.

Шунинг учун монетарист Фридмен “Кейнснинг бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» ҳақидаги китоби ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ деб, «биз ҳар биримиз бошимиздан суягимизгача бир томондан кейнсчимиз, иккинчи томондан биз ҳеч қайсиси эмасмиз, биз ҳаммамиз Джон Кейнс тилидан, аппаратидан фойдаланамиз, лекин ҳеч қайсимиз унинг дастлабки хулоса ва

ишончларидан уни маҳрум қилмоқчи эмасмиз», – дея ўз фикрини билдиради.

Хулоса қилиб айтсак, бу назариялар ривожланган мамлакатларда, уларнинг иқтисодий шарт-шароитига қараб, ҳозирги кўпда ҳам қўлланилмоқда.

### **Назорат учун саволлар**

1. Иқтисодиётда давлатнинг роли нималар орқали номаён бўлади?

2. Қандай иқтисодий мактаблар давлатнинг ролини изоҳлаб берган?

3. Миллий иқтисодиётни тартибга солишда “Давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги” тамойилини тушунтириб беринг.

4. Нима учун иқтисодий концепциялар ишлаб чиқилади?

5. Иқтисодий либерализм деганда нимани тушунасиз?

6. Неокейнсчилик ва институционализм назарияларини изоҳлаб беринг.

7. Ижтимоий иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?

### **3-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

3.1. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш стратегияси ва уни амалга ошириш босқичлари.

3.2. Ўзбекистонда институционал ислоҳотларнинг моҳияти, мақсади ва амалга ошириш йўналишлари.

3.3. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш тизимининг шаклланиши.

**Таянч иборалар:** миллий иқтисодиёт, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, стратегия, механизм, институционал ислоҳотлар, тизим, иқтисодиётни бошқариш.

#### **3.1. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш стратегияси ва уни амалга ошириш босқичлари**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Хусусан, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сон фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури<sup>7</sup> мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур дастур қуйидаги 5 та устувор йўналишдан иборат:

- давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли қарори.  
Манба: <http://www.lex.uz/docs/3107036>.

мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

- ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим,

маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш;

- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашдан иборат.

### **3.2. Ўзбекистонда институционал ислохотларнинг моҳияти, мақсади ва амалга ошириш йўналишлари**

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат бошқарувининг мутлақо янги ва самарали фаолият юритувчи тизимини яратишни талаб қилади.

Давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун электрон порталлар ва маълумотлар базалари яратилди. Хусусан, рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензия олишни соддалаштириш учун [www.license.gov.uz](http://www.license.gov.uz), “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш учун [birdarcha.uz](http://birdarcha.uz) веб-сайтлари яратилди. Давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг тартиб-таомиллари 4 мартага, рўйхатга олиш учун зарур вақт эса 30 дақиқага қадар қисқартирилди.

Шу билан бирга, сўнгги йилда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг объектив таҳлили, давлат бошқаруви органлари

фаолияти, аҳоли билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ҳал этишга эҳтиёж вужудга келганлигини кўрсатди.

Бу, биринчи навбатда, қуйидаги ҳолатларга тааллуқлидир:

- бир қатор идораларнинг вазифалари декларатив хусусиятга эгаллиги ва уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги;

- фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистикани тўплашдан иборат бўлиб қолган фаолиятни баҳолашнинг самарасиз тизими ва бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

- ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келувчи давлат функцияларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги;

- бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга олиб келаётган инновацион ривожланишнинг паст даражаси;

- хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи имтиёз ва преференцияларни танлаб тақдим этиш амалиёти;

- ҳудудларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги.

Ушбу камчиликлар иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини

юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада Давлат раҳбари томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда муҳим қадам ҳисобланади ҳамда моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб беради.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналиши белгилаб берилди.

Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган. Мазкур соҳадаги чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутди:

- ижро этувчи ҳокимият органларини ташқил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш;

- кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларини оптималлаштириш;

- ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш;

- давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини янада кенг жорий этиш;

- маъмурий адлияни ривожлантириш ва мурожаатларни коллегиял эшитишни жорий қилиш.

Иккинчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутди. Шу муносабат билан қуйидаги масалалар бўйича чора-тадбирлар кўрилади:

- ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлиги ва ролини ошириш;

- мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий қилиш;

- халқаро амалиётда муваффақиятли қўлланилаётган, шу жумладан, сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг каби ишни ташқил этишнинг замонавий услубларидан фойдаланиш;

- ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишда жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакллари жорий этиш.

Учинчи йўналиш иқтисодиёт тармоқдарига маъмурий таъсирни қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳисобланади. Ушбу йўналишда қуйидагилар режалаштирилмоқда:

- хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташқилотларини тузишни чеклаш ва амалдаги давлат корхоналарини қайта ташқил этиш;

- иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

- ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;

- айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш.

Тўртинчи йўналишда, жумладан, қуйидагилар орқали вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган:

- давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва жавобгарлигини ошириш;

- ҳудудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.

Бешинчи йўналиш давлат бошқаруви тизимида стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган. Мазкур чора-тадбирлар қаторида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

- давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари жорий этиш;

- инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқишга инвестицияларни фаол жалб этиш;

- замонавий илмий-тадқиқот ва инновацион ютуқларни муваффақиятли жорий қилиш учун зарур бўлган ривожланган инфратузилмани яратиш;

- табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш.

Ва ниҳоят, сўнги олтинчи йўналишда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш белгиланган. Уларга эришиш учун қуйидагилар режалаштирилган:

- давлат хизматининг шаффофлиги ва очиклигини таъминлаш, аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш;

- давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини киритиш орқали уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, сўзсиз, инновацион ривожланишнинг замонавий тенденциялари ва жаҳон стандартларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилишга янги куч бағишлайди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган улуғвор ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

### **3.3. Иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш тизимининг шаклланиши**

Маълумки, иқтисодиёт асосан икки соҳага бўлинади: микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт. Микроиқтисодиёт ўз ичига қуйидаги алоҳида иқтисодий субъектлар фаолиятини олади:

1. Хўжалик юритувчи субъект – истеъмолчилар, ишчилар, капитал эгалари, заминдорлар, фирмалар ва ҳоказо.
2. Алоҳида бозорлар – ишлаб чиқариш воситалари бозори, ишчи кучи бозори, истеъмол моллари бозори ва ҳоказо.
3. Алоҳида тармоқлар – саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳоказо.

Макроиқтисодиёт эса умумий иқтисодий кўрсаткичлар йиғиндиси билан боғланган (мамлакатдаги ишсизлик, инфляция даражаси, фоиз ставкасининг ўзгариши, иқтисодий ўсиш суръати ва бошқалар) яхлит миллий хўжаликни қамраб олади.

Микроиқтисодий таҳлилда ҳам асосий ўринни назарий қоидаларнинг ишлаб чиқилиши эгаллайди. Мазкур назарий қоидалар асосида иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар асослаб берилди ва прогноз қилинади. Назарий таҳлил оддий тахминлардан бошланади.

Инсоният тарихий тараққиётининг кўпгина босқичларида ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг айримлари узоқ вақт мавжуд бўлиб туриши мумкин. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми емирилаётган шароитдаёқ вужудга келган товар айирбошлаш бир ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиб, бир неча минг йиллардан бери мавжуд бўлиб, ривожланиб келмоқда.

Шу билан бирга бирон-бир ижтимоий-иқтисодий тизимнинг турли тарихий давр шароитидаги мазмуни, ўрни, роли ва ижтимоий

оқибатлари кўп жиҳатдан турлича бўлади. Лекин уларнинг умумий, ўзига хос хусусиятлари сақланиб қолади.

Умумий ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг тарихан биринчиси натурал ишлаб чиқариш бўлган, бунда меҳнат маҳсуллари ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириши ёки ички хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган. Истеъмол кўпинча ишлаб чиқаришга мос келган, уларнинг бир-бири билан боғланиши жуда осон бўлиб, ушбу хўжаликнинг ўзида рўй берган. Бундай муносабатлар барча зарур нарсани ўзи учун тайёрлаган ибтидоий жамоада ҳукм сурган. Натурал ишлаб чиқариш ижтимоий меҳнат тақсимотининг етарли ривожланмаганлиги сабабли мавжуд бўлиб, у вақтда ижтимоий меҳнатдан унинг у ёки бу тури эндигина ажрала бошлаган эди. Бундай шароитда ўз эҳтиёжларини ўзи қондирадиган ишлаб чиқариш тузилмалари пайдо бўлган. Меҳнат уларнинг тор доирасидагина ижтимоий хусусиятга эга эди. Натурал ишлаб чиқариш шакли барча иқтисодий жараёнларни бир хўжалик доирасида қатъий чеклаб қўяди, ташқи алоқалар учун йўл очилмайди. Ишчи кучи муайян хўжаликка бириктириб қўйилади ва кўчиб юриш имкониятидан маҳрум бўлади. Натурал хўжалик ишлаб чиқариш мақсадларини ниҳоят чеклаб қўяди, ишлаб чиқариш ҳажм жиҳатидан жуда оз ва тури жиҳатидан кам бўлган эҳтиёжларни қондириш билан чегараланади. Шунинг учун ҳам жамият аста-секинлик билан товар ишлаб чиқаришга ўтади.

Товар ишлаб чиқариш натурал хўжаликнинг ривожланиши натижасида ибтидоий жамоа тузумининг тарқоқлашув даврида пайдо бўлди. Товар ишлаб чиқариш, яъни товар хўжалигида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар улар меҳнати маҳсуллариини айрибошлаш орқали намоён бўлади. Товар ишлаб чиқаришнинг натурал ишлаб чиқаришдан фарқи шундаки, бунда товар ёки хизмат

ўз истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш учун яратилади. Натурал хўжаликни сиқиб чиқариш ва товар айрибошлашнинг ривожланиш жараёни меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосида якка хўжаликларнинг товар айрибошлашга ўтиш йўли билан боради. Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашув уларни турли хил ишлаб чиқарувчилар ўртасида айрибошлашни зарур қилиб қўяди. Ихтисослашув эса меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, демак, товар айрибошлаш фақат зарургина эмас, балки фойдали бўлиб боради. Вақтни ва моддий ресурсларни тежаш қонуни товар хўжалигини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Иқтисодиётни тартибга солишда бозор механизмининг устунлик ва камчилик томонларини айтинг?
2. Бозор механизми қандай ижтимоий вазифаларни бажара олмайди?
3. Давлат бошқарув ролисиз керакли натижалар бера олмайдиган бозор механизми вазифаларни сананг?
4. Замонавий давлатнинг иқтисодий вазифалари нималардан иборат?
5. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш шаклинининг асосий ривожланиш боқичларини тавсифланг.
6. Давлат томонидан тартибга солишдан асосий мақсад. ЯИМ ва давлат харажатлари ҳажми ўртасидаги мутаносиблик нимани билдиради?
7. Марказлашган-режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш хусусиятларини айтинг?

## **4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ-ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ**

4.1. Давлат мулки ва тадбиркорлигининг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли.

4.2. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг мақсадлари ва бошқичлари.

4.3. Давлат мулкини бошқариш шакллари ва усуллари.

**Таянч иборалар:** давлат мулки, хусусийлаштириш, тадбиркорлик, нодавлат мулк шакллари, мулкни бошқариш, мулк шакллари, хусусий мулк, давлат мулкини бошқариш.

### **4.1. Давлат мулки ва тадбиркорлигининг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли**

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосини ташқил қилиб, инсоният иқтисодий тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Мулкчилик муносабатлари иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади.

Шундай экан, мулкчилик муносабатлари - бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас уч жиҳати (эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш) белгилаб берсада, бу муносабатлар характери нафақат алоҳида мулк шаклларида, балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин.

Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ўзида ифодалайди. Мулкчиликнинг

ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади, шу сабабли мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бу бирликда, юқорида кўрсатилганидек, ҳал қилувчи ролни мулкчиликнинг иқтисодий томони егаллайди. Агар мулк иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилмаса, яъни ишлаб чиқаришда фойдаланилмаса ёки мулк егасига даромад келтирмаса, бунда у «ҳуқуқий» категория сифатида қолади.

Мулкчилик хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари орқали иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилади.

Бошқа томондан, мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати унинг иқтисодий томонига нисбатан фақат бўйсунувчи рол ўйнамайди. Бу шунда кўринадикки, ишлаб чиқариш воситаларига маълум ҳуқуқий эгалик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шу сабабли мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари (эгалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи) иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган кўриниши ҳисобланади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш оқибатида иқтисодиётда давлат мулкининг улуши камайиб у асосан жамоа мулкига, айрим ҳолларда фуқаро мулкига ва хусусий мулкка айланади.

Давлат корхоналарининг асосий фондлар, ишловчилар сони, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад яратишдаги ҳиссаси қисқариб, айни вақтда бошқа мулкка мансуб корхоналар ҳиссаси ортиб боради

Давлат мулкнинг тузилиши ва шакли хилма-хиллиги сабабли, бу мулкни ўзлаштирувчи юқорида кўрсатилган субъектлар ҳам турли

даражада бўлади. Масалан, давлат мулкининг бевосита субъектлари республика ҳокимияти ва бошқарув органлари, давлат корхоналари ва муассасалари ҳамда аралаш мулк шакллари бўлиши мумкин.

Иқтисодий адабиётларда келтирилган манбаларга таянадиган бўлсак, “Тадбиркор” атамаси инглиз иқтисодчиси Р.Кантильонга тегишли бўлиб, у қуйидагиларни тушунган: “Тадбиркор - бу доимий даромадга эга бўлмаган деҳқон, ҳунарманд, савдогар, камбағал ва бошқалардир. У ўзгалар молини муайян нархда сотиб олиб, ўзининг молини ҳам муайян бўлмаган юқорироқ нархда сотишга интилади. Унинг асосий иқтисодий вазифаси турли товарлар бозорида талабга мос таклифни юритиш ҳисобланади”<sup>8</sup>. Шунингдек, Р.Кантильон “Тижорат табиати ҳақида очерк” асарида янги маҳсулот ишлаб чиқариш, янги хизмат кўрсатиш билан боғлиқ янги корхоналар ёки янги тижорат ғояларини яратиш (тадбиркор этиш)да рискни ўз зиммасига олувчи хўжалик юритувчи субъектларни хусусий тадбиркор тушунчаси билан изоҳлаган.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчаларининг мазмун моҳиятини “Экономикс” дарслигининг муаллифлари К.Р.Макконелл, Л.С.Брю хусусий секторни махсус инсоний ресурс сифатида қабул қилиб, уларнинг фикрича, кичик бизнес – бу шундай соҳаки, у товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши жараёнида ер ресурслари, капитал ва меҳнатни бирлаштириш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олиб, бизнесни юритиш жараёнида асосий қарорларни қабул қилади. Мазкур соҳа янгилик яратувчи бўлиб, тижорат асосида янги маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш технологиялари ёки бизнесни ташқил этишнинг янги

---

<sup>8</sup> Сутырин С., Брызгалин М. История экономических учений. Уч. для вузов. -3-изд. М.: Мысль, 2007.- 123с.

шакллари ишлаб чиқаришга интилувчи риск билан иш тутади<sup>9</sup>. Бошқа хорижий олимлар эса, хусусий секторни хусусий шахслар, корхоналар ёки ташкилотлар томонидан моддий бойликларни яратиш, ишлаб чиқариш, товарлар харид қилиш ёки сотишдан манфаатдор шахслар ёки ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида хизматлар кўрсатишни амалга оширилиши сифатида тушунадилар<sup>10</sup>.

Ўзбекистон ҳудудида хусусий бизнес ва тадбиркорликни бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида турли шаклларда: кооператив, яқка меҳнат фаолияти, шахсий ва хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари каби шаклларида ташқари, кейинчалик ҳудудларда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, ҳунармандчилик, косибчилик, заргарлик, темирчилик, соғлиқни сақлаш, туризм, сервис каби соҳаларнинг ривожланишида кузатилди. Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини илк ҳуқуқий негизини яратиш мақсадида «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун, “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш”, “Кичик ва ўрта корхоналар, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”<sup>11</sup> ҳамда бошқа қатор Қонун, Қарор, Фармонлар қабул қилиниб, амалиётга жорий эилди.

## **4.2. Ўзбекистонда давлат мулкини хусусийлаштиришнинг мақсадлари ва босқичлари**

Танлаб олинган иқтисодий ислохотлар йўлига амал қилиш, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш

<sup>9</sup> Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. Т-1, М.: 1992, 38-б.

<sup>10</sup> Жан Луи Сервач-Шрейбер. Ремесло предпринимателя. М.: Меж.от 1994, 50-б.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунлар, Қарорлар, Фармонлар тўпламлари. Т.: Ўзбекистон. 1999, 2004, 2007 йиллар.

механизмини босқичма-босқич, иқтисодиётни эркинлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш макроиқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашиб борувининг олдини маълум даражада олиш имконини берди.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида, иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди. Ишлаб чиқариш суръатининг, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўйилмади, тўлов ҳолати яхшиланди, ишлаб чиқариш устувор тармоқларини такомиллаштиришга эътибор берилди. Шу даврда мулк, корхоналар, ишбилармонлик, ташқи иқтисодий фаолият, банклар ва банк фаолияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ислохотларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш жараёнини таъминловчи бир қанча Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва миқёсини кенгайтириш ишлари кенг жорий қилинди. Фонд биржалари, қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга оладиган ва сақлайдиган миллий депозитарий барпо этилди. Ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини очик турдаги жамиятларга айлантириш амалга оширилди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам жиддий янгиланишлар амалга оширилди. "Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида", "Банкротлик тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида" қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ташқи иқтисодий фаолиятни сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли

шароит яратди. Экспорт маҳсулотини ва унинг ҳажмини кўпайтиришга эришган корхоналарга катта имтиёзлар берилгани эътиборга сазовор.

Миллий валютанинг жорий қилиниши ташқилий янгиликларни амалга оширишда янада муҳим омил бўлди. Республика валюта биржаси ташқил этилиб, бу биржада ўтказилаётган савдо натижасига қараб пулнинг расмий алмашув қиймати белгилана бошланди.

Иқтисодиётда барқарорлик ва маълум даражадаги иқтисодий ўсиш аломатлари кўрина бошлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш бир неча мартабага кўпайди, олтин, дон, енгил саноат, озуқа саноати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча ошди.

Етакчи асосий тармоқларнинг барқарор ривожланиб бориши ҳисобига республиканинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминловчи, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг салмоғи ортди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад уни ҳақиқий мулкдорлар қўлига топширишдан иборатдир. Иқтисодий муносабатлар ва ташқилий-бошқарув тузилмаларининг бир туридан янги турига ўтиш, иқтисодий ислохотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақозо қилади. Иқтисодий ислохотлар-иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий ислохотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият қилишнинг энг яхши шароитларини

яратиш, уларнинг маънавий-ахлоқий етуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ислохотларни амалга оширишдан олдин бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий модели яратилди. Бу моделда янги иқтисодиётга ўтишнинг умумий томонлари ва миллий хусусиятлари назарда тутилди, ислохотларнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- мулкрий муносабатларни ислох қилиш;
- аграр ислохотлар;
- молия-кредит ва нарх-наво ислохоти;
- бошқариш тизимини ислох қилиш ва бозор инфра-тузилмасини яратиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислохоти;
- ижтимоий ислохотлар.

Иқтисодий ислохотларнинг бош бўғини мулкчилик муносабатларини тубдан ўзгартиришдир, чунки шу орқали кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатлашиш муҳити шакллантирилади ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишнинг шарт-шароитлари вужудга келтирилади. Шу сабабли мулкрий муносабатларни ислох қилишдан кўзда тутилган мақсад давлат мулки монополизминини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат.

### **4.3. Давлат мулкчини бошқариш шакллари ва усуллари**

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашувчи муҳитни шакллантириш учун шарт-шароитини вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчилик

масаласини ҳал қилишдир. Шу сабабли Республикамиз Биринчи Президенти И.А. Каримов мулкчилик масаласини ҳал қилишни «Бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»<sup>12</sup> деб алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Узоқ йиллар мобайнида республикамиз иқтисодиётида умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлатлаштирилган мулк тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Назария ва амалиётда умумхалқ мулки деб ҳисобланган мулк субъекти сифатида давлатнинг чиқиши жамият аъзолари ўртасида бу мулкка «ҳеч кимники», «давлатники», «бировнинг мулки» деб қарашларининг шаклланишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш вазифаси ўтиш даврида мулкчиликда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бу мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тақозо қилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча. Хусусийлаштириш давлат мулкига эгалик ҳуқуқини давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтиришни ҳам кўзда тутди. У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш, давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш; мулкни қийматига қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш; айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш; давлат мол-мулкни аукционларда

---

<sup>12</sup>Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т-3. -Т: «Ўзбекистон», 1996. 202 бет.

ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳоказо.

Бу йўллардан қайси бирини танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ. Масалан, Россияда Давлат мулкани ваучер орқали бепул тақсимлаш усули қўлланилди. Бундан оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад қисқа муддат ичида чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг ғоят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди. Агар тадбиркорликни рағбатлантириш кўзда тутилса, хусусийлаштириш танлаб олинган озчилик ўртасида ўтказилади. Агар хусусийлаштириш четдан капиталнинг кириб келишига йўл очиши зарур бўлса, давлат мулкани хорижий тадбиркорларга бериш шаклида амалга оширилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда айрим усулларга устуворлик бериш бошқа усулларни қўллашни рад этмайди, аксинча, уларни ҳам қўллаш зарурлигини билдиради. Масалан, корхона жамоасига устунлик берилиб, давлат мулкани акциялаштириш, бу акцияларни сотиб олишда шу жамоадан ташқари кишилар ва чет эл капиталининг иштирок этиши ҳам бўлиши мумкин. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш шароитга қараб пулли, пулсиз ёки имтиёзли тарзда ўтказилади. Ўз шакли ва усулидан қатъий назар бу тадбир хилма-хил мулкчиликни вужудга келтиришни таъминлайди, чунки давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкнинг барча шакллари ва турлари ривожланади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат. Аслида хусусийлаштириш иқтисодиётни давлатлаштиришдан қайтиш йўллариандир. Хусусийлаштириш давлат мулкани маълум даражада ҳақиқий эгалари – фуқароларга

бериш демакдир. Кўпинча хусусийлаштириш – бу давлат мулкани ишловчиларга бериш, деб талқин қилинади. Аслида мамлакатнинг барча аҳолисига давлат мулкани бўлиб бериб бўлмайди, бунда аҳолининг ҳаммаси мулкка эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташқил этиш, уни бошқариш ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни айирбошлаш каби машаққатли ишларни ўз зиммасига олавермайди.

Давлат мулкани унинг тасарруфидан чиқариш жараёнида, авваламбор, хусусийлаштириш йўли билан яхши иқтисодий натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш ва улар йўл қўйган хатолар такрорланмаслиги керакки, бу билан бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаши мумкин. Хусусийлаштиришни амалга ошириш учун давлат мулкани хусусийлаштиришнинг кенг кўлами дастурини ишлаб чиқариш зарур.

Ҳуқуқий жиҳатдан хусусийлаштирилган барча корхоналарга эркин иқтисодий хўжалик юритиш ҳуқуқи берилиши ва давлат сектори билан тенг имкониятларга эга бўлиши кўзда тутилади. Давлат секторига нисбатан бу корхоналарга солиқларни бирмунча камайтириш ва айримларини маълум муддатга солиқдан озод қилиш зарур.

Хусусийлаштириш натижасида аҳоли орасида ижтимоий жиҳатдан табақаланиш юз беради ва кишиларнинг бажарган ишига қараб оладиган ҳақи турлича бўлиб, аҳолининг даромадларида ҳам табақаланиш юз беради. Кишилар турли соҳаларда, масалан бизнесда турли шакллардаги мулкка эга бўлиб, акция сотиб олиш ва корхона мулкида ўз хиссаларини ошириб боришга ҳаракат қиладилар.

Хусусийлаштириш орқали корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, маълум жамоа ва шахсларга сотилгандан кейин фаолиятларини бозорнинг шафқатсиз рақобат қонунлари асосида ташқил этади. Бозор корхоналарининг яшовчанлигини ва уларни доимо рақобат курашида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур

этади. Мабодо корхона рақобат курашига дош беролмай синса, олдинги даврдагидек давлат бюджетидан маблағ ҳисобига уни сақлаб қолиш ҳолларига хусусийлаштириш орқали барҳам берилади.

Хусусийлаштириш мулкнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтишни акс эттирмаслиги керак, балки хусусийлаштириш олдида қўйилган вазифа катта бўлиб, яъни хусусийлаштириш орқали аввало барча соҳани ўз қарамоғида турли услублар орқали бирлаштириб турган давлат ҳукмронлигини иқтисоддан ажратиш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш бу мулкчиликнинг ривожланишига, унинг янги босқичига ўтишига бўлган талабидан келиб чиқадиган бир жараён дир. Хусусийлаштиришнинг ривожланишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири - бу ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорларнинг ташаббуси, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ҳамда ишбилармонлигидир. Давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида ҳокимият ва ишлаб чиқариш соҳаларига янги ишбилармонлар, аҳолининг фаол қисми жалб этилади ва мулкӣ муносабатларни ривожлантиришдан ҳамда мулк шакллари тақомиллаштиришдан аҳолининг шу қисми манфаатдоргина бўлиб қолмай, балки ўрта ва қуйи ижтимоӣ қатламни ҳам мулкӣ муносабатларни тақомиллаштиришдан манфаатдор қилади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Давлат мулки қандай шакллантирилади?
2. Мулкчилик муносабатларининг моҳиятини нимада намоён бўлади?
3. Хусусий бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қуллаб-қувватланишдан мақсад нимада?
4. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг босқичларини айтиб беринг?
5. Давлатнинг мулкчилик муносабатларини тартибга солиш сиёсати нималарни ўз ичига олади?

## **5-БОБ. ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ДАСТУРЛАШ, ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ**

5.1. Иқтисодиётни дастурлаш, прогнозлаштиришнинг мақсади ва шакллари, усуллари.

5.2. Иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва унинг шакллари, усуллари.

**Таянч иборалар:** иқтисодиётни дастурлаш, прогнозлаш, дастурлаш усуллари, иқтисодий режа, меҳнатнинг сарфланиш тезлиги, жадаллиги, вақт бирлиги, сарфланган меҳнат.

### **5.1. Иқтисодиётни дастурлаш, прогнозлаштиришнинг мақсади ва шакллари, усуллари**

Реал сектор иқтисодиёти ва уни иқтисодий прогнозлашнинг фан сифатида ривожланишида унинг прогноз усули катта рол ўйнайди. Усул – бу, ўрганиш йўллари ва усулларини танлаш ҳамда шу тармоқдаги ҳақиқат кўринишларини умумийлаштиришдир. Иқтисодий прогнозлашнинг усули ҳар бир тармоқда бўлганидек изланаётган объектларга қарашли, ўрганилаётган омил ва кўринишлар асосига кириш мумкин бўлган диалектик усулдир. У умумий илмий усуллар ва изланишига ёндашув ҳамда иқтисодий кўринишларни илмий прогнозлашга асосланган ўзига хос усуллар асосида ишлатилади.

Умумий ёндашувлардан қуйидагиларни ажратиш мумкин (5.1.1-Расм):

- тарихий ёндашув;
- комплекс ёндашув;
- тизимли ёндашув;
- тузилмавий ёндашув;
- тизимли-таркибий ёндашув.

**Тарихий ёндашув** ҳар бир ҳодисанинг тарихий тузилиши билан ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқишдан иборат. Ўтмиш ҳозирги кун ва келажакнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади, келажак ҳозиргидек мавжуддир. Шунинг учун прогнозлаш ҳозирда мавжуд бўлган қонун ва тенденцияларни ундан ташқарига ўтказди ва унинг асосида келажакнинг мавжуд бўлмаган моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Бир хил кўринишдаги ҳар хил тарихий шаклларнинг мавжудлиги орасидаги боғлиқлик изланаётган объектнинг ҳозирги кўриниши унинг олдинги ривожланиш натижаси эканлигини билдиради. Бундай ёндашув мантиқий изланиш ижтимоий ривожланиш тарихий характерининг акси ҳисобланади.

**Комплекс ёндашув** ҳодисалар ва уларнинг боғлиқлиги ва қарамлигини кўриб чиқишни ўз ичига олади. Бунинг учун шу ҳодисаларни ўрганувчи нафақат бу фан, балки бошқа фанларнинг ҳам усулларидан фойдаланилади. Ижтимоий-иқтисодий объектларнинг келажакдаги ривожланиши ҳақидаги илмий тасаввурларни ишлаб чиқишнинг назарий асоси сиёсий иқтисод ҳисобланади.

Иқтисодий прогнозлашнинг амалиёти ва назариясида бошқа ижтимоий фанларнинг илмий аппарати кенг қўлланилади. Тизимли ёндашув мураккаб иқтисодий тизимлардаги ҳажмли ва сифатли бўлиши мумкин булган жараёнлар ўтишини ўрганишни назарда тутди. Улар иқтисодий прогнозда катта рол ўйнайди. Ҳодисанинг ҳар бир кўриниши тизим сифатида олиниши мумкин. Бу дегани улар ўзаро боғлиқ қатор функциялар, афзалликларни таъминловчи бири-бири билан боғлиқ қисмлардан иборат. Бу афзаллик ва функцияларни билган ҳолда ўрганилаётган объектнинг ҳаракатини олдиндан билиш мумкин.



### 5.1.1-Чизма. Иқтисодий прогнозлаш усулларининг ёндашув турлари

Тизимли ёндашув тизимнинг умумий мақсадини аниқлашдан ва ҳамма системалар ости фаолиятини мақсадга эришишдан четлаштирувчи ҳар бир ечимнинг ишлаб чиқилиши ва асосланишига асосланувчи сиёсий фикрлаш кўринишини англатади. Бунда берилган тизим бошқа бир катта тизимнинг бир қисми сифатида қаралади, унинг ривожланиш мақсади бу тизимнинг ривожланиш мақсадлари билан боғланади.

**Тузилмавий ёндашув** прогнозлаш объектларида изланиш катта рол ўйнайди. Структуравий ёндашувда изланиш объекти ўзи таркибидаги элементлар ва уларнинг ўзаро ҳаракатида кўриб чиқилади. Бу эса ўрганилаётган объект ҳақидаги тасаввурни кенгайтиришга имкон беради.

**Тизимли - таркибий ёндашуви** бир томондан, тизимни динамик ривожланаётган бир бутунлик сифатида қарашни кўзда тутса, иккинчи томондан, тизимнинг ўзаро ҳаракатдаги структуравий элементларига бўлинишидир, чунки ҳақиқатда ҳар бир таркибий элемент бошқа ҳамма элементларга қандай таъсир этса, бутун тизимга ҳам шундай таъсир этади. Бу билан тизим элементлари алоқасининг қонунийлигини очиш имкони пайдо бўлади.

**Тармоқлараро баланс (ТАБ)**- иқтисодиётдаги асосий модел бўлиб, унда халқ хўжалигидаги турли натурал ва қиймат алоқадорлиги кўрсатилади. У саноат, капитал қўйилмалар, меҳнат ресурслари ва тармоқлар бўйича маҳсулот ҳажмининг ўзаро боғланганлигини ҳисобга олган ҳолда режа даври қатор йиллари учун халқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиш ва тақсимланиш кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради. Яқин-яқингача ТАБ икки кўринишда – қиймат ва натурал шаклда шакллантирилди. Мамлакат бўйича қиймат кўринишидаги ТАБ номенклатураси 120 та тармоқ номенклатурасини ўз ичига олади ва у барча моддий ишлаб чиқариш соҳасини қамраб олади. Натурал кўринишдаги ТАБ шу билан бирга маҳсулотларни 80 фоизни ташқил этувчи асосий маҳсулотларни қамраб олади. Ушбу балансда 600 га яқин зарурий маҳсулот турлари акс эттирилади.

Натурал – қиймат баланси модели халқ хўжалигининг комплекс тавсифини акс эттиради. Моддий қиймат ТАБ модели баланслаштирилган режа учун бошлангич маълумотлар: МД ҳажми, таркиби кўрсаткичлари, экспорт, импорт ва капитал таъмирлаш ҳажми маълумотларидир.

ТАБ модели бўйича икки типдаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

Бунда берилган якуний истеъмол даражаси бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тақсимланишининг баланслаштирилган режаси ҳисоблаб топилади.

Аралаш ҳисоб – китобларни ўз ичига олади. Бунда баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидага маълумотлар ва бошқа тармоқларга якуний истеъмолга берилган маҳсулотлар бўйича ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баланси тузилади.

**Прогнозлашнинг эксперт усуллари.** Прогноз – эксперт объекти перспектив тараққиётига қараганда мутахассисларнинг индивидуал фикрлашини намоён қилади ҳамда мутахассис тажрибаси мобилизация ва интуицияга асосланган. Эксперт баҳолаш усули объектлар ва муаммоларни таҳлил қилишда, уларнинг тараққиёти тўлиқ ёки қисман математик шакллантиришга тўғри келмайдиган, яъни адекват (ўхшаш, тўғриланган) моделни ишлаб чиқиш қийин бўлган ҳолларда ишлатилади. Прогнозлашда қўлланиладиган эксперт баҳолаш усули индивидуал ва коллективга бўлинади.

Индивидуал эксперт усули, сохалари бир-бирига боғланмаган эксперт мутахассис фикрларидан фойдаланишга асосланган. Кўпинча прогнозни шакллантиришда қуйидаги икки усул қўлланилади:

1. Интервью.

2. Аналитик-эксперт баҳолаш.

**Интервью усули** прогноз қилувчининг эксперт билан бўладиган суҳбатини тахмин қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда суҳбат давомида прогноз қилувчи олдиндан ишлаб чиқилган дастурлар асосида эксперт олдига объектнинг перспектив тараққиётига нисбатан саволлар қўяди. Бундай баҳолашнинг муваффақияти муҳим даражада интервью олинаётган эксперт маҳоратига, унинг энг фундаментал саволларга тез ва турли-туман хулосалар беришига боғлиқ.

**Аналитик-эксперт** баҳолаш таҳлил қилишга интилиш устидан узоқ ва синчиклаб мустақил ишлашни, прогнозланаётган объектнинг тараққиёт йўли ва ҳолатини баҳолашни тахмин қилади. Бу усул экспертга прогнозланаётган объект бўйича лозим бўлган барча ахборотлардан фойдаланиш имконини беради. Эксперт ўзининг фикрларини химоя қозони кўринишида тайёрлайди.

Ҳозирги вақтда махсус ҳайъат аъзоларининг ишлашига асосланган эксперт усуллари кенг тарқалган бўлиб, эксперт гуруҳлари «думалоқ стол атрофида» у ёки бу муаммони ҳал қилишда бир қарорга келиш мақсадида мунозара қилиб, бир фикрга келишади.

Ҳақиқатдан ҳам эксперт жамоаси ёрдами билан прогнозлашни шакллантиришда асосий масалалар қуйидагилардир:

- малакали эксперт гуруҳларини шакллантириш;
- экспертизаларни тайёрлаш ва ўтказиш;
- олинган ҳужжатлар асосида статистик ҳисоблашлар ўтказиш.

Анкеталарда сақланган, кўп сонли кийматлар кўринишида берилган, эксперт баҳолаш натижасини статистик баҳолаш ва уларнинг ишончлилиқ чегаралари, экспертлар фикрлари келишувини статистик баҳолаш аниқланади.

Прогнозланаётган катталиқларнинг ўртача аҳамияти қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$B = \sum_{i=1}^n B_i/n$$

Бу ерда:  $B_j$  – тарафидан берилган прогнозланаётган катталиқнинг аҳамияти;

$n$ - гуруҳдаги экспертлар сони.

Бундан ташқари, дисперсияни ҳам аниқлаш мумкин:

$$D = \sum (B_i - B)^2 / (n-1)$$

(Дисперсия, бу вариант ( $B_i$ )дан ўртача арифметик ( $B$ ) айирмасининг ўртача квадрати).

Бундан сўнгра  $j$  ишончлилиқ интервалининг яқинлиқ аҳамияти ҳисобланади.

$$j = t \sqrt{D/(n-1)}$$

Бу ерда:  $t$ - параметр, яъни стьюдент жадвалидан берилган ишончлилиқ эҳтимоли даражаси ва озодлиқ даражаси сони орқали аниқланади. Сўнгра прогнозланаётган катталиқнинг аҳамиятлилиги учун ишончлилиқ интервали ҳисобланади.

## **5.2. Иқтисодий ривожланишни режалаштириш ва унинг шакллари, усуллари**

Бозор иқтисодиёти шароитида реал секторда прогнозлаш жараёнига асосланадиган асосий тамойиллар ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1) прогнознинг илмий асосланганлиги (табиат, жамият ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олиб илмий методла ёрдамида ишлаб чиқиш);

2) прогнозлашнинг узлуксизлиги (мамлакатда, иқтисодиётда вазиятларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб прогноз доимо тўғриланиб (корректировка) туриши керак);

3) истиқбол ва жорий прогнозлашнинг мувофиқлиги (прогнозлаш ўзаро боғлиқликда амалга оширилади, лекин устиворлик истиқбол прогнозлашга берилади);

4) прогнозларнинг келишилганлиги (ишлаб чиқилган прогноз аралаш прогнозлар билан ўзаро боғланган бўлиши керак);

5) прогнознинг кўп вариантлилиги, альтернативлилиги (прогнознинг бир неча вариантлари ишлаб чиқилиши, вазиятларнинг ўзгариши ҳолатларида бошқа вариантлардан фойдаланиш учун талаб этилади. Одатда прогнозни уч варианты мавжуд: оптимистик, пессимистик ва реалистик);

6) асосий омилларни танлаш (прогнозлашда ҳисоб-китобларга тадқиқ этилаётган жараёнга таъсир этувчи омиллар киритилган бўлиши керак). Бунинг долзарблиги шундаки, иқтисодий жараёнларнинг ўзи мураккаб, кўп омилли ва ҳамма омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш қийин);

7) прогноз ишлаб чиқишнинг тизимлилиги (прогнозлаш жараёнини бир томондан бир бутун тизим сифатида, иккинчи

томондан эса алоҳида мустақил бўлимлардан таркиб топган мураккаб тизим сифатида қаралиши);

8) прогнозларнинг верификацияланганлиги (прогноз баҳоси ишончли ва асосланган бўлиши керак);

9) адекватлилик (прогноз моделининг реал ҳаётга, тенденцияларга, қонуниятларга максимал яқин бўлиши керак);

10) рентабеллик (ишлаб чиқилган прогноздан самарауни ишлаб чиқиш учун қилинган харажатлардан юқори бўлиши керак).

Реал сектор иқтисодиётини давлат томонидан прогнозининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) Иқтисодиётни асосий соҳалари ривожланишини тавсифловчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда зарур пропорцияларни таъминлаш муаммоларни ечиш;

2) Умумдавлат инвестицион ва илмий-техник сиёсатини амалга ошириш;

3) Давлатлар ўртасида ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириш;

4) Давлат мақсадли дастурлари ва фавқулотдаги вазиятларда лаколизация дастурларини амалга ошириш учун резервларни ташқил қилиш;

5) Мамлакатни ҳимояга қобилиятини таъминлаш;

6) Кўрсатилган йўналишлар устувор баҳолашни талаб этади:

а) жаҳон тенденциялари билан бозор конъюктураси билан ва ривожланиши мумкин бўлган йўналишлари билан таққослаш орқали жамият ва иқтисодий ҳолати;

б) макроиқтисодий, демографик, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник прогнозлар, шунингдек, ишчи кучи жойлашув прогнози;

в) иқтисодиёт ривожланишини баланслаш мақсадида нархи, антиинфляцияцион, солиқ, молия-кредит ва антимонополия сиёсати;

г) давлат ижтимоий аҳамиятидаги соҳалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида тармоқ потенциалини;

д) иқтисодиётда бозор инфраструктурасини ва информацион оқимларини ривожланиши.

Иқтисодий режалаштириш ва прогнозлаш мамлакат миқёсида асосий йўналишлари:

1. ижтимоий эҳтиёжлар ва уларни қондирувчи зарур бўлган моддий, меҳнат ва молиявий ресурс;

2. ресурслар рационал фойдаланиш;

3. мамлакат минтақалари ва тармоқлар ўртасида ривожланишни баланслаштиришни таъминлаш.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар сони моделлаштиришни тўла қонли эгаллаб олади. Лекин олинган натижа мутахассислар фикрини ҳисобга олиб, тўғриланган бўлиши керак. Макроиқтисодий параметрларни моделлаштириш формулалари қуйидагича кўринишга эга:

1. Мустақил ёки боғланмаган омиллар модели:

$$y=f(0,z,u)$$

2. Боғланаган омиллар модели

$$y=f(x_1, x_2, x_3) \text{ шу жумладан}$$

3. Чизикли модель

$$y= a_0+a_1x_1+a_2x_2+ \dots +a_nx_n$$

тез-тез ҳисоб китоб қилишда қўлланилади, сабаби ҳисоб китоб содда

4. Даражали модель:

$$y= a_0x_1 a x_2 a \dots x_n a$$

## 5. Логорифмли модель

$$y = a_0 + a_1 \lg x_1 + a_2 \lg x_2 + \dots + a_n \lg x_n$$

y- кўрсаткич прогнози

$x_1, 2, 3$  -боғланган омиллар таъсири

$0, z, u$  - мустақил (боғланмаган) омиллар таъсири  $a_0, 2, 3, n$  - таъсирнинг асосий параметрли омиллари

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлашда шартли равишда методларини 3 хил муҳим гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Экстраполяция методи
2. Прогнозлашнинг эксперт баҳолаш методи
3. Моделлаштириш методи.

Экстраполяция методининг моҳияти шундаки, таҳлил қилинаётган объектнинг ўтган замонда алоҳида параметрларини анализ қилишда ҳамда ўзгаришларни келтириб чиқарадиган омилларни тадқиқ қилишда жараёнларни келажакда шакллантириш йўллари ва ривожлантириш қонуниятлари ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бу методда прогнозлашда 2 турдаги вазифаларни ажратиш мақсадга мувофиқдир: а) динамик ва б) статик анализ вазифалари.

Эксперт баҳолаш методининг моҳияти шундаки, малакали мутахассисларнинг берадиган баҳоси асосида меҳнат ресурсларининг шаклланиши ёки ривожланиши, устувор йўналишлари ҳақида хулоса қилинади. Экспертлар билан ишнинг шаклига қараб экспертизанинг индивидуал ва коллектив методлари фарқланади.

Экспертизанинг индивидуал методи хар бир эксперт билан персонал иш олиб боради ва бошқа фикрлар билан маслаҳатлашиб эксперт хулосаси берилади.

## Назорат учун саволлар.

1. Иқтисодиётини прогнозлаш усуллари ва унинг туркумланиши.
2. Тарихий ёндашув нима?
3. Комплекс ёндашув нима?
4. Тизимли ёндашув нима?
5. Тузилмавий ёндашув нима?
6. Тизимли-таркибий ёндашув нима?
7. Тармоқлараро динамик баланс моделини изоҳлаб беринг.
8. Прогнозлашнинг эксперт усуллари нима?
9. Математик моделлаштириш усуллари нима?

## **6-БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

6.1. Рақобатнинг моҳияти, вазифалари, шакл ва усуллари, иқтисодий монополизмнинг салбий оқибатлари.

6.2. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсатининг мазмуни ва усуллари.

6.3. Антимонопол сиёсатни амалга ошириш бўйича чет эл мамлакатлари тажрибаси.

**Таянч иборалар:** Монополия, монополия турлари, рақобат, рақобат усуллари, монополизмга қарши сиёсат, ижобий ва салбий монополиялар, соғлом рақобат, рақобатбардошлик, рақобатни ривожлантириш.

### **6.1. Рақобатнинг моҳияти, вазифалари, шакл ва усуллари, иқтисодий монополизмнинг салбий оқибатлари**

Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли томондан ёндошишини талаб қилади. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда истеъмолчилар учун курашдир.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, ер-сув, ишчи кучи) юқори нархларда сотиш учун рақобат қиладилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб

берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодий тўлиқ эркинлашган шароитда эркин намоён бўлади.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради; улар товарларни қулай ва арзон нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қилади. Арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун курашади.

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг асосини ташқил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб, улар шу манфаатга эришиш учун интилади. Мулк эгасининг товар ишлаб чиқариш ва барча бошқа соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Бу жиҳатдан қараганда рақобат эркин иқтисодий фаолият қилувчи субъектлар манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлишини аниқ характерлайди. Рақобат мавжуд бўлишининг бошқа шартли товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор тизимида амал қилишидир.

Рақобатнинг асосий соҳаси бозор, чунки унда эркин иқтисодий субъектлар алоҳидалашган манфаатлари тўқнашади.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини қараб чиқиш зарур. Ўз миқёсига кўра рақобат энг аввало икки турга-тармоқ ичидаги рақобатга ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўртта шакли алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Булар эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополиядир.

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташқил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиладилар.

Рақобатлашувчи корхоналар бир хил ёки турдош маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Нархлар бир хил даражада бўлганда истеъмолчига қайси сотувчидан маҳсулотни харид қилиш фарқсиз бўлади.

Эркин рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак маҳсулот нархига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Эркин рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Эркин рақобат икки даражада намоён бўлади: тармоқ ичида, яъни бир хил товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ва тармоқларо, яъни турли тармоқлардаги корхоналар ўртасидаги рақобат. Тармоқлар ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда

техника билан таъминланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли шу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда нормаси ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа қўйилмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртача фойда нормасига тенглаштирилади.

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айти вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узоқ давр давомида, ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган.

## **6.2. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсатининг мазмуни ва усуллари**

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шакллари мавжудлигига асосланган ва иложи борича эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир.

Монополия. Тармоқ битта фирмадан иборат бўлиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат) нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яқка ҳукмронлик шаклланади.

Монопсония – бу бозорнинг шундай ҳолатини ифодалайдики, бунда бозорда сотиб олувчи ягона ҳисобланади. У, яъни монопсонист

бозор нархларини ва талабни ўзгартириш имкониятига эга. Бозорга кириш қатъиян чекланган.

Иккиёқлама монополия – рақобатнинг ушбу тури (бирламчи) бозорда битта сотувчи ва битта харидор бўлишини ифодалайди. Монополист ва монополист бозор конъюнктурасини келишган ҳолда белгилайди ва бошқа рақобатчиларнинг бозорга киришини қатъиян чеклайди.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

### **6.3. Антимонопол сиёсатни амалга ошириш бўйича чет эл мамлакатлари тажрибаси**

Монополистлар иқтисодиётдаги эркин ва ҳалол рақобатга тўсқинлик қилиб, иқтисодий ривожланишга анча жиддий салбий таъсир кўрсатиши, тараққиёт йўлига ғов бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб, бу монополияга қарши сиёсатнинг мазмунини ташқил этади.

Давлатнинг антимонопол сиёсати – монополиялар фаолиятини чеклаш, тартибга солиш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга қаратилади.

Давлатнинг монополияга қарши сиёсати асосини монополияга қарши қонунчилик ташқил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган.

Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши

билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси, унинг миқёси ва характериға қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтириш кабиларға қаратилади. Булар асосан антимонопол қонунчилик ёрдамида ҳал қилинади. Жаҳон тажрибасида бундай қонунчилик 120 йилдан ортиқ давр давомида ривожланиб келган.

Ҳозирги даврда, эркин рақобатни ҳимоя қилувчи қонунчилик битимлари Ғарбий Европанинг барча мамлакатларида мавжуд. Уларда мазкур қонунчилик икки йўналишга эга: нархлар ва компаниялар қўшилиши устидан назорат қилиш.

Антимонопол тартибга солиш такомиллашмаган ва муайян харажатлар билан бирга борса-да, улар бозор иқтисодиётида монополистик тамойилларни чеклашга олиб келади.

Монополияларға қарши қонунчилик ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар бошқа мамлакатларда ҳам шароит тақозо этган шаклларда амал қилади.

Антимонопол қонунчилик қуйидаги қонунчилик ҳужжатларига асосланади:

1. Шерман қонуни (1890 й.) Бу қонун картел битимларини ноқонуний деб ҳисоблайди, савдони яширин монополлаштириш, у ёки бу тармоқдаги якка назоратни қўлга олиш, нархлар бўйича келишувларни тақиқлайди. Бу қонун асосан савдо ва тижорат фаолиятининг монополлашувига қарши йўналтирилади. Ҳамда эркин савдони чеклашга қаратилган келишувларнинг ҳар қандай шаклиға

тақиқ кўяди. Мазкур қонунда жазо чораси сифатида жарималар, зарарни қоплаш, қамокқа олиш ва ҳатто айбдор фирмани тугатишни ҳам кўзда тутди. Бу қонуннинг энг муҳим хусусияти мавжуд фаолият қилиб турган монополияларга қарши курашга қаратилади. Унинг камчилиги асосий қоидалар ноаниқлиги, қонуннинг бажарилишини назорат қилувчи доимий муассаса йўқлиги ва антимонополистик тадбирларнинг профилактик характерга эга бўлганлигидир.

2. Клейтон қонуни (1914 й.) Бу қонун савдо амалиётида камситишни, маҳсулот сотиш соҳасидаги чекловчи фаолиятларни, нарх бўйича камситиш, маълум кўринишдаги бирлашиб кетишлар, ўзаро боғланиб кетувчи директоратлар ва бошқаларни тақиқлайди. Бу камчиликлар маълум даражада бартараф қилиниб қолинмасдан, балки трестларга қарши қонунчиликка доир асосий тушунчалар аниқлаштирилди ва монополияларга қарши фаолият тушунчаси кенгайтирилди. Хусусан, монополистлар ўзаро таъсирининг молиявий жиҳатларига ҳамда монопол ҳокимиятчиликни тиклашга асосий эътибор қаратилди. Трестларга қарши қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳукумат Федерал савдо комиссиясига юклатилади. Шу қонун туфайли “монопол касаллик” деб номланган профилактик тадбир кенгайди.

3. Робинсон-Пайман қонуни (1936 й.) Бу қонун савдо соҳасидаги чекловчи фаолиятлар, «нархлар қайчиси», нарх бўйича камситишлар ва бошқа шу кабиларни тақиқлайди. АҚСҲдаги трестларга қарши мавжуд қонунчилик кўпроқ даражада бошқа мамлакатларда ҳам антимонопол қонунчиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

4. Унлер-Ли қонуни (1938 й.) Савдо бўйича федерал комиссияга “савдода чалғитишга олиб келадиган ҳаракатларни” назорат қилиш

бўйича кўшимча мажбурият қўйди. Натижада комиссия истеъмолчини реклама ва ёлғон маълумот натижасида жабр кўришдан ҳимоя қилиш вазифасини олди. Унлер-Ли қонуни истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган. Мазкур қонун ёлғон реклама ва маълумотларни сохталаштиришга қарши қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

5. 1950-йилда Клейтон қонунига Келлер-КефOVER тузатиши киритилди. Унда ноқонуний бирлашиб кетишлар тушунчасига аниқлик киритилиб, активларни сотиб олиш орқали бирлашиб кетиш тақиқланди. Агар Клейтон қонуни йирик фирмаларнинг горизонтал равишдаги бирлашиб кетишларига тўсиқ қўйган бўлса, Келлер-КефOVER тузатиши вертикал равишдаги бирлашиб кетишларга чеклов киритди<sup>13</sup>. Унда моддий активлар соҳасида монополиялар ўзаро таъсирига эътибор қаратади. АҚШда XX аср 80-йилларининг биринчи ярмида монополияларга қарши қабул қилинган йўриқнома ҳужжатларида Хорфиндал-Хиришман индексидан фойдаланиб тармоқлар концентрациялашувининг нормативларини ўрнатди. Агар бу индекс 1000 дан юқори бўлмаса, бозор кучсиз концентрациялашган, 1800 дан юқори бўлса кучли даражада концентрациялашган деб тан олинган.

Айни вақтда бир қатор тармоқларда (газ-таъминоти, электр таъминоти ва ҳоказо) табиий монополиялардан ҳоли бўлиш қийин. Шу сабабли, давлат уларга нисбатан бевосита ёки билвосита тартибга солиш дастак ва воситаларини қўллашга мажбур бўлади.

Табиий монополиялар – ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятига кўра, рақобат мавжуд бўлмаган шароитда талабни қондиришнинг ўзига хос бозор тузилмасидир.

---

<sup>13</sup>Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar, muammolar va siyosat. O‘n yettinchi nashr. 583-597 b.

Табиий монополиялар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар истеъмолда бошқа товарлар билан алмаштирилиши мумкин эмас. Бундай товарларга талабнинг ўзгаришига улар нархининг ўзгариши кам даражада таъсир кўрсатади.

Табиий монополиялар объектив сабабларга кўра вужудга келади. У айнан олинган бирон-бир товарга талаб бир ёки бир нечта ишлаб чиқарувчилар томонидан самарали даражада қондириладиган вазиятни ифодалайди. Табиий монополияларнинг асоси – ишлаб чиқариш технологиялари ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларидир. Бу ерда рақобатни қўллаш мумкин эмас ёки уни қўллаш самарасиз. Масалан, энергия таъминоти, алоқа хизмати кўрсатиш ва шу кабилар ўз табиатига кўра бозорда монопол мавқени эгаллайди.

Табиий монополиялар қуйидаги соҳаларда фаолият кўрсатади:

-магистрал труба ўтказгичларда газ, нефт ва нефт маҳсулотларини жўнатиш;

-электр ва иссиқлик энергиясини узатиш хизмати;

-темир йўл транспорти;

-транспорт терминаллари, аэропорт, сув портлари хизмати.

-алоқа, почта хизмати ва ҳоказо.

Қайд қилинган монопол тузилмаларнинг асосий белгилари қуйидагилар:

-фаолият қилиш тартибини ўрнатиш, рўёбга чиқариш ва тўхтатиш ҳуқуқий асосланганлиги;

-тармоқлар ва хўжалик юритиш соҳалари бўйича фаолият кўрсатишининг чегараланганлиги;

-монополия субъектлари умумий ҳуқуқий мавқега эга бўлган ҳолда, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзига хослиги;

- монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг яхлит тизими мавжудлиги;

- табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товар (хизмат) лар бошқалари билан алмаштирилиши мумкин эмаслиги, уларнинг ўрнини босувчиси мавжуд бўлмаслиги;

- мазкур товарлар бозорида талабнинг ноэластиклиги, унинг доимий барқарорлиги. Бу уларга нарх (таъриф) ошган тақдирда ҳам, талаб ўзгармай қолишини аниқлатади.

Умумий ҳолда табиий монополиялар технологиялардаги хусусиятлар туфайли тармоқ ёки соҳага рақобатчиларнинг кириши учун тўсиқларнинг мавжуд бўлиши ёки давлат яратиб берган имтиёзлар натижасида вужудга келади ва фаолият кўрсатади.

Давлат табиий монополияларни тартибга солиш мақсадида уларнинг маҳсулот (хизмат) ларига нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек, таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар турига доир асосий кўрсаткичларни назорат қилади.

Давлатнинг табиий монополияларни тартибга солиш усулларини қўллашдан мақсад қуйидагилардан иборат:

- табиий монополияларнинг содир этиши мумкин бўлган монопол ҳолатини суиистеъмол қилишини олдини олиш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- жамият манфаатлари йўлида монопол тармоқ ишлаб чиқаришининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

Ушбу мақсадларга эришиш иқтисодиётда жорий этилган тартибга солиш усулларининг қанчалик самарали ишлашини ҳамда ҳар қандай давлатда қабул қилинган назорат қилиш механизмларининг оптимал ташқил этилганлигига боғлиқ.

Монопол фаолиятни тартибга солиш – бу давлатнинг ишлаб

чиқарувчиларнинг бозорни монополлаштириш имкониятини чеклаш мақсадида амалга оширадиган қонунчилик, маъмурий ва иқтисодий тавсифдаги чора-тадбирларидир.

Антимонопол қонунчилик дастлаб АҚШ да қабул қилиниб, кейин барча индустриал жиҳатдан ривожланган мамлакатларга кенг ёйилган. Мазкур қонунчилик асосида махсус антимонопол муассаса (қўмита) ташқил қилиниб, у давлатнинг монополияларга қарши сиёсатини амалга оширади. Унинг асосий вазифаларига қуйидагилардан иборат бозор тузилишини жорий таҳлил қилиш; монополлашув омилларини аниқлаш; антимонопол қонунчиликни амалга ошириш; соҳага тегишли қонун ва ҳукумат қарорларини экспертизадан ўтказиш; монополист корхоналарга санкциялар қўллаш; монополияларни бўлиш ва қайта ташқил қилиш бўйича таклифлар бериш.

Маъмурий чора-тадбирлар декартел ва детрест тавсифига ега бўлиши мумкин. Масалан, Германия ва Япония иқтисодиётида иккинчи жаҳон урушидан кейин ана шундай тадбирлар қўлланилган. Иқтисодий тадбирлар одатда монопол ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига нарх ўсишини чеклашга қаратилади ва тегишли нарх сиёсатини тақозо этади. Нарх сиёсати ижтимоий хизматлардан ташқари товарларнинг кўпчилик гуруҳига нархларни эркинлаштиришни кўзда тутди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади миллий бозорга чет эллик ишлаб чиқарувчиларнинг кириб келишини йўл қўйиладиган даражада назорат қилиш асосида рақобатни рағбатлантириш, мавжуд монополияларга қарши турувчи рақобатчи корхоналарни молиявий, солиқ ва кредитли воситалар орқали рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш учун шарт-шароит яратишдир.

Рақобатчилик муҳитини шакллантиришда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ижтимоий муҳитни қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли қўллаб-қувватлаш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади.

Давлатнинг монополияларга қарши амалга оширадиган иқтисодий чора-тадбирларини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

монопол маҳсулотнинг ўрнини босувчиларини, ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналар ва эркин савдо зоналари ташқил қилиш;

тақчил товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича тадбирларни давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириш.

давлатнинг монополиялар фаолиятини тартибга солиш усуллари қуйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилади:

бозорнинг монополлашувини чеклаш;

доимий давлат мониторингини амалга ошириш;

монопол нархлар ўрнатилишини тақиқлаш;

рақобатни сақлаш ва қўллаб-қувватлаш, яъни рақобатчи компаниялар қўшилишига йўл қўймаслик.

Рақобат замонавий шаклларда амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш.

Давлат монополиялар фаолиятини тартибга солишда унинг ижобий томонлари ва салбий оқибатларини ҳисобга олиш тақозо қилинади. Монополияларнинг ижобий томонлари бу, энг аввало, улар маҳсулотининг юқори сифат билан фарқланишидир. Бундан ташқари, монополияларнинг йирик кўлами ҳаракатлар ва барча турдаги

ресурсларни тежаш имконини беради. Монополистик тузилмалар ишлаб чиқаришга катта миқдордаги моддий ва молиявий харажатларни тақозо қиладиган фан-техника тараққиёти ютуқларини тез жорий қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Монополияларнинг салбий томонлари қуйидагиларда намоён бўлади. Бозордаги мавқеи ва монопол нархлар туфайли юқори фойдага эгалик қилиб, маҳсулот чиқариш ҳажмини чеклайди, рақобат кучсиз бўлган ёки умуман мавжуд бўлмаган шароитда фан-техника тараққиёти ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун рағбатларни ҳам йўқотади.

Жамиятда даромадлар тенгсизлигини кучайтиради. Бунга қўшимча монопол юқори фойдани ўзлаштириш аҳоли бошқа қатламлари даромадларининг нисбатан камайиб боришини англатади.

Монополиялар иқтисодий соҳада номонопол тизимларни ўзларининг камситилган шароитларига боғлаб эркин ва соф рақобат қарши туради. Сиёсий соҳада олигархлар оммавий ахборот воситаларини сотиб олиб, сайловолди компаниялари пайтида сиёсий партияларни молиялаштириб, парламент ва ҳукуматга ўзларининг тарафдорларини киритиб қулай шартномалар, субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва бошқа қулайликларга эга бўлиб жамият бошқа қатламларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига олиб келади.

Монополиялар мавжуд бўлишининг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлили, улар ҳам бозор иқтисодиётининг зарурий таркибий қисми эканлигини англатади. Шундан келиб чиқиб, давлатнинг вазифаси монополияларни сиқиб чиқариш эмас, балки монополия ва рақобатни жамият манфаатлари учун оқилона уйғунлаштиришга қаратилиши зарур.

## Назорат учун саволлар

1. Монополиялар қандай вужудга келади?
2. Монополиянинг турларини санаб беринг ва тушунтиринг.
3. Нима учун монопол ташқилотлар фаолияти давлат томонидан тартибга солинади?
4. Монополизмнинг салбий оқибатлари нима?
5. Рақобатнинг моҳияти, вазифалари, шакл ва усуллари нима?
6. Давлатнинг иқтисодий монополизмга қарши сиёсатининг мазмуни ва усулларини айтиб беринг.
7. Антимонопол сиёсат нима?
8. Антимонопол сиёсатни амалга ошириш бўйича чет эл мамлакатлари тажрибасидан мисоллар келтиринг.

## **7-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА НАРХНИНГ РЕГУЛЯТОРЛИК ВАЗИФАСИ ВА ДАВЛАТНИНГ НАРХ ҲАМДА ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТЛАРИ**

7.1. Нархнинг регуляторлик вазифаси ва унинг бозор иқтисодиётини тартиблашдаги аҳамияти.

7.2. Давлатнинг нарх сиёсатининг мақсад ва вазифалари.

7.3. Давлат нарх сиёсатини амалга оширишнинг асосий усуллари ва воситалари.

**Таянч иборалар:** нарх, баҳо, нарх турлари, келишилган нарх, юқори нарх, давлат субсидияси, монопол нархлар, нархнинг регуляторлик вазифаси, нарх орқали тартиблаш, нарх сиёсати.

### **7.1. Нархнинг регуляторлик вазифаси ва унинг бозор иқтисодиётини тартиблашдаги аҳамияти**

Ҳозирги замон иқтисодиётида нарх, нарх белгилаш тизими – бу иқтисодий муносабатларнинг муҳим тизимчаси ва бозор механизмининг таркибий қисмларидан биридир. Нарх – бу ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳаракатларини белгиловчи кўрсаткичи ва бозор иқтисодиётининг асосидир. Давлат иқтисодиётни тартибга солишда нарх ва нарх белгилаш орқали таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон қиймат ва нарх назарияси – бу иқтисодий назария фанининг узоқ муддатли ривожланиши натижасидир. Иқтисодий назарияда қиймат, нарх ва уларни аниқловчи омиллар муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Замонавий назария – бу меҳнатнинг қиймат назарияси ва нафлилик назарияларининг ўзаро алоқалари ва фарқлари нуқтаи назаридан, яъни маржиналистик назария таҳлиллари натижасидир. Инглиз классик сиёсий иқтисод намоёндалари А.Смит ва Д.Рикардолар қийматнинг меҳнат назариясини асосчилари ҳисобланади. Жамият учун ишлаб чиқариш зарур бўлган маҳсулот

қийматини ижтимоий-зарурий меҳнат сарфлари яратади, деган ғоя ушбу назариянинг асосини ташқил этади.


Қиймат, сифат (харидорлар ва сотувчилар ўртасидаги, товарларни олди-сотди жараёнида инсонлар ўртасидиги иқтисодий муносабатларни намоён қилади) ва миқдор (қийматнинг миқдори унга кетган ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан аниқланади) жиҳатларига эга. Маржиналистларнинг фикрига кўра нарх – бу қийматнинг пулдаги ифодасидир. Агар қийматнинг миқдори унга кетган ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан аниқланса, у ҳолда нархнинг асосида товарнинг қиймати ётади, бироқ талаб ва таклиф мутаносиблигига боғлиқ ҳолда нарх миқдори товар қийматига нисбатан ўзгаради.

Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорларининг қиймат ижтимоий зарурий меҳнат сарфлар билан аниқланади деган қарашлари қийматни товарнинг нафлилиги белгилайди, деган маржинал назария, нафлилик назариясининг вужудга келишига сабаб бўлди. Ушбу назариянинг асосчилари Австрия мактаби намоёндалари К.Менгера, Е.Бем-Баверка ва Ф.Визералар ҳисобланишади. Бу мактаб XIX асрнинг охириги учинчи қисмида юзага келган. Бу назарияга асосан қиммат (қиймат) қуйидагиларга боғлиқ: 1) истеъмолни қондиришнинг муҳимлигига(нафлиликка); 2) нафлиликни таъминланганлик даражасига. Нафлилик назарияси – бу субъектив қиймат назариясидир, яъни ҳар бир харидор товарнинг нафлилиги, қиммати ҳақида ўзини тасаввуридан, дидидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилади. Ушбу мактаб намоёндалари харажатларни ҳисобга олишмайди. қийматнинг меҳнат назарияси намоёндалари эса аксинча, товарнинг нафлилигини ҳисобга олишмаган.

Юқорида номлари келтирилган назарияларнинг энг катта камчилиги – бу қиймат миқдорини белгиловчи ягона манбани топишга уриниш ҳисобланади: бирида ижтимоий меҳнат сарфлари, бошқасида

эса, товарнинг нафлилиги ва бозорда уни таъминланганлик даражасига урғу берилади. Амалиёт, қиймат меҳнат сарфларига қандай боғлиқ бўлса, товарнинг нафлилигига, истеъмолчиларни унга берган баҳосига ҳам шундай боғлиқликда эканлигини кўрсатди. Бу назарияларни умумлаштирилади(синтез), яъни меҳнат сарфлари ҳамда, меҳнат натижалари нафлилигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бундай синтез А.Маршал, Дж.Кларком, П.Самуэльсонлар томонидан амалга оширилган. Замонавий нарх ва қиммат (қиймат) назариялари йўналиши асосичиси таниқли инглиз иқтисодчиси А.Маршал ҳисобланади. У қийматнинг ягона манбаини аниқлашга уринишдан воз кечиб, нафлилик назариясини талаб ва таклиф назарияси ва ишлаб чиқариш харажатлари (сарфлари) назарияси билан бирлаштирди. Товарнинг қиймати ижтимоий сарфлар ҳамда, унинг нафлилиги билан аниқланишини ёритиб берди.

Қиймат бозор орқали аниқланади. Бозор – бу сотувчи ва харидорлар (талаб ва таклиф) манфаатлари тўқнашуви орқали нарх шаклланишига олиб келувчи иқтисодий жараён дир. Буни қуйидаги схема бўйича тасвирлаш мумкин:



Нарх ахборот бериш, тақсимлаш ва рағбатлантирувчилик функцияларини бажаради.

Бозор муносабатлари шароитида нархларнинг турли кўринишлари мавжуд бўлади. Хусусан: корхоналарнинг улгуржи нархлари, чакана нархлар, давлат буюртма нархлари, таърифлар ва б.

Шунингдек, қуйидаги нархлардан фарқланади: жорий, ҳақиқий бозор муносабатларида амал қилувчи нархлар ва иқтисодий кўрсаткичларни (ишлаб чиқариш ҳажми, нарх индекси ва б.) ўзгаришини аниқлашда фойдаланилувчи таққослама нархлар.

## **7.2. Давлатнинг нарх сиёсатининг мақсад ва вазифалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида нархни давлат томонидан тартибга солиш марказлашган-режали иқтисодиётдагидан фарқли ўлароқ кенг қамровли характер касб этмайди. Шу ўринда бозор иқтисодиёти мамлакатларида нарх шаклланиши стихияли юз беради, деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Бу мамлакатларда нарх ҳар доим давлатнинг эътиборида бўлиб, давлат томонидан тартибга солиб турилади. Хусусан, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ нархлар давлатнинг диққат марказида бўлади. Давлатнинг нарх орқали тартибга солиши – бу давлатнинг иқтисодиётга таъсир этишининг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади.

Нархни давлат томонидан тартибга солишдан мақсад:

- 1) такрор ишлаб чиқаришнинг зарурий мутаносиблигига эришиш;
- 2) инфляция суръатини пасайтириш;
- 3) нарх ўсиши ва иш ҳақлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш;
- 4) давлат корхоналарини субсидиялаш;
- 5) давлат бюджетига зарур ресурсларни жалб этиш.

Давлат нарх шаклланишига бевосита ва билвосита таъсир этади. Нархни тартибга солишнинг тўғри ва эгри усуллари фарқланади. Уларнинг бўлиниши қуйидагича: нархни тўғридан-тўғри тартибга солиш усулига қуйидагилар тааллуқли:

- 1) нархнинг маъмурий ўрнатилиш;
- 2) нархнинг музлатилиши;
- 3) нархнинг юқори даражасини ўрнатиш;
- 4) самарадорлик даражасини регламентлаш;
- 5) давлат харажатларини тартибга солиш;
- б) амортизация меъёрини ўрнатиш ва б.

Давлат спиртли маҳсулотларга монопол «акциз» нархларини ва транспорт тарифларига, хизматларга, алоқага бошқа қатор товарларга нархларни, божхона тарифларини белгилайди.

Давлатнинг нархга таъсир этиш шаклларида бири – бу давлатнинг ишлаб чиқариш харажатларига ва у орқали орқали нархга таъсир этишидир. Бунга тезлаштирилган амортизация харажатлари усулини мисол қилиб келтириш мумкин. Давлат нарх шаклланишига, ишлаб чиқарувчига ёки харидорга давлат томонидан махсус қўшимча тўлаб бериш йўли билан нархларни пасайтириши назарда тутилувчи нарх субсидияси орқали ҳам таъсир кўрсатади. Нархни тартибга солишда давлатнинг қатъий ўрнатган нархлари, давлат томонидан буюртма қилинган ишлаб чиқарувчилар маҳсулотига нархлар муҳим ўринни эгаллайди. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни нарх, дотация ва субсидия орқали тартибга солишда давлатнинг роли жуда юқоридир. Давлат нарх даражаси ва нарх барқарорлиги мутаносиблигини қўллаб-қувватлайди. Барча ривожланган мамлакатларда бозор тебранишини юмшатиш мақсадида давлат томонидан анчагина ресурслар аграр соҳага йўналтирилади. Нархлар, қўшимча тўловлар орқали маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришларини амалга оширишлари даражасида давлат фермерлик нархларини

қўллаб қувватлайди. Шу йўл билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажми тартибга солинади.

Барча Ғарб мамлакатларида нархларни давлат томонидан тартибга солиш тизими жуда ҳам бир-бирига яқин. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг алоҳида турларига нархларни тебранишининг юқори ва қуйи чегараларини ўрнатиш ҳисобланади.

Европа ҳамкорлик мамлакатларида умумий қишлоқ хўжалиги сиёсати юритилади. Бу сиёсатнинг дастаги бўлиб, ички ва импорт нархлари ўртасидаги фарқларни қопловчи божхона божлари ва компенсацион тўловлар шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларга маҳсулотларини Европадан жаҳон бозорларига нисбатан паст нархларда олиб чиқиш имкониятини берувчи компенсацион тўловлар ҳисобланади. Бундай тизим нафақат Европа қишлоқ хўжалиги салоҳиятини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалигида илмий-техника инқилобининг амалга ошириш, балки, Ғарбий Европани йирик маҳсулот экспортчисига айлантириш имконини беради. Европа ҳамкорлик мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ва қора металлургия соҳасида (нархларни 15 фоизгача қамраб олади) нархларни миллий тартибга солиш хусусиятлари мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари бўйича қарорни Европа ҳамкорлигининг вазирлар Кенгаши қабул қилади, бироқ қора металлургия маҳсулотлари нархлари эса базис нархлари орқали ўрнатилади.

### **7.3. Давлат нарх сиёсатининг амалга оширишнинг асосий усуллари ва воситалари**

Нархларнинг шаклланишида рақобат муҳити муҳим роль ўйнайди. Рақобат нарх билан белгиланганда, у бозорга таъсир

ўтказади. Рақобат кучли бўлса, нарх пасаяди. Агар рақобат чекланса, нарх кўтарилишига сабаб бўлади. Шунингдек, нархларнинг шаклланишида давлатнинг иқтисодий сиёсати муҳим роль ўйнайди. **Давлатнинг нарх сиёсати** деганда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархларни эркинлаштириш ва миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш чора-тадбирлари тушунилади.

Нархларни эркинлаштиришдан мақсад – хомашё ва маҳсулот айрим турлари нархлари ўртасидаги номутаносибликни камайтириш, шунингдек нарх билан аҳоли даромадлари ва корхоналар фойдаси ўртасидаги мутаносибликка эришишдир. Бундан ташқари нархларни эркинлаштириш инвестицион товарлар, истеъмол товарлари ва хизматлар нархларининг оқилона нисбатини ҳам таъминлайди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги иқтисодий вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди.

Маълумки, нархларни бирданига ёки «эсанкиратадиган» даражада қўйиб юбориш жамиятда ижтимоий кескинликни кучайтириш, амалга оширилаётган ислохотларни обрўсизлантиришга олиб келади. Шу боис ҳам мамлакатимизда нархларни давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолишга ҳам эътибор қаратилди.

Биринчи босқич (1992 йил бошида) – бу даврда анча кенг турдаги инвестицион товарлар, айрим истеъмол товарлари ва хизматларнинг эркин нархлари ва таърифларига ўтилди. Чекланган доирадаги халқ истеъмол товарлари нархлари, айрим турдаги хизматлар таърифларининг юқори чегараси белгилаб қўйилди.

Иккинчи босқич (1993 йил)да улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди. Давлат томонидан қатъий белгиланадиган ва тартибга солиб туриладиган товар ва хизматлар сони анча қисқарди.

Учинчи босқич (1994 йил октябрь-ноябрь)да халқ истеъмоли товарлари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматлари таърифлари оширилди.

Муҳими бугунги кунда мамлакатимизда нархларнинг ижтимоий ҳимоя вазифаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Нарх орқали рақобатда унинг ғирром ва ёввойи усулларида фойдаланишга тўсиқлар қўйилмоқда.

### **Назорат учун саволлар**

1. Қиймат ва нарх назарияларини ёритинг?
2. Маржиналистларнинг қиймат ва нарх назариясини ва унинг қийматнинг меҳнат назариясидан фарқини тавсифлаб беринг?
3. Замонавий нарх ва қиймат назария қийматнинг меҳнат назарияси ва юқори нафлилик назарияларининг синтези эканлигини тушунтириб беринг?
4. Нархни давлат томонидан тартибга солишнинг қанақа асосий усуллари мавжуд?
5. Тўғри ва эгри усуллар деганда нимани тушунасиз?
6. Аграр секторда нархни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва шакллари нималардан иборат?
7. Ўзбекистонда нархни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ва шакллари мисоллар келтиринг?
8. Инфляцияга қарши сиёсат нархни давлат томонидан тартибга солишнинг бир шакли эканлигини тушунтириб беринг?

## **8-БОБ. РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ**

8.1. Давлат бюджети – давлат молия фондининг асоси ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг муҳим шакли сифатида.

8.2. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида давлат бюджети ва ЯИМ мутаносиблиги давлат иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида.

8.3. Давлатнинг бюджет сиёсати.

**Таянч иборалар:** бюджет, бюджет тузилиши, бюджет таснифлари, жорий бюджет ва тараққиёт бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, Республика ва маҳаллий бюджетлар, бюджет тақчиллиги, давлат қарзлари, солиқ, солиқ юки, кредит, тармоқлараро қайта тақсимлаш, тармоқ ичида қайта тақсимлаш, худудий қайта тақсимлаш, солиқ кредити, халқаро кредит.

### **8.1. Давлат бюджети – давлат молия фондининг асоси ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг муҳим шакли сифатида**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини таркибий қайта қуришда, асосан бозор иқтисодиётига ўтишда бюджет муҳим ўринни эгаллайди.

Давлат бюджет орқали илмни молиялаштиришда, ИТТЛИ ни молиялаштиришда фаол иштирок этади. Бир қатор мамлакатларда бюджетдан ИТТЛИ га ажратилган умумий харажатлар 50фоиз атрофини ташқил этади. (АҚШ – 46,4 фоиз, Францияда – 49,3 фоиз)<sup>14</sup>

---

<sup>14</sup> Общество и экономика, 1997 г №6, стр.12

ИТТЛИ га ажратилган бюджет ресурслари бир қатор транспорт ва информацион таркибни янгилашга, ҳамда аҳолини маълумот даражасини оширишга йўналтирилади.

Солиқлар ва уларнинг ҳажми давлат бюджети харажатлари суммасига боғлиқ бўлиб, бюджетнинг 90 ва ундан ортиқроқ қисмини ташқил этади. Солиқлар – миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, мажбурий тўланадиган тўловларнинг давлат мулкига айланиш хусусиятига эга. Шунинг учун солиқ миқдорини ундириш – бу миллий даромаднинг бир қисмини давлат ихтиёрига ўтиш жараёни ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда солиқлар ЯИМ га нисбатан 30фоиз дан 50фоизгача ташқил этади. Бу эса солиқларни иқтисодий ўсишга таъсир эта олиши билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Юқори солиқ юки таъсири, солиқ суммасини ЯИМга нисбати иқтисодий ўсишни сусайтиради. Оптимал солиқ юки аксинча, иқтисодий ўсишни кучайтиради ва бошқа жамият истеъмолини қондиради. Шу ўринда иқтисодий ўсишга солиқ юкини таъсири бўйича тадқиқот натижаларини келтириш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодчи Дж.Скали дунёнинг 103 мамлакати бўйича маълумотларни умумлаштириш мақсадида тадқиқот ўтказди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики бюджетга ундириладиган даромад пас солиқ ставкали (19,3 фоиз атрофида) мамлакатларда иқтисодий ўсиш ўртача йилига 2,4фоиз ни ташқил этиши, юқори ставкали (43,2 фоиз) мамлакатларда эса иқтисодий ўсиш 0,4 фоиз дан ошмаслиги маълум бўлди<sup>15</sup>. Муаллиф паст пропорционал солиқлар мақсадга мувофиқ эканлигини ҳулоса қилди. Бошқа тадқиқотчилар солиқ ставкалари белгиланган оптимал даражадан ошмаслиги лозим деб

---

<sup>15</sup> Налоговой кодекс Республики Узбекистана Т. 1997 г. 93,112-стр.

ҳисоблайдилар. Айнан солиқ юкининг оптимал даражаси бу давлат бюджети талаблари билан тадбиркорлар манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликларни ҳал этишда энг мақсадга мувофиқ қарор ҳисобланади.

Юқоридагиларга мувофиқ, бир қатор давлатларда шу ўринда Ўзбекистон Республикасида ҳам замонавий пул-кредит сиёсатининг муҳим йўналишлардан бири солиқ юкини пасайтириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда солиқ юки бюджетдан ташқари фондларга тўловлардан ташқари 1998 йилдаги 27,9 фоиздан 22,8 фоизгача қисқартирилди, бюджетдан ташқари фондларга тўловлар билан бирга эса 37 фоиздан 31,8 фоизгача пасайди (Муаллиф тахмини).

Солиқлар давлат бюджетининг даромадлар қисмини молиявий ресурслар билан таъминлашда бир қатор асосий физкал вазифаларни ва бошқа вазифаларни: тақсимлаш вазифаси ва алоҳида маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш вазифаларини бажаради. Ёки аксинча, солиқлар барқарор тутиб туриш, баъзи ишлаб чиқариш турларини чегаралаб туриш вазифаларини ҳам бажаради.

Солиқларнинг тақсимлаш вазифаси бўлиб, аҳоли даромадларига прогрессив ставкалар кўринишида қўлланиши, солиқ ундирилмайдиган минимумларнинг ўрнатилиши, кам даромадларга мос тарзда паст солиқ ставкалари ва юқори даромадларга юқори солиқ ставкаларининг ўрнатилган. АҚШ да шахсий даромадлар бўйича минимал солиқ ставкаси 12 фоизни ташқил этади, юқори даражаси эса 36 фоизни ташқил этади. Японияда мос тарзда 10 фоиздан 50 фоизгачани, Германияда 19 фоиздан 53 фоизгачани, Белгияда 25 фоиздан 55 фоизгачани, Нидерландияда 7,1 фоиздан 60 фоизгачани ташқил этади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларига солинадиган минимал солиқ ставкаси 13 фоизни максимал солиқ ставкаси эса 33 фоизни ташқил этади. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадларини четга олиб чиқишларини чегаралаш мақсадида даромад солиғига қўшимчалар киритилган бўлиб, четга чиқадиган даромадларга қўшимча 10 фоиз миқдорда солиқ ундириш қонунда кўрсатилган. Экспорт қилинадиган товар ва хизматларни рағбатлантириш учун бу товар ва хизматлар қўшилган қиймат солиғидан озод этилади.

Аҳолини баъзи турдаги товарларнинг истеъмолини қисқартириш мақсадида алоҳида товарлардан акциз эгри солиқларини ундириш кенг қўлланилади.

## **8.2. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида давлат бюджети ва ЯИМ мутаносиблиги давлат иқтисодий салоҳиятини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида**

Бюджет-солиқ ва кредит шакллари миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмида муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу бўлим мақсади иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг бюджет, солиқ, кредитдан фойдаланиш хусусиятларини очиб бериш, давлат бюджетида жамият иқтисодий муносабатларининг бир қисми, яъни давлат даромадларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар намоён бўлади. Солиқлар, заёмлар ва бошқа шакллар асосида давлат бюджети даромадлари шакллантирилиши орқали йирик молиявий ресурс жамланади. Бу тўғрисида давлат бюджети ҳажмини ЯИМга мутаносиблиги кўрсатади. 2000 йил ривожланган мамлакатларда давлат бюджети харажатлари ЯИМ га нисбатан фоиз ҳисобида АҚШ 29 фоиздан

Францияда 51 фоизгача тебранганлигини кузатиш мумкин. Бутун ЕИРХТ мамлакатлари бўйича – 36,5 фоиз, шулардан, Италияда – 46,7 фоиз, Германияда – 43 фоиз, Японияда – 38,2 фоиз, Канадада – 37,8 фоиз<sup>16</sup>. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети харажатлари ЯИМга нисбатан 29,5 фоиз ни ташқил этади. (мақсадли фондлар билан – 38,5 фоиз)

Бу давлат бюджетини иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда муҳим восита эканлигини кўрсатади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда давлат бюджетининг бошқарувчанлик роли миллий даромадни таркибий қисмларини давлат мулк шакллари бўйича қайта тақсимлашда намоён бўлади. Бюджет орқали, унинг ресурсларидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида, моддий ва номоддий соҳалар ўртасида, тармоқлар ўртасида, ҳудудий бирликлар ва аҳолини ижтимоий гуруҳлари ўртасида миллий даромадни қайта тақсимлаш амалга оширилади. Бюджет макроиқтисодий пропорционаликка эришиш ва уни қўллаб-қувватлашда муҳим дастак бўлиб ҳисобланади. Асосан истеъмол ва жамғариш фондлари ўртасидаги зарур мутаносибликни сақлаб туришда давлат бюджетининг роли каттадир. Бюджетнинг такрор ишлаб чиқаришга таъсири, иқтисодий ва маданий ривожланиш учун, таркибий қайта қуришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминлашда намоён бўлади. Бюджет давлатнинг иқтисодий сиёсатини юритишда муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

Бюджетга иқтисодий ривожланишни тартибга солиш дастаги, такрор ишлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш жараёнида, яъни ишлаб чиқариш кучларига ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга таъсир этувчи воситаси сифатида қаралади.

---

<sup>16</sup> Вопросы экономики. 2002 №11 5-бет.

Алоҳида даврларда эса, хўжалик-ташқилий фаолиятига, давлат сиёсати ва иқтисодий сиёсатни илмийлик даражасига боғлиқ ҳолда ислотларни амалга оширишда бюджетнинг роли каттадир.

Асосий ишлаб чиқариш кучлари бўлган ишлаб чиқариш ходимлари малакасини оширишдаги муҳим вазифалар ҳам бюджетга боғлиқдир.

Ўзбекистонда зарур такрор ишлаб чиқариш пропорциясига эришишда бюджетнинг роли ва бундай пропорцияга эришиш учун миллий даромадни қайта тақсимлашдаги бюджетнинг роли ҳақидаги баъзи тасаввурлар қуйидаги далиллар беради: мисол учун, бюджетга енгил ва озиқ-овқат саноатидан тушган тушумлардан шу тармоқларга бюджетдан қилинган харажатлар бир неча марта кўп бўлади. Бу бошқа тармоқларда яратилган миллий даромаднинг бир қисмини юқорида саналган тармоқларга йўналтирилишини англатади ва тармоқлар ўртасида, яъни моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш юзага келади. Кейинги далил давлат бюджетини ҳудудий қайта тақсимлашга мисол бўлади. Қорақалпоғистондан бюджет даромадига унинг ҳудудидан келиб тушаётган барча тушумлар шу ҳудудга қилинган бюджет харажатларини қопламайди. Даромадларни давлат бюджети орқали қайта тақсимлаш зарурати даромадни яратилган жой билан уни истеъмол этиш зарур бўлган жойларини бир-бирига мос эмаслиги билан боғлиқ.

### **8.3. Давлатнинг бюджет сиёсати**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномасида “Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини янада

такомиллаштириш зарур. Бюджет ҳисобидан маблағ ажратиладиган ҳар қандай дастур ёки лойиҳанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидан иборат, натижага йўналтирилган индикаторлари бўлиши керак”, деб таъкидлаб ўтди. Бу эса, бюджет сиёсати олдида турган вазифаларнинг нечоғли долзарб эканлигини акс эттиради. Бюджет сиёсатини амалга оширилишида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш зарурияти билан белгиланади. Бу ўринда, бюджет харажатларининг устувор йўналишларини аниқлаштириш орқали юзага келишини таъкидлаш лозим. Ушбу жараёнда бюджет харажатларининг бозор муносабатларига асосланган ҳолда давлат зиммасидан хусусий сектор зиммасига ўтиб бориши билан бюджет сиёсатини шаклланиши юзага келади. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”га кўра бюджет харажатларининг йўналишлари белгиланган бўлиб, бюджет сиёсатининг фундаментал асослари белгиланган. Мазкур кодекснинг 69-моддасига кўра, Давлат бюджетининг харажат қисми қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;

- иқтисодиёт харажатлари;

- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;

- судларни сақлаб туриш харажатлари;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

- бошқа харажатлар.

Қайд этиб ўтилган харажатлар йўналишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган бўлса-да, улар учун ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажмини йиллар кесимида ўзгариши билан бюджет сиёсати йўналишларининг устуворликлари намоён бўлади, деб ҳисоблаймиз. Масалан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, фан, спорт ва аҳолини моддий қўллабқувватлаш каби харажатлар ҳажмининг ўзгариш тенденциялари мазкур йўналишдаги бюджет сиёсати билан чамбарчас боғлиқ тарзда амалга ошади. Жумладан, давлат бюджетининг фан соҳаси учун харажатлар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 2017 йилгача ўртача 0,3 фоизни ташқил этган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу йўналишдаги бюджет сиёсатининг ўзгаришини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармонида асосан фан тармоғи учун харажатларни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоизга етказилиши назарда тутилди. Мазкур соҳа учун бюджет харажатларининг оширилиши давлат томонидан илм-фанни қўллаб-қувватлаш, натижада инновацион фаолиятни ривожлантиришни ўзида акс эттиради. Бундан кўзланган мақсад эса, 2030 йилга бориб Ўзбекистонни глобал инновацион рейтингнинг дастлабки 50таликка киришини таъминловчи шартшароитни яратишни акс эттиради. Фикримизча, бюджет сиёсатининг шаклланишида бюджет харажатларининг маълум соҳа учун ўзгариш

тенденцияси билан боғлиқ тарзда юзага келади. Хусусан, иқтисодиёт харажатлари давлат улуши бўлган корхоналарнинг хусусийлаштирилиши баробарида бюджетнинг субсидия хусусиятига эга бўлган харажатларининг камайиши юзага келади. Мамлакатда бозор муносабатлари чуқурлашиб боргани сари бюджет сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар юзага кела бошлайди. Жумладан, давлатнинг зиммасида бўлган баъзи вазифалар пулли тарзда аҳолига етказиб берилиши вужудга келади, натижада бюджет харажатларининг ўзгариши кузатилади. Аксинча, бошқа омилларнинг ривожланиши билан давлатнинг зиммасида вазифаларнинг кенгайиши ҳам юзага келади. Натижада бюджет харажатларининг ошиши кузатилади. Масалан, экологик вазиятнинг ўзгариши билан давлат экологик оқибатларни бартараф этиш ва унинг сабабларини қисқартириш мақсадида бюджетдан маблағларни кўпайтирилишига зарурият туғилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017–2021 йилларда оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2731-сонли қарори билан Оролни қутқариш жамғармаси ташкил этилиши белгиланди. Унга кўра, жамғарманинг даромадлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари, шу жумладан, марказлаштирилган инвестициялар этиб белгиланди.

Мамлакат миқёсида таянч маълумотни давлат томонидан таъминланиши жаҳон тажрибасига кўра ҳам, Ўзбекистоннинг конституциясига мувофиқ ҳам бюджет томонидан молиялаштирилиши, натижада аҳолини бепул таълим билан қамраб олиниши қайд этилган. Жумладан, таълим харажатларининг бюджет маблағларидаги улушини юқори бўлишини ўзида акс эттириб келмоқда. Бюджет харажатларининг таълим учун йўналтираётган

харажатларининг ошиб бориш хусусиятига эга бўлши муносабати билан таълимнинг қамраб олиш даражаси 2005 йилга нисбатан 2017 йилда 0,7 фоиз пунктга ошганлигини кўриш мумкин. Натижада, олий маълумотга эга бўлган аҳоли қатламининг ўсиб борганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, тадқиқ этилаётган даврда 5,4 фоиз пунктга ошганлиги маълум бўлади (8.3.1-жадвалга қаранг).

### 8.3.1-жадвал

#### Ўзбекистонда 2005-2017 йилларда йилларда 25 ёш ва ундан катта аҳолининг таълим даражаси, фоизда<sup>17</sup>

Йиллар	Саводли	Шу жумладан, маълумоти олий ва ундан юқори
2005	99,3	10,8
2010	99,8	13,5
2017	100,0	16,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси: Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуши даражаси ва фаровонлигининг ривожланиш таҳлили, 2018 й.

Мазкур йўналишдаги бюджет харажатларининг ошиш тенденцияларини кейинги йилларда ҳам ошишини башорат қилишга амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2017 йилда олий таълим муассасаларини 62900 (Статистика қўмитаси, 2018) нафар талаба битирган бўлса, 2018/2019 ўқув йилларида ОТМга қабул 69200 (Президент қарори, 2018) нафарни ташқил этганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур рақамлардан кўриниб турибдики, бюджет харажатларининг ушбу тадбирларни молиялаштириш ҳажмини оширилиши тақозо этилиши мумкин. Шунингдек, 2018/2019 ўқув йилларида бир нечта ОТМларнинг вилоятларда филиаллари ташқил этилганлиги ушбу кўрсаткичнинг янада ошишини ўзида намоён этиб беради.

Шундай бўлса-да, 2019 йил учун тасдиқланган бюджет параметрлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қароридан ижтимоий соҳа харажатларининг умумий давлат бюджетига нисбатан улушининг камайиш тенденцияси юзага келганлиги бюджетдан

<sup>17</sup> Шеров А.У. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил

ташқари маблағларнинг кўпайтириш заруриятини юзага келаётганлигини тасдиқлаб беради. Мазкур қарорга мувофиқ, ижтимоий соҳа харажатлари 54844,3 трлн. сўмни ташқил этиб, унинг улуши 51 фоиз бўлаётганлиги фикрларимизни тасдиқлашга имкон яратади. Ваҳоланки, 2018 йилда мазкур рақам 56 фоизни (Молия вазирлиги маълумоти) ташқил этганлигини қайд этиш лозим.

Мазкур стратегияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарорига кўра бюджет сиёсатида шаффофлик муҳим омиллардан бири эканлиги қайд этиб ўтилди. Бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги бюджет сиёсатининг бирламчи омили бўлса, иккинчи омил сифатида шаффофлик қайд этиб ўтилаётганлиги бюджет сиёсати юритилишидаги муҳим йўналишларидир. Қайд этиш лозим, давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этилиши юзасидан фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, “Очиқ бюджет” порталининг ҳам ишга туширилиши шаффофлик борасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бюджетнинг очиклигини ўрганиш қуйидаги ҳужжатларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилган (Фуқарорлар учун бюджет, 2018): – бюджетнинг дастлабки лойиҳаси; – бюджет лойиҳаси; – қабул қилинган бюджет; – фуқаролар учун бюджет; – жорий ҳисобот; – ярим йиллик ҳисобот; – аудиторлик ҳисоботи. Юқорида қайд этиб ўтилган бюджет жараёнларининг ҳар бир босқичида фуқароларнинг, жумладан, жамоатчилик назоратининг фаол иштироки талаб этилмоқда. Жумладан, ҳудудларда бюджетни шакллантиришда жамоатчилик фикри асосида умумий харажатларнинг 10 фоизи миқдорида ўзгартириш киритиш имконини берилиши шаффофликни таъминлашга шарт-шароит яратиб беради.

## Назорат учун саволлар

1. Давлат бюджети – давлат пул ресурсларининг асосий фонди ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг дастаги эканлиги.

2. Солиқлар ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликларни тушунтириб беринг?

3. Солиқларнинг вазифалари нималардан иборат?

4. Солиқ имтиёзлари иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усули ва воситаси эканлигини тавсифлаб беринг?

5. Амортизацияни тезлатиш шаклида имтиёзлар мазмунини ёритиб беринг?

6. ИТТЛИ ни рағбатлантиришда солиқ усуллари ва шакллари қанақа?

7. Ўзбекистонда асосий солиқ имтиёзларини санаб ўтинг?

## **9-БОБ. РЕАЛ СЕКТОРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ВОСИТАЛАРИ**

9.1. Пул ва пул муомаласи, пулга бўлган талаб ва пул таклифи.

9.2. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

9.5. Давлатнинг монетар сиёсатининг мазмуни, йўналишлари ва усуллари.

**Таянч иборалар:** пул, пул муомаласи, пулга бўлган талаб, пул таклифи, кредит, банк тизими, пул-кредит воситалари, монитар тартибга солиш, пул-кредит сиёсати, монетар воситалар, пул-кредит тизими.

### **9.1. Пул ва пул муомаласи, пулга бўлган талаб ва пул таклифи**

Пулга талабнинг классик назарияси. Пулнинг миқдорий назарияси пулга бўлган талабни алмашинув тенгламаси ёрдамида аниқлайди.

Пулнинг айланиш тезлиги, иқтисодиётда битимлар таркиби нисбатан барқарор бўлганлиги учун ҳам доимий катталиқ деб қабул қилинади. Аммо банк тизимида ҳисоб-китобларни тезлаштирувчи техник воситалар жорий қилиниши натижасида у ўзгариши мумкин. V доимий бўлган шароитда алмаштириш тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$M \cdot V = P \cdot Y \text{ (Фишер тенгламаси).}$$

Бундан:

$P \cdot Y$  номинал ЯИМ миқдорини англатилиши ва доимий миқдорлигини ҳисобга олсак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори ишлаб чиқарилаётган товарлар ҳамда хизматлар миқдори,

уларнинг баҳоси ўзгаришларига, бошқача айтганда, номинал ЯИМ ўзгаришига боғлиқ. Муомаладаги пул массасининг ўзгариши, классик назарияга кўра,—  $Y$  секин ўзгариши туфайли асосан баҳолар даражасига таъсир кўрсатади. Бу ҳолат “пулнинг нейтраллиги” номини олган.

Монетаристлар қоидасига кўра ҳукумат пул массасининг ўсиш суръатини, реал ЯММнинг ўртача ўсиш суръати даражасида таъминлаб турсалар иқтисодиётда баҳолар даражаси барқарор бўлади.

Фишер тенгламасидан ташқари бу тенгламанинг бошқа бир шакли Кембриж тенгламасидан ҳам кенг фойдаланилади:

$$M = k \cdot P \cdot Y$$

Бу ерда:  $k = 1/V$  пулнинг айланиш тезлигига тесқари миқдор.

$k$ - коэффициентни номинал пул миқдори ( $M$ )нинг даромадлар ( $P \cdot Y$ ) даги улушини кўрсатади.

Кембриж тенгламаси турли даражада даромадли бўлган турлича молиявий активлар мавжудлигини ва даромадни уларнинг қайси бири кўринишида сақлашни танлаш имконияти мавжудлигини кўзда туттади.

Пулга реал талаб қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$(M/P)^d = k \cdot Y$$

Бу ерда:  $M/P$  -“реал пул қолдиғи”, “пул маблағларининг реал захираси” деб номланади.

Пулга талабнинг кейнсча назарияси. Пулга талабнинг Кейнс назарияси, ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси, пулни нақд кўринишда сақлашга кишиларни ундовчи уч сабабни ажратиб

кўрсатади:

- трансакцион сабаб (жорий битимлар учун нақд пулга талаб);
- эҳтиёткорлик сабабли (кўзда тутилмаган ҳолатлар учун маълум
- миқдорда нақд пулларни сақлаш);
- спекулятив сабаб (фойда олиш мақсадида қимматли қоғозлар сотиб олиш учун пулга талаб).

Реал пул захираларига талаб функциясини қуйидаги кўринишда тасвирлаймиз:


$$M/P = f(R)$$

Бу тенглама кўрсатаптики, пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкаси функцияси экан. Графикда фоиз ставкаси ва реал пул захиралари миқдорига талаб тесқари боғлиқликка эга эканлиги кўринади. Чунки, юқори фоиз ставкаси пулга талаб миқдорининг камайишини кўрсатади

Классик ва кейнсчиларга хос ёндашувларни умумлаштириб, пулга талабнинг қуйидаги омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) даромадлар даражаси; 2) пулнинг айланиш тезлиги; 3) фоиз ставкаси.

Агар классик назария пулга талабни асосан, реал даромад ҳажми билан боғласа, кейнсчиларда эса пулга талаб асосан, фоиз ставкасига боғлиқ деб ҳисобланади.



### 9.1- чизма. Пулга талаб графиги

Пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олмаганда, реал пул қолдиғига талаб формуласи қуйидагича бўлади:

$$(M/P) D=f (R, Y).$$

Бу ерда: R - фоиз ставкаси; Y - реал даромад.

Чизиқли боғлиқликни эътиборга олсак, қуйидагича формула ҳосил бўлади:

$$(M/P)D=kY-hR.$$

Бу ерда: k ва h - пулга талабнинг даромадлар ва фоиз ставкасига таъсирчанлигини ифодаловчи коэффициентлар; k - фоиз ставкаси (реал фоиз ставкаси).

Реал фоиз ставкаси номинал фоиз ставкасидан инфляция суръатини айириб топилади.

Даромад даражасининг ўзгариши фоиз ставкаси ўзгармас бўлган шароитда ҳам пулга талабнинг кўпайишига олиб келади. Бу графикда пулга талаб эгри чизигининг силжиши кўринишида намоён бўлади.

Пул таклифи. Банк мультипликатори. Пул таклифи ( $M_s$ ) ўз ичига банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар (C) ва зарур бўлганда (D)

иқтисодий агентлар битимлар учун ишлатиши мумкин бўлган депозитларни олади:

$$M8 = C + D.$$

Аксарият мамлакатларда давлат пул чиқаришда монопол ҳуқуққа эга. Уни амалга ошириш ҳуқуқи нисбатан мустақил муассаса Марказий банк ихтиёрида. “Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқариш мутлақ ҳуқуқига эга”. Аммо пул таклифини кўпайтириш имконига ёки пул яратиш қобилиятига тижорат банклари ҳам эга. Улар кредитлар бера бориб, тўлов воситалари эмиссиясини ёки кредит мультипликациясини амалга оширади. Бу жараённи формула кўринишида қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$M = (1/rr) \times D$$

Бунда: М-пул таклифи ҳажми; rr - мажбурий захиралаш нормаси; D—дастлабки депозит.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, пул таклифи . 1/rr коэффицентига боғлиқ бўлиб, уни банк мультипликатори ёки пул экспансияси мультипликатори, деб аталади. У ушбу банк захиралар нормасида ортиқча захираларнинг бир пул бирлиги билан яратилиши мумкин бўлган янги кредит пулларининг энг кўп миқдорини билдиради.

Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Пул мультипликатори. Пул таклифининг умумлашма модели Марказий банкнинг пул таклифидаги роли ҳамда пулнинг бир қисмини депозитлардан нақд пулларга оқиб ўтишни ҳисобга олган ҳолда ёзилади. Бу модел бир

қатор янги ўзгарувчиларни ўз ичига олади. Булар:

- пул базаси (резерв пуллар, юқори қувватли пуллар) - банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банклари Марказий банкда сақлайдиган депозитлар суммаси;

- депонентлаш коэффициенти -  $C_r = C/D$ .

Пул таклифи пул базаси ва пул мультипликатори миқдorigа боғлиқ. Пул мультипликатори пул базасининг бир миқдорга ошиши натижасида пул таклифи қандай ўзгаришини кўрсатади. Марказий банк пул таклифини авваламбор, пул базасига таъсир этиш йўли билан тартибга солади.

Мамлакатда пул миқдори кўпаяди, агар:

- пул базаси ўсса;  
- мажбурий заҳиралаш нормаси пасйтирилса;  
- тижорат банкларининг ортиқча резервлари камайса;  
- нақд пулларнинг депозитлар умумий суммасига нисбати пасайса.

Пул бозоридаги мувозанат. Пул бозори модели пулга талаб ва таклифни бирлаштиради. Дастлаб, соддалик учун пул таклифи Марказий Банк томонидан назорат қилинади ва  $(M/P)$  даражасида қайд қилинган деб оламиз. Агарда  $M$  — пул таклифини,  $P$  — нархлар даражасини билдирса,  $M^*/P^*$  пул воситаларининг реал захираси миқдорини кўрсатади.

$$(M/P)_s = M^*/P^*$$

Бу ерда:  $M$  — пул таклифи даражасини билдиради;

$P$  — баҳолар даражаси (ушбу моделда экзоген ўзгарувчи)ни кўрсатади.

Юқоридаги чизма реал пул таклифи миқдоридаги фоиз ставкасига боғлиқ бўлмаган вазиятни кўрсатади. Шунинг учун реал пул воситалари таклифи графикда кўрсатаётганимиздек вертикал чизик кўринишига эга бўлади. Бу ҳолат фоиз ставкаси қанчалик ўзгаришига қарамасдан реал пул таклифи миқдори ўзгармасдан қолган вазиятни акс эттиради.

Баҳолар даражасини ҳам барқарор деб қабул қиламиз. Бу ҳолатда реал пул таклифи  $M^*/P^*$  га тенг ва графикда  $M_s$  тўғри чизик кўринишига эга бўлади.

Пул талаби берилган даромад даражасида фоиз ставкасига тескари пропорционал эгри чизик кўринишига эга. Мувозанат нуқтасида пул талаби ва таклифи ўзаро тенг. Ўзгариб турувчи фоиз ставкаси пул бозорини мувозанатда ушлаб туради. Фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартиргани туфайли пул бозорида мувозанатга эришиш учун вазиятга таъсир этиб уни ўзгартириш зарур ва мумкин.

## **9.2. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари**

Пул-кредит сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, уни фалсафий категорияга қиёслайдиган бўлсак, у усқуртмага тааллуқлидир. Ҳар қандай жамиятда ҳам давлат бирор-бир мақсадга эришиш, олдига қўйилган вазифалар ва мажбуриятларни бажариш учун молиядан кенг фойдаланади. Пул-кредит сиёсати қўйилган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ташқил этишда асосий рол ўйнайди.

Молия сиёсатини иқтисодийга татбиқ этишда бир нечта умумий ва алоҳида тамойилларга эътибор бериш муҳим ўрин тутди. Молия сиёсатининг умумий тамойиллари кўп, ammo асосийлари этиб қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлиги ва уларнинг доимо ҳаракатда бўлиши;

- муайян тарихий шароитларни ҳисобга олиш тадбирлари;

- молия соҳасидаги маҳаллий ва хориж тажрибаларини уйғунликда олиб боришни таъминлаш;

Молия сиёсатининг алоҳида (махсус) тамойилларига қуйида келтириб ўтилган асосий тамойилларни кўрсатиш мумкин:

- жамиятда молия тизимининг рационал тузилишини таъминлаш;

- молия механизмининг қурилишини мақсадга мувофиқ таъминлаш;

- молия тизимининг барча бўғинларида даромад ва харажатларни мувозанатлаштириш;

- бюджетдаги даромадларнинг харажатлардан юқорилигини таъминлаш мақсадида молиявий резервларни ташқил қилиш;

- асосий молия ресурсларини муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш мақсадида концентрациялаш;

- салмоқли молия ресурсларини давлат ихтиёрида шакллантириш;

- пул-кредит сиёсати билан молия сиёсатини мувофиқлаштириш, яъни бири иккинчисига зиддиятли бўлмасдан, бир-бирига муҳим шарт-шароит яратиши зарур.

Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусияти ва муддатини эътиборга олиб, молия сиёсати: пул-кредит сиёсати стратегияси ва пул-кредит сиёсати тактикасига бўлинади.

Пул-кредит сиёсати стратегияси – пул-кредит сиёсатининг узок муддатли йўналиши бўлиб, иқтисодий ва социал стратегия белгилаб берган улкан масшабли вазифаларни келажакда бажаришни таъминлашни кўзда тутган молиявий тадбирлар йиғиндисиدير. Молиявий стратегиянинг ишлаб чиқариш жараёнида молиявий ривожлаштиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинади, уларнинг фойдаланиш концепциялари шакллантирилади ва молиявий муносабатлар тамойилларини ташқил қилиш белгилаб бериледи.

Пул-кредит сиёсати тактикаси – қисқа муддатли ва кичик масшабли молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мужмуасидир. Молиявий тактикада, молиявий стратегияга эришиш мақсадидаги босқичлар кўзда тутилади. У молиявий стратегияга нисбатан эгилувчанлиги, молиявий ресурсларни қайта гуруҳлаш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Хулоса қилиб айтганда, пул-кредит сиёсати тактикаси орқали молия стратегияси қўйган мақсадга тежамкорлик ва самарали йўллардан фойдаланиш орқали иқтисодий натижаларга эришишдир.

Пул-кредит сиёсатининг стратегияси ва тактикаси ўзаро узвий боғлиқликдадир. Стратегия тактик вазифаларни яхши, қулайликда бажарилиши учун муҳим имконият яратиб беради. Давлат сиёсатидан маълумки, республикадаги пул-кредит сиёсати пул-кредит сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, иккаласи биргаликда макропул-кредит сиёсатини ташқил қилади. Шунга таянган ҳолда, молия стратегия ва тактикасига бир муайян мисолни келтирамиз. 1994 молия йилининг июл ойидан бошлаб, мустақиллигимизни асосий

рамзларидан бири бўлган миллий валюта муомалага киритилди. Миллий валютанинг тўлақонли валюта функцияларини бажариши учун муайян молиявий стратегия ва тактика қабул қилинган. Миллий валютанинг ички ва ташқи конвертациясининг тўлиқлигича таъминланиши пул-кредит сиёсатининг стратегияси ҳисобланади. Ана шу мақсадга эришишда амалга оширилиши лозим бўлган чоратadbир босқичлари пул-кредит сиёсатининг тактикаси бўлади.

Пул-кредит сиёсати инсон фаолиятининг ўзига хос махсус бўлаги сифатида устқурма категориясига хосдир. Жамиятдаги иқтисодий базис ва пул-кредит сиёсати ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бир томондан, пул-кредит сиёсати иқтисодий муносабатлар таъсирида вужудга келса, иккинчи томондан иқтисодий базис асосида пайдо бўлиши ва ривожланиши билан бир қаторда, пул-кредит сиёсати маълум мустақилликка ҳам эга бўлади, яъни унда ўзига хос қонун ва мантиқий ривожланиш бор.

Иқтисодий ривожланиш ва социал прогрессга пул-кредит сиёсатининг таъсирини тўлақонли таъминлаш учун илмий асосланган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш лозим. Олдинги хўжалик юритиш тажрибаларидан пул-кредит сиёсатининг жамиятдан номутаносиб ажраб қолиши мудҳиш иқтисодий тангликни вужудга келтириши ва ривожланишни сусайтиришлари маълум бўлган. Масалан, режали иқтисоддаги хўжалик юритиш тажрибасида, хўжалик субъектларига нисбатан иқтисодий, молиявий мустақиллик қўлланилмас эди. Корхоналар бюджетга тегишли бўлган мажбурий тўловларни бажарган бўлса ҳам, молия йили охирида унинг ихтиёрида қолган молиявий ресурслар мажбуран давлат бюджетига олиб қўйилар эди.

Бунга қўшимча, юқори ташкилот ҳам ўзига хос тўловларни амалга оширишни талаб қилиб, корхонанинг ташаббускорлик имкониятига тўсиқ бўлар эди. Пировардида, хўжалик субъектлари молиявий ресурслардан самарасиз фойдаланишга ҳаракат қилиб, жамғариш ва инвестицион жараёни амалга оширолмасди. Жамоалаштиришда (кўп ҳолларда мажбурий) қиймат қонунининг борлиги тан олинмасдан келинди (қиймат қонунининг бузилиши: ўтган бир неча ўн йилликларда аграр соҳанинг жамғармасини баҳо, солиқ ва суғурта тўловлари шаклида мажбуран олиб келинди). Натижада, деҳқоннинг ерга, мулкка бўлган муносабати сўнди ва иқтисодий ташаббускорлиги сусайди.

Пул-кредит сиёсатидан кўзланган асосий мақсадлар ранг-баранг бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш;
2. Молиявий ресурсларнинг ҳажмини ошириш;
3. Жамият ривожланишини молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида, молиявий ресурсларни ижтимоий барқарорликни саклаган ҳолда жалб қилиш;
4. Мамлакатдаги барча мулк шаклида бўлган тадбиркорлар фаоллигини ошириш мақсадида қулай шароит яратиш;
5. Солиқ тўловчи субъектлар даромадидан бюджет даромадини шакллантиришда, мақсадга мувофиқ ставкаларни жорий этиш ва бошқалар.

Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналиши – молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва бош йўналишга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш

мақсадида, давлат ихтиёридаги молия ресурсларини марказлаштиришдан иборатдир.

### **9.3. Давлатнинг монетар сиёсатининг мазмуни, йўналишлари ва усуллари**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” қонунига мувофиқ Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат ва давлат монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда Марказий банк тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишдаги нақд пул белгиларини муомалага чиқариш ва муомаладан қайтариб олиш бўйича мутлоқ ҳуқуқга эга.

Шунга мувофиқ, муомалага нақд пул чиқариш, уларни сақлаш, муомаладан қайтариб олиш ва муомала учун яроқсиз ҳолатга келган пул белгиларини янги пул белгиларига алмаштириш вазифаларини бажаради. Шунингдек, муомалага чиқарилмаган пул белгиларини сақлаш мақсадида Марказий банк Резерв фондларини ташқил этади ва улар бўйича пул маблағларининг таркибий қисмларини, яъни банкнот ва тангалар кўринишидаги қолдиқ лимитларини белгилайди. Тижорат банклари айланма кассаларининг қолдиқ лимитлари ҳам Марказий банк томонидан ўрнатилади. Марказий банк Республика банкларида пул муомаласини ва касса ишларини ташқил этиш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ барча меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Марказий банк ўзининг асосий мақсадини тўла қонли бажариш, яъни пул муомаласини барқарор сақлаб туришга ҳамда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун пул муомаласи

ҳолатини муттасил ўрганади ва таҳлил қилади ҳамда уни мустаҳкамлаш учун амалий чоралар кўради. Асосий нақд пул оқимлари тижорат банклари кассалари орқали ўтганлиги сабабли, Республикада фаолият юритаётган тижорат банкларининг нақд пул муомаласи билан боғлиқ фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади.

Марказий банк томонидан нақд пул муомаласини тартибга солиш мақсадида тижорат банклари ва уларнинг мижозлари учун мажбурий бўлган қуйидаги талаблар ўрнатилган:

- касса операцияларини амалга ошириш тартиби;
- тижорат банклари кассаларига нақд пуллари топшириш ва олиш тартиби;
- тижорат банклари айланма кассаларига лимит ўрнатиш тартиби;
- тижорат банклари айланма кассалари мустаҳкамлаш учун захира пуллари ташқил қилиш тартиби;
- тижорат банклари касса айланмаларини ҳом чўт қилиш тартиби;
- хўжалик субъектлари нақд пул тушумларини инкассация хизмати томонидан тижорат банклари кассаларига топшириш тартиби;
- банкнотлар ва монеталарни тўловга яроқлилик қобилиятини аниқлаш тартиби;
- хўжалик субъектлари кассалари қолдиғига лимит ўрнатиш тартиби;
- нақд пул билан ҳисоб – китоб қилиш тартиби;
- касса операцияларининг бухгалтерия ҳисоби;
- чакана савдо корхоналарига нақд пулсиз ҳисоб-китоб

қилиш тартиби.

Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари (ҲББ) зиммасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида пул муомаласини ташқил этиш, тижорат банклари нақд пул билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради ва мониторинг юритади.

Банк муассасаларига келиб тушган пул бирликлари ва тангаларнинг қайта саналиши, тўловга яроқли, эскирган ҳамда яроқсиз, яъни тўлов билиятини йўқотган пул бирликларини тоифаларга ажратилган ҳолда саралаш, тахлаш, тегишли равишда ўраб боғлаш ва қайта муомалага чиқарилиши каби ишларнинг сифатини янада ошириш юзасидан Марказий банкнинг барча муассасалари ва тижорат банк бўлимларига доимий равишда тегишли кўрсатмалар бериб борилади. Пул бирликларининг «яроқли», «эскирган» ва «тўловга яроқсиз» тоифалар бўйича мезонларини ишлаб чиқади.

### **Назорат учун саволлар**

1. Пул ва пул муомаласи, пулга бўлган талаб ва пул таклифи.
2. Кредит ва банк тизимининг бозор иқтисодиётидаги вазифалари.
3. Ривожланган мамлакатларда пул-кредит воситалари орқали иқтисодиётни тартибга солиш муаммолари.
4. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.
5. Давлатнинг монетар сиёсатининг мазмуни ва йўналишлари, усуллари.
6. Ўзбекистонда пул-кредит тизимини тартибга солишни янада такомиллаштириш йўллари.

## **10-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲАСИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ**

10.1. Жамият ижтимоий соҳаси, унинг таркиби ва жамият ривожланишидаги роли.

10.2. Ижтимоий (социал) сиёсат тушунчаларининг мазмуни ва унинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тушунчаси билан ўзаро боғлиқлиги.

10.3. Даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасини ўстириш.

**Таянч иборалар:** ижтимоий соҳаси, ижтимоий сиёсат, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, даромадлар сиёсати, кучли ижтимоий сиёсат, кам таъминланганлик, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт соҳалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.

### **10.1. Жамият ижтимоий соҳаси, унинг таркиби ва жамият ривожланишидаги роли**

Ижтимоий соҳа – бу жаъми тармоқлар, корхоналар, бевосита алоқадорлигини ва аниқлаш мазмунини англатувчи, аҳолини турмуш даражасини ва уларнинг таъминланганлик ҳолатидир. У ўзида хизматлар соҳасининг барча тармоқларини мажассамлаштиради (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хизматлари, йўловчи транспортлари, алоқа).

Ушбу соҳа тармоқлари ва корхоналарининг бир қисми бевосита мустақил хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларга таъллуқли бўлса, қолган қисми давлатга тегишли корхона ва ташкилотлар ҳисобланади. Унга мос тарзда, уларнинг таркиби ва ривожланиши учун молиялаштириш харажатлари хўжалик органлари ресурслари, давлат бюджети ресурслари ва давлат бюджетдан ташқари фондлари ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий соҳанинг давлат бюджети

ва бюджетдан ташқари фондлардан молиялаштириладиган қисмига давлат бевосита бошқариш таъсирини кўрсатади, қолган қисмига эса билвосита бошқариш (қонун чиқариш, қарорлар қабул қилиш йўли билан) таъсирларини кўрсатади.

Ижтимоий соҳанинг ривожланганлик даражаси, унинг ҳолати аввалам бор моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги билан аниқланади. Бироқ тесқари муносабат ҳам бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожланишига унинг таъсири ҳисобланади. Ижтимоий соҳанинг ривожланганлик даражаси давлатнинг иқтисодий сиёсати ва иқтисодий муносабатлар тизими билан ўзвий боғлиқдир.

Жамият ривожланишида ижтимоий соҳанинг роли ошиб бормоқда. Бунга иқтисодиётдаги барча бандлардан ижтимоий соҳада банд бўлганлар улушининг ошиши ва номоддий соҳанинг ривожланиб бориши далил бўла олади.

Жамият ривожланишида инсон омилининг роли муҳим бўлиб, у доим ошиб боради. Иқтисодий ўсишда илмни ва соғлиқни таъсирини ўсиб бориши ҳақида жаҳон банкининг 1998–1999 йиллар учун «Ривожланишда илмнинг хиссаси» («Знание на службе развития») номли ҳисоботида тўхталиб ўтилади. Ходимларнинг маълумоти, малакасининг ошиши ЯИМда ушбу омиллар ҳисобига ўсиш улушида намоён бўлади. Масалан, Америка иқтисодчиси Е.Денисов тахминига кўра, 1929–1982 йилларда миллий даромад ўсишининг 14 фоиз маълумот, малаканинг ошириш ҳисобига ва 21 фоиз меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига эришилган.

Ишчилар малакасининг ўсиши – меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим манбаидир, бироқ ишлаб чиқарувчи соғлиғини мустаҳкамлаш эса ходимларнинг касалликлари туфайли

унумдорликнинг пасайишига ва касаллик даври учун нафақалар тўлаш бўйича харажатларнинг қисқариши олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати шу соҳадаги бозор ва бозор механизми қондира олмайдиган шундай ижтимоий эҳтиёжлар мавжудлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, бозор пенсия ёшидаги кишиларнинг ижтимоий ҳимоясига, ишсизларга, меҳнат ногиронларига, туғилгандан ногиронларга, кўп болали оилаларга ёрдам бериш каби жамият харажатларига бефарқ. Бозор ҳаттоки аҳоли даромадлари даражасини кескин табақалашувининг ўсишига сабаб бўлади ва мавжуд тарихий маданий қадриятларга бозор бефарқлик билан қарайди.

## **10.2. Ижтимоий (социал) сиёсат тушунчаларининг мазмуни ва унинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тушунчаси билан ўзаро боғлиқлиги**

Бозор ижтимоий барқарорликни таъминламайди. Давлат ижтимоий соҳадаги ишчилар ва предметлар ўртасидаги, меҳнат ва капитал ўртасидаги муаммоларни хал этувчиси сифатида чиқади.

Буларнинг ҳаммаси, ижтимоий соҳа ва унинг нормал ривожланиши учун тартибга солишнинг бозор механизми билан давлат механизмларини уйғунлаштириш зарур эканлигини келтириб чиқаради. Фақатгина тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини оптимал уйғунлаштириш орқалигина самарали натижаларга эришиш мумкин. Ижтимоий соҳанинг шундай элементлари мавжудки унда фақат давлат шахси ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ бўлган харажатларни самарали бошқариш мумкин. Давлат миллатнинг соғлиғи учун, малакали

кадрларни тайёрлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Аҳолини ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам давлатнинг зиммасидадир. Фақат давлат шахсни ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ харажатларни самарали усуллар билан тартибга солиши мумкин. Ва фақат унинг ёрдами билангина ижтимоий йўналтирилган бозор тизимини яратиш ва аҳоли даромадлари ўртасидаги юқори табақаланишларни қисқартириш мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий маданий мақсадларга (аҳолини ижтимоий ҳимоялари билан биргаликда) умумий бирлаштирилган бюджет ҳажмининг ЯИМга нисбатида бюджет харажатлари кўрсаткичларининг мутаносиблиги ижтимоий соҳани тартибга солиш ва ривожланишида давлатнинг роли ҳақидаги тушунчаларни бойитади.

Ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари ва шакллари кўпгина омилларга боғлиқ. Улардан: иқтисодий ривожланиш даражаси, ушбу соҳада давлат ва нодавлат секторларининг мутаносиблиги, давлатнинг иқтисодий сиёсати ва бошқалар.

Ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг асосий шакллари бўлиб: қонунчилик актлари, бюджет-кредит ва солиқ шакллари, ижтимоий соҳанинг бир қисмини, яъни давлатга тегишли бўлган корхона ва ташкилотларни тўғридан-тўғри бошқариш.

Масалан, МДҲ мамлакатларида ва шу қатори Ўзбекистонда ҳам ижтимоий соҳани тартибга солишнинг қуйидаги шакллари қўлланилади:

1) мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишчилар учун энг кам иш ҳақи даражаси, пенсия, иш кунининг давомийлиги, меҳнат

таътилининг давомийлиги қонунда белгилаш йўли билан тартибга солиш;

2) бюджет ходимлари учун ва давлат ташкилотларидаги ишчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш тизими тарифларини ўрнатиш;

3) пенсия, нафақалар, стипендиялар даражасини ўрнатиш, уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари учун имтиёзлар тизимини ўрнатиш;

4) ишчилар учун прогрессив солиқ ставкаларини ўрнатиш;

5) ижтимоий соҳа тармоқлари ўртасида давлат бюджети харажатлари энг оптимал пропорциясини ўрнатиш;

6) кўпроқ ижтимоий-зарурий маҳсулот ва хизматларнинг юқори нархларини ўрнатиш орқали аҳоли даромадларини тартибга солиш, инфляция жараёнида эса пенсионерлар, давлат ижтимоий соҳа иштирокчилари ишчиларининг даромадларини индексациялаш.

### **10.3. Даромадлар сиёсати ва аҳоли турмуш даражасини ўстириш**

Энг кам иш ҳақининг миқдори иқтисодий ривожланиш даражасига қараб белгиланади. Масалан, ғарбнинг ривожланган мамлакатларида энг кам иш ҳақи анча юқори эканлигини биламиз. Бироқ шу ўринда турли нарх даражаларини ҳам ҳисобга олиш зарур. ғарб мамлакатларда соатбай иш ҳақининг қуйи чегараси соатига 3 доллар ҳисобланади.

Шу қаторда давлат томонидан ўрнатилагн энг кам иш ҳақи даражасидан аҳолини турмуш даражасини тахлил этишда ва мутлоқ қашшоқлик кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Энг кам иш ҳақи иқтисодий ривожланганлик даражаси ва бандликка ҳам боғлиқдир. Масалан, Жаҳон банки мутахассислари томонидан мутлоқ

қашшоқлик даражсини аниқлашда аҳолини бир кунда 2,15 доллар даромад оладиган қисминигина ҳисобга олишади.

Ривожланган мамлакатлар қатори марказлашган-режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ижтимоий соҳани ислоҳотлар олиб борилмоқда, ижтимоий мақсадларга даромадларни тақсимлаш муносабатлари ўзгармоқда. Асосан пенсия тизимида сезиларли ўзгаришлар ва пенсия ислоҳотлари олиб борилмоқда. Пенсия ёши ошмоқда, давлат пенсия фонди билан бирга нодавлат пенсия фондлари шаклланмоқда. Жамғариб бориладиган пенсия фонди тизими жорий этилмоқда.

Шундай бўлсада, пенсионерлар сони ошмоқда, пенсия учун ресурсларни ошириш талаб этилмоқда, пенсия ёши узаймоқда. Масалан Англия ва бошқа қатор мамлакатларда 65 ёшдан пенсияга чиқиш ҳақида таклифи қўйилмоқда. Ўзбекистонда 2003 йилдан эркаклар учун 63 ёшдан чиқиш белгиланган.

Энг кўп жон бошига ижтимоий мақсадларда қилинган харажатлар Скандинавия мамлакатларига хосдир. Бу мамлакатларда пенсия фондини шакллантиришни давлат ўз зиммасига олган. Германияда бироз бошқача ёндашув мавжуд. Пенсия фондини яратишни аҳолининг ўзи қабул қилган, яъни унинг ўзи ушбу фондга бадалини олиб бориб бериши лозим. Ижтимоий суғурта фондини шакллантиришда хусусийлаштиришлар олиб борилмоқда, шу қатори Лотин Америкада ҳам. Бунда тадбиркорлар ижтимоий суғурта фонди бадалларидан озод этилади. Бу фонднинг ресурслари ишчиларнинг бадаллари ҳисобига ва вақти-вақти билан бериладиган давлат ресурслари ҳисобига шаклланади.

Қатор мамлакатларда мутлоқ қашшоқлик кўрсаткичи ўрнида ҳаёт кечириш минимуми кўрсаткичи қабул қилинган. Турли

мамлакатларда бу кўрсаткич турличадир. Қашшоқлик жиҳатини ўртача иш ҳақиға нисбатан фоиз кўринишда аниқлаш мезони кенг тарқалган. Масалан, Болгарияда ҳаёт кечириш минимуми ўртача иш ҳақининг 53-65 фоизга тенг, Чехияда 55-56 фоизга, Польшада 36 фоизга тенг. Келтирилган кўрсаткичдан кам даромадга эга бўлганлар қашшоқлар тоифасига киритилади.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат устувор йўналиш ҳисобланади ва у босқичма-босқич амалга оширилади. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш учун ресурсларнинг шаклланишида ўзгаришлар бўлиб, давлат олий ва ўрта билим юртлирида шартнома асосида таълим бериш ва ўқув юртининг янги шакллари юзага келди. Соғлиқни сақлашда пулли ва бепул хизматлар кўрсатиш кўринишлари юзага келди. Ижтимоий суғуртада кўп болали оилаларга махалла йиғинлари томонидан ёрдам кўрсатишнинг роли ошди.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ижтимоий соҳанинг қайси элементларининг ривожланишига фақатгина давлат самарали таъсир эта олиши мумкин?
2. Нима учун соғлиқни сақлаш тизими жорий этилган?
3. Ижтимоий суғурта турларини изоҳлаб беринг.
4. Ижтимоий соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати нималар билан боғлиқ?
5. Жамият ривожланишида инсон омили ролининг оиши нималарга боғлиқ?

## **11-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ**

11.1. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти, шакллари, кўрсаткичлари ва уни таъминлашнинг аҳамияти.

11.2. Давлат томонидан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари, вазифалари ва йўналишлари.

11.3. Ўзбекистонда ички ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашда эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар.

**Таянч иборалар:** Иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий таъминланганлик, қарамлик, ички хавфсизлик, ташқи хавфсизлик, иқтисодий боғлиқлик, ижтимоий хавфсизлик, ҳаёт хавфсизлиги, бақарорлик, инқироз ва хавфсизлик, хавфсизлик омиллари, озиқ-овқат хавфсизлиги, хавфсизлик шартлари, рақобатбардошлик ва хавфсизлик, хавфсизлик кафолатлари.

### **11.1. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти, шакллари, кўрсаткичлари ва уни таъминлашнинг аҳамияти**

Иқтисодий хавф-хатарлар иқтисодиётга таҳдид ўтказар экан, булардан сақланиб хавфсизликни таъминлаш зарур, чунки бу иқтисодий ўсишнинг муҳим шартидир.

**Иқтисодий хавфсизлик** – бу миллий иқтисодиётни ички ва ташқи таҳдидларга дош бериб, улардан ҳимояланган бўлиши, ўз салоҳиятини сақлаб қолиб ривожланишга мойил бўлиши уни яшовчан бўлиб дестабилизация (беқарорлик) бўлганда ўз қаддини ростлай олиши кабиларни англатади.

Иқтисодиёт тизимли бўлганидан унинг хавфсизлигининг турли йўналишлари бор. Ишлаб чиқариш хавфсизлиги – бу иқтисодий хавфсизликнинг бирламчи асоси ҳисобланади, чунки ишлаб

чиқаришдаги хавфсизлик бошқа соҳалардаги хавф-хатарнинг олдини олади.

**Ишлаб чиқариш хавфсизлиги** – бу товар ва хизматларни яратиш жараёнини мунтазам ва чекловларсиз бир меъёردа ўсиб боришига шароит мавжудлигини билдиради.

Ишлаб чиқариш хавфсизлиги таъминланганда иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлади, яъни миллий иқтисодиёт бир маромда ривожланиб боради. Бунда ишлаб чиқариш қобилияти сақланган ҳолда ЯИМнинг жон бошига ҳисобланган ҳажми ортиб боради. Бундан ташқари хавфсизлик ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва миллий иқтисодиётдаги меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришни инновацияларга мойиллиги, ишлаб чиқариш таркибий тузилишини бозор талабига мослиги, иқтисодиётни танглик пайдо бўлганда ундан кичик талофотлар билан чиқиш, яъни уни жон бошига сақлай билиши кабиларни билдиради.

**Молиявий хавфсизлик** иқтисодий хавфсизликнинг муҳим томонидир. Молиявий хавфсизлик таъминланган ерда молиявий барқарорлик ҳукм суради. Шундай бўлганда иқтисодиётнинг реал сектори билан молиявий секторлари бир-бирига мос равишда фаолият юритади.

**Молиявий хавфсизлик** иқтисодиётнинг ички ва ташқи субъектлари ўртасидаги пул оқимини барқарор бориши учун шароит ҳозирлигини билдиради.

Хавфсизлик бу давлат бюджети дефицитсиз бўлиши, дефицит юзага келганда уни кичик бўлиши, миллий пул кадр-қийматини барқарор бўлиши, банклар капиталининг етарли бўлиши, мамлакатдаги олтин-валюта захираларини (буни халқаро захиралар, деб ҳам юритишади) етарли бўлиши молия бозорини бир маромда

ишлаб туришини билдиради. Пул оқими бу иқтисодиёт учун озуқадир, уни тўхтовсиз бориши иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти ҳисобланади, чунки бусиз товар ва хизматларни ўз вақтида айирбошланиши юз бермайди.

**Монетар хавфсизлик**, яъни пул муомаласининг хавфсизлиги алоҳида ўрин тутди. Бу муомаладаги пул миқдорини иқтисодиёт кўламига мос бўлишини талаб қилади, чунки пул етишмай қолса иқтисодий оборот сустлашади. Борди-ю пул кўпайиб кетса, инфляция хавфи туғилади. Шу сабабли иқтисодиётни монетизация (пул билан таъминланиш) даражаси етарли бўлиши талаб қилинади, шунга қараб пул миқдори кўпайтирилади ёки камайтирилади. Миллий валюта (пул) мамлакат доирасидаги ягона тўлов воситаси бўлади, четдан келадиган молиявий тажовуз йўлини тўсувчи чегара яратади, чунки ўзга пул мамлакат ички бозорида ўтмайди. Шу сабабли миллий пулни мустаҳкамлаш хавфсизликка хизмат қилади. Умумий пул бор жойда (масалан, еврозонада) миллий хавфсизликка эришиш учун умумий пул – еврони мустаҳкамлаш керак бўлади, чунки бу пул нафақат умумий бозорда, балки миллий бозорда ҳам ягона тўлов воситаси функциясини бажаради.

**Энергетика хавфсизлиги.** Миллий иқтисодиёт барқарор ўсиб бориши учун унинг ҳамма соҳалари узлуксиз ва етарли миқдорда энергия билан таъминланиши керак бўлади. Сарфланадиган энергия турлари ҳам талабга жавоб бериши зарур. Энергия хавфсизлиги таъминланмаса иқтисодиёт издан чиқади.

**Энергетика хавфсизлиги** – бу мамлакатдаги барча энергия истеъмолчиларини энергоресурслар билан етарли миқдорда ва уларга оғирлик қилмайдиган нархларда узлуксиз таъминланиб туришларини билдиради. Иқтисодиёт саноатлашган сари, аҳоли турмуш маданияти

Ўсган сари ишлаб чиқаришда ва кундалик аҳоли турмушида энергия талабманд машина, ускуна ва асбоблар кўп қўлланилади. Иқтисодиётда узлуксиз энергия таъминотиға эришиш учун ўз энергоресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, улар етишмаган тақдирда импортини мунтазам бўлишиға эришиш керак бўлади. Хавфсизлик энергия таъминотида коллапс (тўхтаб қолиш) бўлишиға йўл қўйилмасликни билдиради, чунки бу иқтисодий коллапсға олиб келиши мумкин.

Энергетика хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

1. Энергия яратиш ва уни узатишнинг энг самарали усулларини қўллаш.

2. Энергоресурслар манбаларини диверсификациялаш, яъни янги манбаларини ишлатиб энергия истеъмоли бир манбаға боғлиқ бўлишиға йўл қўймаслик.

3. Экологик тоза энерго ресурсларни кенг қўллаш, бу билан энергия истеъмоли экологик зарарсиз бўлади.

4. Энергия истеъмолида тежамкорликка эришиш. Нафақат ишлаб чиқариш балки уй турмушида ҳам энергия сарфи кам бўлган машина, асбоб ва ускуналарни ишлатилиши.

5. Ерости тикланмайдиган энерго ресурслар тугалланиб борганидан доимо тикланиб турадиган энергоресурслардан кенг фойдаланиш керак бўлади. Шу ўринда биоэнергия (ўсимликларни чириш энергияси), шамол ва қуёш ерости сувлари ҳамда денгиз тўлқинлари энергиядан фойдаланиш энергетика хавфсизлиги учун истиқболли саналади.

6. Энергия истеъмолини бир маромда ва узлуксиз боришиға эришиш турли давлатларнинг энергия таъминоти тизими бир-бириға уланади, яъни давлатлараро энергия таъминотиға ўтилади. Бу билан

энергия таъминоти канда қилмай амалга оширилади. Энергия ресурсларини олдиндан келишилган нархларга биноан етказиб берилади, булар энергия истеъмолчиларига ҳам маъқул бўлади.

**Озиқ-овқат хавфсизлиги.** Буни озиқ-овқат ресурсларини чекланган бўлиши ва уларни аҳоли истеъмолини қондиришга етишмай қолиши талаб қилади. Мутлақ етишмовчилик келиб чиққанда умуман озиқ-овқат, унинг сифатидан қатъий назар етишмай қолиб, очлик хавфи туғилади. Озиқ-овқатни нисбий етишмовчилиги сифатли (гўшт-ёғ, сут-қатик, мева-сабзавот) маҳсулотларни аҳоли истеъмоли учун озлигини билдиради. Бу ерда қорин тўқ бўлади, лекин бу юзаки тўқлик бўлиб, сифатсиз маҳсулотлар ҳисобидан пайдо бўлади, шу сабабли сифатли маҳсулотларга муҳтожлик мавжуд бўлади.

**Озиқ-овқат хавфсизлиги** – бу кишиларни миқдоран етарли ва сифати жиҳатидан қониқарли озиқ-овқат билан узлуксиз таъминланиб туришидир.

Хавфсизлик бўлиши учун қуйидагилар талаб қилинади:

1. Мамлакатнинг имкони борича ўзини-ўзи таъминлаб, импортга камроқ қарам бўлиши.

2. Овқатланиш берадиган куч-қувват соғлом яшаш учун етарли бўлиши, бир кунлик озиқ-овқат энг камида 2600 каллория, кўп бўлганда 3500 каллория бериши.

3. Озиқ-овқат сифатли бўлиб, унинг таркибида оқсил, ёғ, витаминлар ва минерал моддаларга бой маҳсулотлар етарли бўлиши.

4. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кўпчилик аҳоли учун оғирлик қилмаслиги.

5. Аҳолининг озиқ-овқат учун сарфи унинг истеъмол харажатларининг ярмидан ошмаслиги.

6. Йиғилган озиқ-овқат захиралари аҳоли таъминотида жиддий узилишларга йўл бермаслиги.

Хавфсизликни таъминлаш учун озиқ-овқат ишлаб чиқаришни аҳоли сонини ўсишига нисбатан жадалроқ ўсишига эришиш зарурки, бу экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш (генетик модификациялашган маҳсулотларни кўпайтириб бўлса ҳам) талаб қилади. Қишлоқ хўжалигига катта инвестициялар юбориш, аграр ислохотларни чуқурлаштириш, фермерларни қўллаб-қувватлаб, уларга бошқа ердагилардан кам бўлмаган даромад топишга имкон бериш керак бўлади.

Ҳозир дунё аҳолиси 7 млрд. ортиқ бўлса, 2050 йилга бориб 10 млрд нафарга етади. Бу Осиё ва Африка ҳисобидан бўлади, шу боис у ерда озиқ-овқат тақчиллиги кучайиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ, бу ерда очлик кузатилади. Масалан, 2016 йили ер юзидаги оч қолган кишилар сони 1,1 млрд нафарга етди. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини жиддий қилади, чунки очликдан йилига 35 минг киши ўлади.

**Ташқи иқтисодий алоқалар хавфсизлиги.** Хавфсизликни ташқи жиҳати ҳам бор, чунки миллий иқтисодиётлар бир-бирига боғлиқ бўлиб қолади. Улардан ҳар бирининг хавфсизлиги бошқасининг хавфсизлигига бориб тақалади. Бу айниқса, экспорти катта мамлакатларда яққол кузатилади.

**Ташқи иқтисодий алоқалар хавфсизлиги** – бу мазкур алоқаларни мунтазамлиги ва миллий манфаатларга мос бўлишини билдиради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар хавфсизлиги** экспорт ва импорт узлуксиз равишда ҳамда манфаатли бўлишини, четдан капитални кириб келиши иқтисодий ўсишни таъминлаши, капитални чиқиб кетиши зарарли бўлмаслиги, ташқи савдода экспортнинг катта

бўлиши мамлакат валюта захираларининг сақланиши ёки ўсиб боришини таъминлайди.

**Ижтимоий хавфсизлик.** Бу миллий хавфсизликни муҳим жиҳати ҳисобланади, чунки бунга иқтисодий барқарорлик боғлиқ бўлади. Ижтимоий мувозанат бузилиб, аҳолининг турли қатламлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб, тўс-тўполон юз берганда иқтисодиёт катта зарар кўради. Шу боис, ижтимоий барқарорлик катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий хавфсизлик аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ўртасида ўзаро мурося ва тинч-тотувлик муносабатининг қарор топиши ва ижтимоий мувозанатнинг мавжудлигини билдиради. Хавфсизлик аҳоли турли тоифалари ўртасидаги партнёрлик (шерикчилик) муносабатлари қонун йўли билан ўрнатилганда қарор топади. Ижтимоий барқарорлик юзага келиши учун барча тоифадаги аҳоли манфаатлари уйғунлашуви, улар зидлик ҳолатига келганда ўз вақтида бартараф этилиши керак бўлади. Бунинг учун камбағал аҳолининг кўпайиб кетиб меъеридан ортишига йўл бермаслик талаб қилинади.

Бозор кучлари аҳолини табақалашувига олиб келади, шу сабабли давлат бунинг олдини олади. Камбағалларни янада камбағаллашуви шароитида бойларни янада бойиб кетишига йўл қўймаслик чораларини давлат қўллаши керак бўлади. Давлат бойларга катта солиқ солиб, бундан тушган пулни камбағалларга ёрдам сифатида тарқатади, ночорларни бепул овқатлантириш, кийинтириш, бепул даволаш ва турар жой билан таъминлашга сарфлайди. Камбағалларга турли хайр-эҳсон фондлари ҳам ёрдам қўлини чўзади.

## **11.2. Давлат томонидан иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари, вазифалари ва йўналишлари**

Мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлашда давлат марказий ўрин эгаллайди. Бунда у қуйидаги вазифаларни бажаради:

- давлатнинг микро ва макро даражада иқтисодий тартиблаш кўламларини ўз ичига оладиган тик ҳамда стратегик қарорларни асослаш, қабул қилиш учун дастаклар билан таъминлаш;

- иқтисодий ва маъмурий дастак, восита ҳамда усуллар ёрдамида иқтисодий стратегия ва жорий дастурларни амалга ошириш, еришилган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, мавжуд шароитларга мос равишда кўрилаётган чора-тадбирларга тузатишлар киритиш;

- бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқалар тизимида ҳимояланишни рағбатлантириш режимларини кўзда тутадиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий суверенитетини ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ҳимоялашни таъминлаш;

- иқтисодиётни юзага келадиган муаммоли вазиятларни тезликда ҳал қилиш учун давлат бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, вазифалари масъулиятини оқилона тақсимлаш ва уларнинг ўзаро бир ўлчамдаги фаолиятини уйғунлаштириш.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳамжамияти билан такрор ишлаб чиқариш жараёнларига тўсқинлик қилмайдиган ҳамда таҳдидлар хавфини кескин камайтиришга имконият берадиган ўзаро уйғунлашиш

шароитларини яратишга интилади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун асосий маҳсулотлар бўйича импортга боғлиқликка барҳам бериш, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишни кучайтириш лозим. Бунинг учун мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хом ашё, оралиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётни, маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган маҳсулотга айлантириш мақсадга мувофиқдир. Шундагина мамлакатнинг иқтисодий аҳоли жаҳон бозорларидаги конюктура ўзгаришларига, ресурс баҳоларининг ўзгаришига боғлиқ бўлмайди. Шу боисдан, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат стратегияси иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгартиришлар қилишга, саноат, молия ва банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилади. Бунинг учун, технологик жиҳатдан орқада қолишга барҳам бериш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш лозим бўлади.

Мамлакат ички иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартлари барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва турмуш шaroитларини яхшилаш ҳисобланади. Чунки ижтимоий соҳада, ҳаётда кескинликнинг вужудга келиши мамлакат иқтисодий хавфсизлиги учун хавф-хатар туғдириши шубҳасиздир.

Аҳоли турмуш даражаси барқарор ўсмоқда. Шу боисдан Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасига ва ҳаёт шароитлари билан боғлиқ ижтимоий таҳдидлар бирмунча камайди. Аммо аҳоли турмуш даражасини оширишда маълум муаммоларни ҳал этиш тақозо этилади. Жумладан, турли иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақлари кескин фарқланмоқда. Қишлоқ

хўжалигида банд бўлган ходимлар иш ҳақлари ўртача республика даражасига нисбатан 60фоиздан ортиқни ташқил етиб, саноатдаги ўртача иш ҳақиға нисбатан бир неча баробарға кам. Бундай тафовут кескин бўлиб, маълум иқтисодий таҳдидни келтириб чиқаради. Шунингдек, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларида, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат соҳаларидаги ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари ўртача республика даражасининг 60-80 фоиз ини ташқил етмоқда. Ваҳоланки, ушбу тармоқларда ходимларнинг билим, касб-малака даражалари бошқа тармоқлардагиларға нисбатан анча юқоридир.

Яна бир муҳим ижтимоий таҳдид реал ишсизлик ҳисобланади. Иқтисодий фаол аҳоли ичида ишсизлик даражаси 10 фоиз дан ошиб кеца, у иқтисодий таҳдидни вужудға келтиради. Ишсизликнинг вужудға келиши бозор иқтисодиёти қонуниятларидан биридир. Аммо ишсизлик туфайли камбағаллик, ҳатто қашшоқлик, жиноятчилик, наркомания ва шунга ўхшаш ижтимоий офатлар, ижтимоий норозиликнинг келиб чиқиши табиийдир.

Ушбу иқтисодий таҳдиднинг яна бир хусусияти республика қишлоқ хўжалигида ортиқча бандликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Чунки бу меҳнат ресурсларидан екстенсив, унумсиз фойдаланишға, охир-оқибатда ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишиға олиб келади. Мамлакат ички хавфсизлигиға таҳдидлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аҳоли, шу жумладан, меҳнатға лаёқатли аҳоли, меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръатларининг асосий фондлар яратаётган янги ўринларнинг ўсиш суръатларига нисбатан орқада қолиши, келгусида ишсизлар даромад олиш имкониятиға еға бўлмаган кишилар сонининг ўсишиға олиб келиши мумкин;

- иш ҳақининг аҳоли, шу жумладан, ёлланма ишчи ва ишчи хизматчиларнинг оила даромадларидаги улушининг камайиши, иш ҳақининг рағбатлантирувчанлигининг пасайиши;

- аҳоли таркибида нафақа ёшидаги кекса кишилар улушининг кўпайиши келгусида уларнинг ижтимоий таъминоти масалаларида муаммолар туғдиради;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилувчи омилларнинг кўпайиши;

- солиқ юкининг оғирлиги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига кишилар ўртасидаги ноформал, иқтисодий алоқа ва муносабатлар ҳам таҳдид солади. Бу таҳдидда сабаб бўлувчи ҳолатларни касса назоратидан ташқаридаги ҳисоб-китоблар, маиший хизмат кўрсатиш, уй-жойларни ижарага беришга нақд пулни ноформал муносабат ва алоқаларда кўриш мумкин.

Хуфёна иқтисодиёт секторининг мавжудлиги мамлакат иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш учун корхоналар хўжалик молиявий фаолияти, жисмоний шахсларнинг даромад олиши ва харажатлари тўғрисидаги ҳаққоний ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш асосида иқтисодий-ижтимоий жараёнларни кенг қамровли назорат қилиш тизимини шакллантириш лозим. Бунда давлат бошқа органлар, нодавлат ташкилотлар, уюшмалар билан ўзаро боғлиқликда алоқадорлик, ҳамкорликни йўлга қўйиши керак бўлади.

### **11.3. Ўзбекистонда ички ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашда эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар**

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқаро меҳнат тақсимотида фаол қатнашиш, фан-техника соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўли билангина ижтимоий-иқтисодий тараққиётга еришиш мумкин. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда жаҳон иқтисодий тизимидаги рақобатнинг кучайиши, ўзаро ҳисоб-китоб ва транспорт алоқаларининг мураккаблашуви, керакли тажрибанинг камлиги, юқори малакали мутахассис кадрларнинг йетишмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги асосий вазифа чет мамлакатлар билан савдо, илм-фан, техника, таълим, инвестиция каби соҳаларда ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни таъминлаш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдан иборат.

Жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашув шароитида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- экспортнинг оптимал таркибини шакллантириш. Унинг таркибида тайёр юқори технологик, илмталаб маҳсулотлар ва юқори сифатли хизматларнинг улушини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлади;

- мамлакатнинг мавжуд рақобат устунлиги имкониятларидан фойдаланиб, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги, истиқболли бозорларини ўзлаштириш, уларда муваффақият қозониш учун халқаро маркетинг стратегияларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш кооперацияси, инженеринг, лизингни ривожлантириш;

- чет эл мамлакатлари, уларнинг савдо-иқтисодий ташкилотлари, уюшма ва иттифоқлари билан ўзаро муносабатларда қулай имтиёзли савдо тартибларига эришиш;

- мамлакат корхоналарига экспорт ва импорт қилувчи сифатида халқаро замонавий машина, техника ва технологиялар, асбоб-ускуналар, ахборот ва сапитал бозорларига чиқишлари, транспорт коммуникацияларидан фойдаланишлари учун шароитлар яратишга кўмаклашиш;

- кредитор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ҳамда қарздор давлатлар билан бўладиган ўзаро валюта молиявий муаммоларни тартибга солиш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда белгиланган ҳуқуқий меъёр ва нормалар асос бўлиб хизмат қилади. Бу нормалар, ўз навбатида, товар ва хизматлар, интеллектуал меҳнат натижалари, шунингдек, жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахсларнинг мамлакатлараро ҳаракат йўналишлари, шакллари, усуллари, шартларини белгилаб беради.

Иқтисодий тартибга солиш усуллари божхона пошлина (тўлов)лари, йиғимлари, қўшилга қиймат солиғи, аксизларидан иборат.

Ҳуқуқий-маъмурий усуллар лицензиялаш, квоталаш, товар сифатини сертификациялаш, айрим товарлар экспорти ва импортига давлат монополиясини ўрнатиш, шунингдек, божхона чегаралари орқали товарлар, капиталлар ва хизматларнинг ўтиб туриши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида дунёдаги 150 дан ортиқ давлат тан олди. Ўзбекистон халқаро

иқтисодий ташкилотларда фаол иштирок эта бошлади. Жумладан, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлганлиги қувонарли ҳолдир. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва мазкур ташкилот доирасида дунё денгиз портлари, мамлакатлараро транспорт тармоқлари, жаҳон товар ва сапитал бозорларига чиқиш имкониятини берадиган халқаро йўлларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсиш ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда жаҳон хўжалик тизимида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қийдаги макроиқтисодий шарт-шароитлар яратилиши лозим бўлади:

йиллик инфляция даражасини 3-4 фоизга тушириш;

иқтисодиётдаги солиқ юкини янада пасайтиришга еришиш;

миллий валюта барқарорлигини таъминлаш;

банк тизими ва иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни давом эттириш;

мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш асосида иқтисодиётда давлат улушини 15-18 фоизгача камайтириш, хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга еришиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 60 фоизга етказиш;

эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириб боориш орқали иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор ва давлат механизмларини уйғунлаштириш;

институционал ислохотларни амалга ошириш орқали иқтисодиётни маъмурий асосда бошқаришдан воз кечиб, уни иқтисодий восита ва дастаклар орқали тартибга солиш механизмини шакллантириш;

миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимида мустаҳкам ўрин тутишига еришиш, миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш;

мамлакат экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

### **Назорат учун саволлар**

1. Иқтисодий хавф-хатар ва иқтисодий таҳдиднинг фарқи нимада.
2. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш омиллари.
3. Ишлаб чиқариш хавфсизлиги нима?
4. Молиявий хавфсизликни изоҳлаб беринг.
5. Энергетика хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги.
6. Озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий атрибутлари.
7. Ташқи иқтисодий алоқалар хавфсизлиги нима?
8. Ижтимоий хавфсизлик деганда нимани тушунасиз?
9. Хавфсизлик чегаралари ва меъёрлари қандай?
10. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш – иқтисодий хавфсизликни таъминлаш асоси.

## **12-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ТАРКИБИЙ-ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СИЁСАТИ**

12.1. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва ундаги ўзгаришлар, уларни белгилаб берувчи омиллар.

12.2. Давлат таркибий сиёсатининг мазмуни, мақсади, принциплари ва йўналишлари.

12.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишни рағбатлантириш.

**Таянч иборалар:** Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, соҳа ва тармоқлар, давлат таркибий сиёсати, таркибий ўзгаришлар, инвестиция, инвестиция сиёсати, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, давлатнинг инвестиция сиёсати.

### **12.1. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва ундаги ўзгаришлар, уларни белгилаб берувчи омиллар**

Иқтисодиёт таркибини ислоҳ этиш – бу миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун энг зарур бўлган ресурсларни етказиб берувчи тармоқлар мажмуидир. Уларга нефт, нефт маҳсулотлари ва бошқа энергия ресурслари, табиий газ, кўмир ишлаб чиқарувчи соҳалар, тоғ-металлургия комплекси, кимё, машинасозлик, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатлари киради.

Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш - бу миллий манфаатларни таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва ниҳоят, аҳоли фаровонлигини муттасил ошиб боришини таъминловчи янгича ишлаб чиқариш тузилмасини яратишдир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлардан кўзланган аниқ мақсадлар қуйидагилардан иборатдир:

- иқтисодиётнинг хом-ашё етиштиришдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш;
- истеъмолга тайёр, яъни тугалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- импорт ўрнини боса оладиган товарларни мамлакатни ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни чеклаш;
- маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш;
- ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига устуворлик бериб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, янги технологияларга ўтиш, халқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги соҳаларни барпо этиш;
- ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар ҳисобидан миллий бозорни тўлдириш орқали халқ истеъмоли молларининг муҳим турларига бўлган аҳоли талабларини тўла қондириш.

Ишлаб чиқаришда диверсификациялаш моҳиятан бир-бири билан боғлиқ бўлган турли хилдаги фаолият кўринишлари ўртасида капитал қўйилмаларни ва товар-моддий ресурсларни тақсимлашдан иборат.

Диверсификациялаш ишлаб чиқариш, тижорат ва инвестиция фаолиятида иқтисодий имкониятлар даражасини оширишга хизмат қилади.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида таркибий ўзгаришлар республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни жадал ривожлантиришни, минерал ва қишлоқ хўжалик хом-ашё ресурсларидан тайёр рақобатбардош

маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишни талаб этади.

Республиканинг анъанавий ихтисосдаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарини замонавий технологиялар билан қайта қуроллантириш йўли билан уларни ривожлантириш назарда тутилди.

Мустақиллик йилларида республикада иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши борасида қуйидагиларга эришилди:

- республиканинг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўзи ҳисобидан тўла таъминланди;

- озуқабоп ғалла импортига қарамлик барҳам топди. мамлакатнинг ўз ғалла ресурслари билан таъминланганлик даражаси кескин ортиб борди, ғалла мустақиллиги қарор топди;

- ишлаб чиқаришда саноат маҳсулотлари ҳиссаси кескин ошди;

- саноатда юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, чунончи машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноатнинг ҳиссаси ортиб борди.

Таркибий ўзгартиришлар узлуксиз юз беради, уларни рағбатлантириш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади. Ҳозирги давр янги технология асри сифатида янги таркибий ўзгартиришларни юзага келтиради. Шу боис таркибий ўзгаришларни таъминлаш ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим жиҳати деб баҳолаш зарур.

Ҳозирда чуқур таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уларни қуйидаги янги йўналишларга ўтиш дастурлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мўлжалланмоқда:

- республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;

- иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

- енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш;

- юқори технологияни ва илмталаб ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида ҳудудий таркибий тузилишдаги чуқур ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Таркибий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатлари деганда, ҳудудлардаги мавжуд ресурсларга таянган ҳолда иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига устунлик бериш жиҳатидан ёндошиш керак ва бунда қуйидагиларга асосланиш талаб этилади:

- ҳудуддаги мавжуд хом-ашё ресурслари ва уларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;

- ҳудуддаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш даражаси ва имкониятларини ҳисобга олиш;

- ҳудудлар ўртасидаги саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши алоқаларининг муносиблиги ва етуклигини аниқлаш;

- ҳудуднинг экспорт имкониятлари ва уни ташқил этиш даражасини белгилаш;

- ҳудудлардаги меҳнат ресурсларининг таркибий тузилиши, иш билан бандлик даражасини инобатга олган ҳолда ҳудудлараро меҳнат ресурслари миграциясини таъминлаш шулар жумласидандир.

## **12.2. Давлат таркибий сиёсатининг мазмуни, мақсади, принциплари ва йўналишлари**

Миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалигига интеграциялашуви шароитида ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида унинг таркибий тузилишини ислоҳ қилиш назарда тутилади. Шу боис 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишларидан бири сифатида институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш деб кўрсатилиб ўтилган. Республика иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг устуворликлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

1. Ўзбекистоннинг экспортга йўналтирилган ривожланишида халқаро савдо ва жаҳон бозорида нисбий устунликка эга бўлган анъанавий тармоқларни жадал ривожлантиришга устуворлик бериш. Бу, аввало, мавжуд қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашёларни ҳамда уларнинг маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали экспортга йўналтиришга қаратилган меҳнат ва ресурс сиғимли тармоқлардир. Иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантиришнинг устувор тармоқлари – бу енгил, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошли соҳалари, газни қайта ишлаш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, туризм ва автомобилсозликни ривожлантириш ҳисобланади. Экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тузилмасини ривожлантиришда устуворлик автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, мураккаб маиший радиоэлектрон техника ишлаб чиқариш, пластмасса буюмлар саноати, дори-дармонлар ишлаб чиқариш

(маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб), информацион технология ва дастурли таъминлашга берилади.

2. Республикада ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармок тузилишини унда саноат маҳсулотлари улушини ўстириб бориш ва кишлок хўжалиги улушини пасайтириш ҳисобига сезиларли такомиллаштириш вазифаси кўйилади. Бунда иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация килиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланади. Саноат таркибида қайта ишловчи тармоқларнинг устувор суръатларда ривожланиши, экспортнинг йилга 8-10 фоиз атрофида ўсишини таъминлаб бориши зарур. Бошқача айтганда, мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш муҳим устувор йўналишига айланиши лозим.

3. Саноатда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда таркибий силжишларни бош йўналиши индустриаллаштириш, яъни қайта ишловчи саноат устуворликка эга бўлган индустриал иқтисодиётга ўтиб бориш ҳисобланади. Қайта ишловчи саноат улушини аста-секин ўстириб тармоқнинг рақобатбардошлигини кескин ошириш имконини беради.

4. Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш тузилишини такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Яъни, ЯИМ да инвестицияларнинг анча юқори улушга эга бўлишига эришиш.

2017 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича таркибини кўрадиган бўлсак, жами асосий капиталга

инвестицияларнинг 60,5 фоизи Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида (мос равишда жами инвестицияларнинг 19,8 фоизи, 16,6 фоизи, 15,9 фоизи, ва 8,2 фоизи ) ўзлаштирилди. Бу ҳудудларда амалга оширилган йирик инвестиция лойиҳаларига Кандим конлар гуруҳини ўзлаштириш ва газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши, Хисор инвестиция блоки ва Устюрт ҳудудида углеводород конларига ишлов бериш ва ишлаб чиқариш, Шўртан газ кимё мажмуасида тозаланган метан асосида суьултирилган ёқилғи ишлаб чиқариш, газни олтингугуртдан тозаловчи 3 та янги блок қурилиши, Ёшлик 1 металл конини ўзлаштириш кабиларни келтириш мумкин. Инвестиция фаоллиги кўпроқ Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилди (2016 йилга нисбатан 1,2 – 1,6 мартта кўпайиш). Қорақалпоғистон Республикасида эса ўтган йилга нисбатан асосий капиталга инвестициялар 42,4 фоизни ташқил етди.

### **12.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишни рағбатлантириш**

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга (хизматлар

кўрсатишга) ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган<sup>18</sup>.

тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилади:

300 минг АҚШ долларидадан 3 миллион АҚШ долларидагача — 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидадан 10 миллион АҚШ долларидагача — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидадан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

Мамлакатимиздаги қонунчиликка мувофиқ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари республиканинг барча шаҳарлари ва аҳоли яшаш жойларида жойлаштириш. Бундай ҳудудий чеклов туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналарга ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишга татбиқ этилмайди.

Жаҳон мамлакатларининг глобаллашуви жараёнида Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш пировардида ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда ҳал қилувчи омил сифатида экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда банкларнинг инвестицион


---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594 сонли фармони

кредитлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши банк тизимидаги молиявий барқарорликни узвий боғлиқ экани ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Чунки, иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этиш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда банклар муҳим ўрин тутди. Республикамиз тижорат банклари 2016 йилдаги инвестицион кредитларнинг салмоғи умумий берилган кредитларнинг 12 фоизини ташқил қилмоқда. Худди шу кўрсаткичлар АҚШда 32,5 фоиз, Германияда 41,5 фоиз ва Хитойда 15,3 фоизни ташқил қилади. Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики Республикамизда инвестицион кредитлар салмоғини камида икки уч баробарга кўтариш зарур. Замонавий иқтисодий муносабатларга жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи бозордаги амалий иштирокини таъминлаш, уларга қулай шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда янги бир босқични бошлаб берди. Мазкур Фармондан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароит яратишдир. Хусусан, яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи

йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш, ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни янада ривожлантиришга тўлиқ эркинлик бериш масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу билан инвестиция ва банк инвестицион кредитлари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принцип ҳамда механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислоҳ этишга эришилиши, шубҳасиз. Бугун кўпгина ривожланган мамлакатларда инвестиция муҳитини ўрганувчи, унинг мафтункорлигини баҳоловчи, аниқ хулоса ва маълумотларни инвесторлар учун тақдим этувчи махсус фирмалар, ташкилотлар мавжуд. Масалан, Швейцария, Германия каби мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири «0» дан «12» баллгача бўлган (0 – қониқарли ва 12 – ўта қулай) шкала бўйича баҳоланадиган 15 та муҳим кўрсаткични ҳисобга олган «BERI» (business environment risk index) кўрсаткичидан фойдаланади. Қуйидаги 12.3.1- расмда «BERI» индекси инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда акс эттирилган.

«BERI» индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 балл) муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, «BERI» хизмати бу борада катта обрў қозонган ташкилотдир. Мазкур ташкилот капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестицион муҳитни таҳлил қилиб, инвестицияларнинг рисклилиқ даражасини аниқлаб беради. «BERI» хизмати матбуот орқали турлича индекслар билан инвесторлар хорижий мамлакатларга инвестиция қўйишнинг хавф-хатарлилиқ, риск даражасини аниқлаб беради.



### **«BERI» индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорликни баҳолаш индекси<sup>19</sup>**

Ҳозир бундай турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар 55 дан ортиқ капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитини баҳоламоқда. Бунда мамлакат инвестицион муҳитини баҳолашдаги баллар қанчалик юқори бўлса, у шунчалик барқарор мамлакат ҳисобланади. Шу ўринда инвестицион муҳитни баҳолаш бўйича Жаҳон банки ёндашувига назар ташласак. Жаҳон банкининг чоп этилган «Ҳамма учун инвестицион муҳитни қандай шакллантириш мумкин?» мавзуида (жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши тўғрисида)ги йиллик ҳисоботида «ҳукумат ва тегишли ташкилотлар тадбиркорликни ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатувчи бозорни ривожлантириш мақсадида уларни қўллаб-қувватлайди», дейилган. Ушбу маърузада инвестицион муҳит фирмаларга ишлаб чиқариш учун инвестиция киритиш, иш

<sup>19</sup> Норов А.Р. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил.

Ўринларини ташқил этиш ва фаолиятини кенгайтиришда имкониятлар ҳамда рағбат омилларини яратиб бериши таъкидланган. Жаҳон банки ёндашувига кўра, мамлакат инвестицион муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий – меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги; - коррупция даражаси;
- суд тизимининг сифати;
- жинойтчилик даражаси;
- «солиқ юки» ва солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;
- молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;
- электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;
- ишчилар малака даражаси ҳамда меҳнат қонунчилигининг сифати.

2008–2016 йилларда ICOR коэффиценти 3,1–3,7 оралиқда ўзгариб турган. 2016 йилда Ўзбекитонга киритилган ҳар 3,3 бирлик инвестиция қўшимча 1 бирлик ЯИМ ўсишини таъминлаган. Бундай ҳолат инвестициялар яратувчанлиги сифатида эътироф этиладиган ICOR коэффицентининг мамлакатимиздаги даражаси белгиланган параметрлар доирасида эканини кўрсатади. Бинобарин, халқаро амалиётда, хусусан, Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич тараққий этган мамлакатларда 2,4–3,5 коэффицент оралиғида ижобий ҳолат сифатида баҳоланади.

## Назорат учун саволлар

1. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ва ундаги ўзгаришларни изоҳлаб беринг.
2. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартиришни белгиловчи омиллар айтиб беринг.
3. Давлат таркибий сиёсатининг мазмуни, мақсади ва йўналишлари нималар билан белгиланади?
4. Ўзбекистонда таркибий ўзгаришларнинг асосий босқичлари ва йўналишлари нималар?
5. Инвестиция сиёсатининг мазмуни ва унинг давлат иқтисодий сиёсатидаги ўрни.
6. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш йўллари қандай?
7. Ўзбекистонда давлат инвестицион сиёсатининг мақсадлари ва асосий йўналишлари.
8. «BERI» индексини тушунтириб беринг?

## **13-БОБ. АГРАР СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ**

13.1. Давлат аграр сиёсатининг моҳияти ва мақсади.

13.2. Қишлоқ хўжалиги соҳасига давлат аралашувининг зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

13.3. Ўзбекистонда аграр соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч иборалар:** аграр соҳа, давлат аграр сиёсати, қишлоқ хўжалиги соҳаси, давлат аралашувининг зарурлиги, аграр ислохотлар, қишлоқ хўжалиги таркиби, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, агросаноат мажмуаси, агробизнес, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма, агросаноат интеграцияси.

### **13.1. Давлат аграр сиёсатининг моҳияти ва мақсади**

Аграр соҳада ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ бўлади. **Ерга эгалик қилиш**, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудотлар — ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади. Бунда ер меҳнат қуроли ва меҳнат предмети сифатида қатнашади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида у ейилмайди, эскирмайди. Аксинча, агар ундан тўғри фойдаланилса, унинг унумдорлиги ошиб боради.

Ернинг ҳосил бериш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. У табиий ёки иқтисодий бўлиши мумкин. Узоқ йиллар давомида кишиларнинг ҳеч қандай аралашувисиз, табиий ўзгаришлар натижасида ернинг устки қатламида ўсимлик «озикланиши» мумкин бўлган турли моддаларнинг вужудга келиши ернинг табиий унумдорлиги дейилади.

Агар тупроқ унумдорлиги кишиларнинг табиатга таъсири натижасида, яъни тупроқ таркиби ва деҳқончилик усулларини яхшилаш сунъий йўл билан (масалан, ерни органик ва кимёвий ўғитлаш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, илмий асосланган ҳолда суғориш, ирригация ва мелиорация каби ишлаб чиқариш усулларини жорий қилиш ҳамда бошқа шу каби йўллар билан) амалга оширилса, бу иқтисодий унумдорликни ташқил қилади.

Ердан олинадиган ҳосил кўпроқ мана шу ернинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш, яъни инсоннинг, аниқроғи ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг ерга фаол таъсири билан боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш унинг омилларининг бевосита бирикиши асосида содир бўлади. Бунда ишчи кучи фаол бўлиб, асосий ролни ўйнайди. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ердан бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари хусусий, шахсий, жамоа мулк шаклида бўлиши мумкин. Турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш воситаларидан жамият барча аъзоларининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида фойдаланилади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг асосий кўринишлари фермер ва деҳқон хўжалиги шаклларида бўлиб, улардаги ишлаб чиқариш жараёнлари турли иқлим ва тупроқ шароитларида олиб борилади.

Ўзбекистонда ер давлат мулки ҳамда умуммиллий бойлик бўлганлиги сабабли ерга бўлган мулкчилик, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш масалалари алоҳида ажратиб таҳлил қилиниши лозим.

**Ерга эгалик** жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг маълум ер участкасига тарихан таркиб топган асослардаги ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги эгалик ҳуқуқини тан олишини билдиради. Ерга эгалик деганда аввало ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи ва уни иқтисодий жиҳатдан реализация қилиш кўзда тутилади. Ерга эгаликни ери бўлган мулкдор (бизда давлат) амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида таъкидланганидек «Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин»<sup>1</sup>.

**Ердан фойдаланиш ҳуқуқи** — бу ўрнатилган урф-одатлар ёки қонуний тартибда ундан фойдаланишни билдиради. Ердан фойдаланувчи ер эгаси бўлиши шарт эмас. Реал хўжалик ҳаётида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни кўпинча ҳар хил жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, хусусан ҳозир бизда асосан, деҳқон ва фермер хўжаликлари амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам тўрт омил — ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва ишчи кучи қатнашиб, бунда ер муҳим ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этади. Аммо биз аввал айтганимиздек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳамма ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан, ерни ҳаракатга келтириб, ундан унумли фойдаланадиган, унинг иқтисодий унумдорлигини оширадиган омил — ишчи кучидир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси». -Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 20-модда.

### **13.2. Қишлоқ хўжалиги соҳасига давлат аралашувининг зарурлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, турлари ва истеъмолининг ортиб бориши, рақобатнинг кучайиши бозорнинг маълум бир улушига эга бўлиш учун соҳа корхоналари фаолиятида хўжалик юритишнинг замонавий усуллари қўллаш асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Шундай йўналишлардан бири ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳисобланиб, уни энг аввало, соҳа корхоналари рақобат устунлигини таъминлаш, уларнинг табиий ресурслар (ер ва сув) ҳамда ўз иқтисодий, молиявий ва маънавий салоҳиятларидан максимал фойдаланиш ҳисобига рақобатдошликка эришишни таъминловчи тадбирлар мажмуаси сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, рақобатдошлик намоён бўлишининг асосий йўналишларидан бири - рақобатчиларникига ўхшаш маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг муайян сегментида рақобат устунликлари ҳисобига сотувлар ҳажмини кенгайтириш ўзгарувчан конъюнктурага мослашувга имкон яратади. Бугунги кунда замонавий корхоналарнинг стратегик мақсади шунчаки даромад олиш эмас, балки кўпроқ истеъмолчилар ишончини қозониш ва уларнинг талабларини мумкин қадар тўлиқ қондиришга эришиш ҳисобланади. Бунинг учун маҳсулотнинг ҳаётий цикли қонуниятлари асосида унинг ассортиментини тезкор диверсификациялаш имкониятига эга бўлмоқ лозим. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хилма-

хиллиги корхонанинг моддий-техник даражаси билан белгиланиб, доимий равишда қулай бозорларни излашга қаратилган ўзини-ўзи ташқил этиш корхона фаолиятининг асосий мезони – бозорда жон сақлаб қолиши ва ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий атамашуносликда “диверсификациялаш” – ишлаб чиқаришда янги йўналишларни очиш ёки маҳсулотнинг янги турларини яратиш билан боғлиқ жараён сифатида талқин қилинади. Яъни, диверсификациялаш – бир-бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш турларини бир вақтда ривожланиши ва маҳсулот турлари нинг кўпайишидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш деганда, бир ёки бир неча хилдаги турдош маҳсулотни ишлаб чиқаришга таянган ишлаб чиқариш тузилмасидан, бир неча йўналишни ўз ичига олган, кенг турдаги ишлаб чиқариш тузилмасига ўтиш тушуниш мумкин. Бир томондан, диверсификациялашга янги соҳаларни ўзлаштириш орқали корхонани ривожлантириш усули сифатида қаралса<sup>20</sup>, иккинчи томондан, янги технологияларни жорий қилиш, янги бозорларга кириб бориш ва янги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни сифатида ҳам қаралади. Албатта, бу тадбирлар ҳаммаси инвестицияларни талаб этади. Шундай экан, диверсификациялаш корхона стратегиясини ўзгартириш ва унга эришининг асосий воситаларидан бири бўлиб юзага чиқади<sup>21</sup>. Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришини диверсификациялашни уч асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш илмий-амалий аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз (13.2.1-расм):

---

<sup>20</sup>4. Котлер Ф. Маркетинг XXI века. Маркетинг от А до Я. Новые маркетинговые технологии. Десять смертных грехов маркетинга: пер. с англ./под ред. Т.Р. Тэор. -СПб.: Нева, 2005. - 432 с. 5.

<sup>21</sup>Зиядин С.Т. Инновации, их разработка и внедрение // Общество и экономика. - 2013 -№ 11-12. - С. 184-189.



### 13.2.1-расм. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришини диверсификациялашни уч асосий гуруҳи

- 1) ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш жараёни;
- 2) янги фаолият турларини ўзлаштириш жараёни;
- 3) капитал таркибининг ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши.

Диверсификациялашнинг стратегик афзалликлари бир неча омиллар билан таърифланади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

- синергизм салоҳияти – бу бошқарувнинг ягона тизими ҳамда назорат ва мувофиқлаштириш ҳисобига турли фаолият турларининг ўзаро бирлашувида кузатилувчи харажатларнинг қисқариши, шунингдек, капитал айланмасининг тезлашуви натижасидир;

- агробизнесни ахборотлар билан таъминланиш ҳолатини яхшилаш, маркетинг тадқиқотларининг интеграцияси;

- ишга оид алоқаларнинг доимийлиги, етказиб бериш кафолати ва турғунлиги ўз навбатида, маркетинг ва рекламага харажатларини тежаш имкониятини беради;

- технологиялар ўзгариши ҳисобига технологик ютуқ ҳамда ИТКТИни ҳамкорликда бажариш учун қулай шароит яратади;

- таъминот каналлари, маркетинг, хизмат ва сифат даражасини ошириш бўйича бажариладиган иш ҳисобига маҳсулотларни солиштириш имкониятлари яратилади<sup>22</sup>.

Шунингдек, диверсификациялаш эҳтимолдан йироқ бўлмаган рискларни ҳисобга олиш билан боғлиқ мантиқий характерга эга бўлиши шарт. Диверсификациялаш фаолиятини, бир томондан стратегик салоҳиятни амалга ошириш эҳтимоли билан, бошқа томондан эса мувозанатлашган иқтисодий ва технологик натижаларга эришиш йўли сифатида қабул қилиш керак. Бунда учта асосий муаммо юзага келади:

- янги бозорларга чиқиш харажатининг юқорилиги;

- шериклар танлаш ва диверсификациялашда мувозанатлашув ҳамда юқори мослашувчанликни корхона фаолиятига жалб этиш зарурияти;

- диверсификациялашнинг барча босқичларида инновацияларни татбиқ этиш лозим.

### **13.3. Ўзбекистонда аграр соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Аграр муносабатларни ўрганишда ҳам ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг фаол роль ўйнашини, унинг ҳамма моддий воситаларга жон ато этиб, ҳаракатга келтирувчи ролини тушунмаслик гўё капитал

---

<sup>22</sup> Просветов Г.И. Стратегия предприятий. Учеб. пособ. - М.: «Альфа-Пресс», 2010. - 84 с

фойда ёки фоида, ер эса рента яратади, деган кўпгина хато фикр-мулоҳазаларга, ёлгон тасаввурларга олиб келади. Бу масалаларни тўғри тушунишда рента муносабатларини ўрганиш муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий ривожланиш жараёнида қишлоқ хўжалиги ҳамма вақт саноат, савдо ва бошқа тармоқлар билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб келганлигини ҳисобга олиш керак. Чунки мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва қишлоқ хўжалик хомашёсидан тайёрланган товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш фақат қишлоқ хўжалигининг ҳолатига эмас, балки саноат тармоқлари билан уйғун ривожланишига ҳам боғлиқ бўлади. Худди ана шу ҳолат иқтисодиёт таркибида агросаноат мажмуасини битта пировард натижани рўёбга чиқаришга бўйсундирилган тармоқларнинг ягона, яхлит тизимини келтириб чиқариш учун асос бўлади.

**Агросаноат интеграцияси** – қишлоқ хўжалиги билан саноат, айниқса унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агросаноат интеграцияси кўп қиррали бўлиб, у ғоят хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Булар энг аввало ана шу жараён қайси даражада, яъни бутун мамлакат кўлами, вилоят доираси ёки корхона даражасида юз беришига боғлиқ.

Бутун мамлакат ва минтақалар кўламида агросаноат интеграцияси қишлоқ хўжалигининг тармоқлараро алоқалари кучайишида, иқтисодиётнинг озиқ-овқат (тармоқ) ва минтақа агросаноат мажмуалари ташқил бўлиши ва ривожланишида ифодаланади.

**Агросаноат мажмуаси (АСМ)** — бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи иқтисодиёт тармоқлари бирикмасидир. АСМ тўртта соҳани ўз ичига олади. Биринчи соҳа — қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар; иккинчи соҳа — қишлоқ хўжалигининг ўзи; учинчи соҳа — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш); тўртинчи соҳа — одамлар ҳаёти ва фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган инфратузилма (йўл-транспорт хўжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва тара хўжалиги)дан иборат.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган тармоқларни, ижтимоий инфратузилма одамлар турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳаларни (уй-жой, маданий-маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш ва ҳоказо) ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалик соҳаларидаги тадбиркорлик фаолияти агробизнес дейилади. Агробизнес тушунчасига бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасига кирмайдиган, бироқ у билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий, таъмирлаш хизмати кўрсатиш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Қисқача қилиб айтганда, агробизнес агросаноат интеграцияси натижасида вужудга келган агросаноат мажмуасининг барча бўғинларини қамраб олади.

Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмом бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Агробизнеснинг асосий шакли ва бирламчи бўғини **фермер ва деҳқон хўжаликларидир**. Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритиб, унда мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчи фермернинг ўзи ва оила аъзолари ҳисобланиб, айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам мумкин. Фермер хўжалигининг афзаллиги шундан иборатки, унда мулк ва меҳнат бевосита қўшилади, бу эса ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлайди. Фермер хўжаликлари мустақил тузилма бўлиш сабабли ўз фаолиятини бозор конъюнктурасига тез мослаштира олади. Унда иқтисодий манфаат ва пировард натижа учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташқил қилади. Буларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Агробизнес турларидан бири агрофирмалардир. **Агрофирма** маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхонадир.

Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга хос ресурсларни ишлатиб, истеъмомга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Мазкур турдаги корхоналар турли мулкчиликка асосланиши, чунончи оилавий хўжалик асосида ҳам ташқил топиб, кичик заводлар билан бирикиши мумкин. Агросаноат бирлашмалари ва комбинатлари агробизнеснинг янги турларидир.

**Агросаноат бирлашмалари** бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бир неча хўжалик ҳамда корхоналарнинг бирлашмасидир. Масалан, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи цех ва заводлар, истеъмолчиларга етказиб берувчи савдо-сотик корхоналари бир технологик жараёнга бирлашиб агросаноат бирлашмаларини ташқил қилади. Бирлашма иштирокчилари ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий мустақилликларини сақлаб қолиши билан бирга, уларнинг умумий мулки ҳам таркиб топиб боради.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Аграр муносабатларнинг мазмунини, иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини ва хусусиятларини кўрсатиб беринг.
2. «Ерга эгалик» ва «ердан фойдаланиш» тушунчаларини изоҳланг.
3. Ер рентаси назарияларининг умумий томонлари ва туб фарқларини кўрсатиб беринг.
4. Ер рентасининг асл мазмунини тушунтиринг.
5. «Ижара ҳақи» ва «ер рентаси» нинг фарқларини изоҳланг.
6. Агробизнеснинг иқтисодий моҳиятини тушунтиринг ва унинг асосий турларига тавсиф беринг.
7. Агросаноат мажмуаси ва агросаноат интеграцияси тушунчаларининг иқтисодий мазмунига ўз фикрингизни билдиринг.

## **14-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

14.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

14.2. Бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг микроиқтисодий сиёсати.

14.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш учун берилган имтиёз ва преференциялар.

**Таянч иборалар:** Бизнес, тадбиркорлик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари, бизнес ва тадбиркорлик шакллари, бизнесни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка имтиёзлар, преференциялар бериш.

### **14.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти**

Миллий иқтисодиётни янада ривожланиши ва очиқлик даражаси кўп жиҳатдан ЯИМ да хусусий секторнинг ўрни билан белгиланади. Шу боис 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш деб кўрсатилиб ўтилган.

Кичик ва ўрта бизнес бандлик муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда кичик бизнеснинг классик мамлакатлари ҳисобланган Япония (78 фоиз) ва Италия (73 фоиз) энг юқори кўрсаткичларга эга. Кичик бизнеснинг жами бандлар сонидаги

улуши бўйича Ўзбекистон анча юқори кўрсаткичга эга бўлса, Россияда мазкур кўрсаткич анчайин паст.

Барча ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг умумий сони жуда катта бўлиб, улар жами корхоналарнинг 95-99 фоизини ташқил қилади. Бироқ, фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик умумий сонидан келиб чиқиб фикр юритиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари бўйича мулоҳаза юритадиган бўлсак, у ҳолда бу кўрсаткич бўйича АҚШ (74 корхона) етакчи ўринда эканлигининг гувоҳи бўламиз. АҚШда кичик бизнес корхоналари жами корхоналарнинг 99 фоизини ташқил этади. Бу корхоналарнинг асосий қисми жуда кичик, митти корхоналар бўлиб, оила меҳнатига асосланади. Жами кичик корхоналарнинг 80 фоизида иш билан банд бўлганларнинг сони 10 кишидан ошмайди.

Мазкур кўрсаткичлар бўйича кейинги ўринларни Италия (68 корхона) ва Япония (49,6 корхона) эгаллайди. Германияда ҳар минг киши ҳисобига тўғри келадиган кичик корхоналар сони камлиги (37 корхона) Шарқий ва Ғарбий Германиянинг бирлашиши билан боғлиқ. Маълумки, Шарқий Германияда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кичик бизнес деярли ривожланмади. Ҳозирги пайтда эса Германия ерларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кичик бизнес иқтисодиётда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаради. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири шундан иборатки, кичик бизнес жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфнинг шаклланишига олиб келади. Ҳар қандай жамиятда

ўрта мулкдорлар синфи иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос ўрин тутади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари кучайиши шароитида мавқеи ошиб боришини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, иқтисодиёт ривожланишининг янги босқичида истеъмолчилар корхонанинг ҳажми (катта-кичиклиги) билан белгиланувчи миқдорий кўрсаткичлардан кўра, маҳсулот, хизмат, сифат кўрсаткичларини афзал била бошладилар. Бундай шароитда қатъий таркибга эга бўлган йирик корхоналарга қараганда, бозор муҳитига тез мослашувчан кичик корхоналар истеъмолчилар талабларига мос товарларни кўпроқ ишлаб чиқарадилар;

Иккинчидан, фан-техника тараққиётининг янги босқичи ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини кенгайтириш, кўплаб тармоқларда корхоналар ҳажмини оқилона кичрайтириш, турли хилдаги товарлар ва хизматларни таклиф этиб, таклифнинг индивидуаллашувини таъминлаш билан бирга, кичик корхоналарни уларнинг ҳажмига мувофиқ келувчи техника билан таъминлади. Микропроцессорлар, мини ускуналар, мини ЭХМлар ва бошқалар ана шундай техникалар жумласидандир. Бунинг асосида эса, бугунги кунда доимо йирик ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланган металлургия соҳасида ҳам йирик корхоналар билан бемалол рақобатлаша оладиган кичик бизнесни ташқиллаштириш одатий тусга айланмоқда.

Учинчидан, ҳозирги кунда истеъмолчининг психологияси товар ва хизматларни истеъмол қилишга нисбатан ўзгарди. У бугунги кунда стандарт маҳсулотлар сотиб олишни, бир хил кийим кийишни, бир хил машинада юришни истамайди, яъни талаб кундан-кунга

дифференциялашиб бормокда, десак муболаға бўлмайди. Шу боис, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йирик корхоналарнинг рақобатчиси, ишлаб чиқариш ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишининг ички бозорни товар ва хизматлар билан тўйинтиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

#### **14.2. Бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг микроиқтисодий сиёсати**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш вазифасини амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор фармон ҳамда қарорлар қабул қилинган. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишга шарт-шароит яратиш бўйича муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадаллаштириш ҳамда унинг янада ривожланиши учун тегишли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит яратишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 24 январдаги Фармони муҳим аҳамият касб этади. Унга биноан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарурий шароит яратиш, уларни молиявий, моддий-техникавий ресурслар билан таъминлаш, тадбиркор ва хорижий инвесторлар манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун иқтисодий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш вазифаси белгиланган.

Хусусий тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишлари учун етарли ҳуқуқий, иқтисодий шароитни вужудга келтириш мақсадида 2003 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташқил этиш механизмини осонлаштириш мақсадида «Тадбиркорлик фаолиятини ташқил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилди. Уларни давлат рўйхатидан ўтказадиган ташкилот, яъни туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташқил этилди. Республика бўйича ташқил этилган 210 та инспекция 2003 йил 1 октябрдан ўз фаолиятини бошлади. Улар тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш билан бир вақтда уларни солиқ ва статистика органлари ҳисобига қўйишади, штамп ва муҳр тайёрлашга рухсат беради, инженерлик коммуникациялари, яъни газ, энергия, сув, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқасига қўшилишга ҳамда уй-жойни корхона учун объектга айлантиришга, тадбиркорлик объектларини қуриш ва реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради.

Бизнесни бошлашга имкон яратувчи, рўйхатга олиш, ундан кейинги жараёнларни янада соддалаштириш ва енгиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майда қабул қилган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш бўйича хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорга кўра,

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган регламенти, аниқ муддат ва дақиқа (соат)лари кўрсатилган схемаси амалга оширилмоқда. Рўйхатдан ўтиш муддати 7 иш кунидан 2 иш кунига қисқартирилди.

Шунингдек, рухсат бериш билан боғлиқ кўпгина жараёнлар такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш таомиллари турларини қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисида”ги Қарорига биноан, 12 та бир-бирини қайтарувчи, ортиқча рухсатнома ва келишувлар бекор қилинди.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтганидан кейинги фаолиятини тартибга солишга доир ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, Ўзстандарт, Ўзгеодезкадастр ва шу каби тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан муносабатларни тартибга солиш, бажарилган ишлар учун тўловлар миқдорини камайтириш ҳамда қатъий шкаласини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тадбиркорлик субъект-ларини қўллаб-қувватловчи Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ва унинг жойлардаги бўлинмалари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашлари, уларнинг мониторингини юритишлари ҳамда юзага келган муаммоларнинг сабабларини аниқлаб, уларни ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, ҳукуматга ёки Ишбилармон тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик

партиясининг Олий Мажлисидаги фракциясига тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, эркин тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш мақсадида тадбиркорлик корхоналари раҳбарларининг ҳуқуқшунос маслаҳатчилари, адвокатлари ҳам бўлишини таъминлаш, уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўргатадиган, ҳуқуқий билим ҳамда малакаларини оширишлари учун ўқув марказлари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, «Тадбиркор аёл» уюшмасининг жойлардаги бўлинмаларида адвокатлар штатини ташкил этиш ҳамда уларга аъзо тадбиркорларга имтиёзли нархларда хизмат кўрсатишларини таъминлаш лозим.

### **14.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш учун берилган имтиёз ва преференциялар**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвестицион фаолликнинг ортиши билан, балки нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан берилаётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда.

Хусусан, сўнгги 5 йил давомида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон

Республикасининг рейтинги 2 баравардан ортиқ яхшиланиб, мамлакатимиз жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, сўнгги ҳисоботда мамлакатимиз бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислоҳотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди.

Энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамжамиятда мамлакатнинг ижобий қиёфасини шакллантириш, ҳудудларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш юзасидан якуний натижаларга эришиш учун ваколатли органлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

Белгилаб қўйилдики:

инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсади – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги (кейинги ўринларда “Бизнес юритиш” ҳисоботи деб юритилади) **жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги** даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишдир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги “Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ҳамда бу йўналишда Жаҳон банки ва

Халқаро молия корпорацияси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни;

“Бизнес юритиш” ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада ошириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро амалий ҳамкорликни;

Жаҳон банки гуруҳи экспертлари ва “Бизнес юритиш” жамоаси билан Ўзбекистон Республикасининг ўрнини асослаш бўйича музокаралар ўтказиш учун ҳар йили идоралараро ишчи гуруҳни Вашингтон шаҳрига (АҚШ) юборишни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда

энг муҳим халқаро рейтингларни ва таркибий индикаторларни, уларни шакллантириш методологиясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индексларда охириги икки йилда эгаллаб турган мавқеини чуқур ўрганишни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда

2019 йил 1 январга қадар муддатда тегишли халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг мавқеини яхшилаш

бўйича аниқ таклифлар тайёрлашни таъминлаш кераклиги келтириб ўтилган.

Ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда ҳар йили:

февраль-март ойларида “Бизнес юритиш” ҳисоботини тайёрлаш доирасида Жаҳон банки экспертлари томонидан юбориладиган саволномаларни ўрганилаётган йўналишларда амалга оширилган ислоҳотлар ва қонун ҳужжатлари нормаларини инобатга олган ҳолда сифатли ва ўз вақтида тўлдиришни;

15 ноябрга қадар эълон қилинган “Бизнес юритиш” ҳисоботи натижаларини ўрганишни ҳамда у бўйича кейинчалик Жаҳон банки ва “Бизнес юритиш” жамоасига тақдим этиш учун ўрганилаётган ҳар бир йўналиш кесимида асослантирилган далиллар ва статистик маълумотлардан иборат шарҳларни тайёрлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда:

“Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар

ва уларнинг натижалари ҳақида ушбу қарорнинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар чорақда эшитиб борсин, кейинчалик тегишли йўналишларда бизнес юритиш учун шарт-шароитларни яхшилашни таъминламаган раҳбарларга нисбатан чора кўриш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичи рейтинг тузиш методологияси талабларига мувофиқлигини баҳолаган ҳолда “Бизнес юритиш” ҳисоботларини танқидий ўрганиб борсин ва ҳар йили 1 декабрга қадар “Бизнес юритиш” ҳисоботида республиканинг алоҳида кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида ишбилармонлик муҳити ва қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”ни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”га мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг техник кўмаги, грантлари ва кредитларини жалб этиш юзасидан зарур ташкилий-амалий чора-тадбирларни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ҳамда “Бизнес юритиш” ҳисоботи йўналишлари юзасидан қонун ҳужжатлари талабларининг амалиётга жорий этилишини ҳолисона баҳолаш учун ҳар йили тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шу жумладан, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва таклифларини муҳокама қилиш бўйича махсус портал орқали сўровлар ўтказиш белгилаб қўйилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

- тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамидан турли тўловлар учун рухсатсиз пулни чигириб олишни қатъиян ман этиш. Ҳар қандай тўловлар учун пул ўтказиш фақат унинг эгасининг рухсати ёки суд қарори билан амалга оширилиши керак;

- тадбиркорларга улар банкда очган ҳамма ҳисоб рақамидан қонунда ман қилинмаган исталган турдаги тўловлар учун фойдаланишга рухсат бериш;

- тадбиркорлик субъектлари ўз маблағидан хўжалик фаолиятида нақд пул ёки пул ўтказиш кўринишида тенг фойдаланишга имкон берувчи тартиб ўрнатилиши лозим. Нақд пулсиз операциялар ўтказишнинг афзаллигини таъминловчи тизим ва тартиб шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир;

- тижорат банклари ўз мижозлари ҳақида солиққа тортиш идораларига маълумот етказишдан озод қилинишлари лозим. Тўланмаган солиқ ва бирор иш юзасидан текширув олиб борилаётган ишлар бундан мустасно бўлиши керак;

- микрокредитлаш устувор равишда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун берилиши керак. Ана шунда улар ёрдам олувчилардан ўзини ўзи боқувчи ва солиқ тўловчига айланади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун муҳим муаммолардан бири моддий-техника ресурслари билан таъминланиш ҳисобланади. Ҳозирги даврда уларни моддий хом ашё ресурслари билан таъминлашда товар хом ашё биржаси, улгуржи савдо ташкилотларининг роли ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сонли “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг

рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан бизнесни ташқил этиш бўйича янги талабалар белгиланди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Бизнес ва тадбиркорлик тушунчаларининг мазмуни нималарни ифодалайди?

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қандай ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга?

3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун қандай имконият ва шарт-шароитлар яратилган?

4. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда қандай роль ўйнамоқда?

5. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида қандай муаммолар мавжуд? Бу муаммоларни ҳал этиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим деб ўйлайсиз?

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этишда кичик бизнес қандай роль ўйнайди?

7. Истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини рағбатлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим, деб ўйлайсиз?

## **15-БОБ. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишининг истиқболлари**

15.1. Минтақавий иқтисодиёт.

15.2. Давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари ва мақсадлари.

15.3. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларидаги фарқлар ва уларни тенглаштириш муаммолари.

**Таянч иборалар:** ҳудудлар, минтақалар, ҳудуд қтисодиёти, ЯҲМ, минтақавий сиёсат, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фарқлар, ҳудудлараро меҳнат тақсимоти, ҳудудлар шлаб чиқариш таркиби, иқтисодий ҳудудлар, комплекс ривожлантириш, ҳудудлар ривожланиши.

### **15.1. Минтақавий иқтисодиёт**

Минтақа – мамлакат ягона халқ хўжалиги мажмуасининг ҳудудий кичик тизими ҳисобланади. У демографик, табиий-экологик, ижтимоий-иқтисодий ва техник-иқтисодий жараёнларнинг ички алоқаси ва ўзаро муносабати туфайли ҳосил бўлган яхлит бирликдир. Бинобарин, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги ҳамда унда эркин бозор муносабатларининг жорий этилиши миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг ривожланишига имкон беради. Мамлакатдаги ҳар бир ҳудуд ўзининг иқтисодий салоҳиятига асосланиб иш юритиши, мавжуд ички ресурслардан оқилона фойдаланиши ва дунё миқёсида республика нуфузининг ортишига ўз ҳиссасини қўшиши орқали минтақа иқтисодиёти тараққий этиб боради

Маълумки, ҳар қандай сиёсат, субъектнинг объектга бўлган муносабатини билдиради ва у муайян тамойиллар ва усуллар мажмуасидан таркиб топади. Агар уни алоҳида шахс ёки раҳбар мисолида эмас, давлат даражасида кўрадиган бўлсак, у ҳолда сиёсат,

Энг аввало, икки йуналишда бўлади.

Ўз навбатида ташқи сиёсат турли йуналишлардан иборат. У, авваламбор, бошқа давлатлар билан тинч-тотув яшаш, иқтисодий, маданий, фан-техника, глобал экологик муаммоларни ҳал қилишдаги ҳалқаро алоқаларни ўз ичига олади.

Давлатнинг иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги роли, шунингдек, айрим хўжалик тармоқларининг ўтиш даврида бевосита унинг қарамоғида қолиши билан асосланади. Бундан ташқари, фақат давлат стратегик вазифалар, ҳалқаро муносабатлар ва ички минтақавий сиёсатни амалга оширади. Аммо, шу билан бирга, ўтиш даврида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда баъзи бир камчиликларга йўл қўйиш хавфи туғилади.

Улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ҳудудларга эркинлик берилиши айни вақтда уларнинг хўжалик тизимини ўзича, назоратсиз ривожланиши, минтақавий ҳтисодиётнинг миллий иқтисодиётга мувофиқлашмаслик хавфи;

- ҳудудий меҳнат тақсимотини яхши бошқармаслик оқибатида минтақаларда иқтисодиёт самарадорлигининг пасайиши;

- ички районлар ва минтақалараро иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланмаслиги, турли даражадаги бозорлар шаклланишининг қийинлашуви;

- ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутларнинг сакланиб қолиши;

- табиий ресурслардан шошма-шошарлик билан нотўғри фойдаланиш, экологик муаммоларнинг юзага келиши ва кескинлашуви;

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришда нисбий

афзаллик (Д.Рикардо) қонунининг бузилиши;

- ишлаб чиқаришнинг нотўғри регионлашуви, экспорт-импорт жараёнини амалга оширишдаги баъзи қийинчиликлар ва ҳоказо.

Табиийки, юқоридаги камчиликлар давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир қилади. Зеро, тўғри бошқарилмаган ва ташқил қилинмаган демократия бебошликка олиб келиш мумкин. Худди шундай, ҳудудлар ривожланиши туғри тартибга солинмаса, бошқарилмаса минтақаларда эркин рақобат муҳити, очиқ иқтисодий муносабатлар тулакони вужудга келмайди; бундай шароитда «регионал худбинлик» аломатлари пайдо бўлиш эҳтимоли сакланиб қолади.

Демак, ўтиш даври иқтисодиёти, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ҳудудий ташқил қилишининг давлат томонидан тартибга солиб борилиши объектив қонуниятдир. Ушбу вазифа энг аввало давлатнинг минтақавий сиёсати орқали амалга оширилади.

Минтақавий сиёсатнинг зарурияти бир вақтнинг ўзида барча ҳудудлар иқтисодиётини бир даражада ривожлантириб бўлмаслигидан келиб чиқади, Бинобарин, минтақавий сиёсат ривожланиши мумкин ва мамлакат учун муҳим бўлган устувор йўналиш ва тармоқларга қаратилади. Шу мазмунда у минтақавий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, Амалий (конструктив) йўналиши ҳисобланади; минтақавий сиёсат ҳудудлараро ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги вазиятни динамик ҳолда мувофиқлаштириш ва бақарорлаштиришга ҳаракат қилади.

Минтақавий сиёсатнинг асосий мақсади қуйидагилар:

- ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни юмшатиш ва қисқартириш;

- маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиш асосида

минтақавий ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш;

- минтақалар ёрдамида мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтариш, иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

- жойлардаги ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш;

- шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларини ривожлантириш, урбанизация ҳамда миграция жараёнларини тартибга солиш ва бошқариш;

- ишлаб чиқариш кучларини тўғри ҳудудий ташқил этиш;

- аҳоли бандлигини яхшилаш ва ҳоказо.

Юқоридаги стратегик мақсадларга турли йуллар ёрдамида эришилади. Бунинг учун авваламбор ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини мутлақ кўринишида тенглаштириш ғоясидан воз кечиш талаб қилинади. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш, очиқ иқтисодиёт юритиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш лозим. Хорижий сармоядорларни жалб қилган ҳолда ўзаро манфаатли қўшма корхоналар қуриш, турли йўналишдаги эркин иқтисодий минтақаларни шакллантириш ҳудудлар ривожланишига катта туртки беради.

Минтақавий сиёсат алоҳида ҳудудларни танлаб олиш асосида амалга оширилади, натижада иқтисодий ландшафт қутбийлашади, ўсиш қутб ва марказлари вужудга келади. Ҳар хил омил ва шароитларни атрофлича таҳлил қилиш ва ривожланиш имкониятларини баҳолаш орқали саралаб олинган у ёки бу ҳудуд иқтисодиёти юксалгандан сўнг навбат мамлакатнинг бошқа ҳудудига ўтади. Натижада, иқтисодий ривожланиш ҳам ҳудудий циклик ёки даврийлик, «географик узун тўлқинлар» хусусиятига эга бўлади. Шу сабабдан, маълум муддатда танланган ҳудуд ижтимоий-иқтисодий

ривожланишига урғу берилиши бошқа ҳудудни камситиш, имтиёзларини чеклашни англамайди. Чунки, кейинчалик бу ҳудудга ҳам худди шундай эътибор берилади. Аммо минтақавий сиёсат ҳудудларнинг ўзларини ҳам фаоллигини назарда тутди. Шунинг учун маҳаллий ҳокимиятнинг бу борада изланувчан, тадбиркор бўлиши талаб этилади.

Минтақавий сиёсат ўз мохиятига кўра ташқи сиёсатдан (геосиёсатдан) фарқ қилиб, у мамлакатнинг ички ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йуналтирилган бўлади. Унинг даражалари ҳам хар хил. Масалан, мамлакат ичқарисига нисбатан 2 даражадаги сиёсат ажратилади: давлатнинг минтақавий сиёсати, яъни мамлакат ҳокимиятининг турли ҳудудларга (жумладан, вилоятларга) нисбатан тутган сиёсати ҳамда минтақаларнинг ўзини сиёсати — вилоят ҳокимиятининг қишлоқ туман ва шаҳарлар ривожланишига муносабати. Ҳар қандай шароитда ҳам ушбу сиёсатни юргазувчи юридик ташкилот республика ва вилоятлар ҳокимияти ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ҳудудий жиҳатдан янада юқорироқ ёки қуйироқ боскичда куриш мумкин. Чунончи, қишлоқ тумани ҳокимлигининг ҳам ўзининг ички сиёсати бўлади. Айни вақтда давлат даражасидан юқорида тўрган давлатлараро минтақавий сиёсат ҳам мавжуд. Бунда минтақа сифатида алоҳида давлатлар ёки кушни мамлакатларнинг туташ ҳудудлари назарда тугилади. Масалан, Европа Иттифоки микёсида ана шундай минтақавий сиёсат олиб борилади. Келажакда худди шундай даражадаги минтақавий сиёсат бошқа ҳудудий иқтисодий иттифоклар даражасида ҳам қўлланилиши мумкин.

## **15.2. Давлат минтақавий сиёсатининг моҳияти, принциплари ва мақсадлари**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарув органларининг нафақат республика миқёсидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга, балки ишлаб чиқаришнинг ҳудудий даражадаги кўрсаткичларига ҳам эҳтиёжи кучайди. Натижада МХТнинг ҳудудий кўрсаткичларидан бири бўлган – ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ва унинг таркибий қисмларини акс эттирувчи кўрсаткичлар минтақа иқтисодиётининг ривожланиш истиқболларини белгилаш учун асос сифатида қараладиган бўлди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аҳамияти – республиканинг иқтисодий қудратига баҳо беришга ҳудудий жиҳатдан ёндашиш, алоҳида ҳудудлар субъектларининг иқтисодий фаолият натижалари ва уларнинг мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражасини баҳолаш ва ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини аниқлашда намоён бўлади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) – муайян давр мобайнида (бир йилда) минтақа ҳудудида барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқарилган жами товар ҳамда хизматларнинг қийматини ўзида намоён этади. Ялпи ҳудудий маҳсулот яхлит ҳолдаги мамлакат иқтисодиёти учун ҳисобланувчи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нинг ҳудуд даражасидаги кўриниши ҳисобланади.

Миллий ҳисоблар тизимини ҳудудлар бўйича тузишдан асосий мақсад - мамлакатнинг алоҳида ҳудудлари бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш учун макроиқтисодий маълумотлар базасини ташқил қилишдан иборатдир. Ушбу маълумотлар базаси алоҳида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳамда уларнинг жорий даврдаги иқтисодий

аҳволини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичларни олиш, ҳудудларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини аниқлаш, жойларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги ҳамда мамлакат ичидаги алоҳида ҳудудларнинг ривожланиш даражасини ўзаро таққослаш имкониятини бериши зарурдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда республикамизнинг турли ҳудудларида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Лекин ушбу соҳада қўлга киритилаётган натижалар турли хил ҳудудларда бир-биридан фарқланади. Бунга асосий сабаб мамлакат миқёсида ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларнинг жойларда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари томонидан турлича даражада олиб борилишидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ЯҲМни ҳисоблаш жараёнида асосий усул – қўшилган қийматлар усули ҳисобланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ЯИМни қўшилган қийматлар ва даромадлар усули бўйича ҳисоблаш яҳлит иқтисодиётнинг алоҳида соҳа ва тармоқлари миқёсида олиб борилса, ялпи ҳудудий маҳсулотни ушбу усуллар бўйича ҳисоблаш эса фақатгина тармоқлар бўйича олиб борилади.

ЯҲМни жорий ва ўзгармас нархларда ҳисоблаш минтақа иқтисодиётига объектив баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга. Лекин ЯҲМни бундай тарзда ҳисоблаш жараёнида мамлакат миқёсида ЯИМни ҳисоблашда қўлланиладиган умумий тамойиллар ўзгармай қолади.

Илмий кузатишларимиз шунинг кўрсатдики, мамлакатимизда ЯҲМнинг алоҳида унсурларини харажатлар усули бўйича ҳисоблаш фақатгина маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш мақсадларида амалга оширилмоқди. Чунки ҳозирги кунда ЯҲМнинг

харажатлар бўйича кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича тўлақонли ҳисобламаларни тузиш имконини бермайди. Бунга асосий сабаб зарур бўлган ахборот манбаларининг етарли даражада эмаслигидадир. Масалан, муайян бир ҳудудда уй хўжаликларининг пировард истеъмол учун қилган харажатларини ҳисоблаш учун уларнинг шу ерда харид қилган товар ва хизматлари қийматига ушбу ҳудуд резидентларининг ташқаридан (бошқа ҳудуддан) сотиб олган товарлар ва хизматлари қиймати қўшилиши керак. Ушбу ҳудуддаги норезидентларнинг шу ерда харид қилган товар ва хизматларни сотиб олиш учун қилган харажатларини эса айириб ташлаш керак.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб шундай хулосага келишимиз мумкинки, ҳудудий миқёсда уй хўжаликларининг пировард истеъмол харажатлари бўйича кўрсаткичларга эга бўлиш учун қуйидагича қўшимча маълумотлар зарур бўлади:

Муайян ҳудуд резидентларининг ташқаридан ҳамда норезидентларнинг ушбу ҳудуддан харид қилган товар ва хизматларининг қиймати ўртасидаги фарқни ҳудудлар бўйича тақсимлаш;

Муайян ҳудуд резидентларининг бошқа ҳудудларда қилган харидлари тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни тўплаш.

Ялпи ҳудудий маҳсулотни жорий бозор нархларида ҳисоблаш бизга қуйидаги имкониятларни беради:

Минтақавий иқтисодиётнинг таркибини аниқлаш;

Ҳудудлар бўйича истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатни аниқлаш;

ЯХМ билан маҳаллий бюджетдаги камомадни аниқлаш.

Аммо жорий нархларда ҳисобланган ЯХМнинг қиймати минтақа иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолатини тўғридан-тўғри акс эттира

олмайди. Чунки товар ва хизматларнинг ҳажми ўзгармаган ёки камаймаган ҳолларда ҳам нархнинг ошиши эвазига ЯХМнинг ҳам ўсиши содир бўлиши мумкин. Ваҳоланки, жамиятнинг эҳтиёжини фақат товар ва хизматлар қондира олади. Товар ва хизматларнинг қанча (пулда) туришига қараб эмас, уларнинг миқдор ва сифатига қараб истеъмол юз беради. ЯХМнинг ҳақиқий динамикаси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун уни ҳисоблашда нархнинг таъсирини бартараф этиш, яъни ЯХМни ўзгармас нархларда ҳисоблаш зарур.

### **15.3. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларидаги фарқлар ва уларни тенглаштириш муаммолари**

ЯХМ ва унинг таркибий қисмларини ўзгармас нархларда ҳисоблаш ушбу кўрсаткичнинг физик ҳажми индексини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. ЯХМнинг физик ҳажмини ҳисоблаш минтақа иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, иқтисодий конъюктура ва таркибий ўзгаришлардаги натижаларни ҳамда шу орқали минтақанинг иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилашда жуда катта ёрдам беради. Айнан шу кўрсаткич ЯХМ ҳажмининг ҳақиқий ўзгаришини, яъни реал ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажмини ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, ЯХМнинг физик ҳажми индекси қуйидаги формула ёрдамида аниқланаш мақсадга мувофиқдир:

$$J_q = \sum q_1 p_0 / \sum q_0 p_0 \quad (3)^{23}$$

Бу ерда:  $J_q$  – ЯХМ физик ҳажмининг индекси;

$q_1$  ва  $q_0$  – жорий ва базис даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар ҳажми;

---

<sup>23</sup> Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. –Т.: «Мехнат», 1998. –Б. 149.

$p_0$  – ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг базис даврдаги нархи;

$\sum q_1 p_0$  - жорий даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати (базис нархларда);

$\sum q_0 p_0$  – базис даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати (базис нархларда).

Бу индексни ҳисоблашда нарх ўзгаришсиз олинади, яъни ҳар иккала давр учун ҳам базис даврдаги нарх ( $p_0$ ) қатнашади.

Мамлакатнинг алоҳида ҳудудлари учун ЯҲМ дефляторини ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. ЯҲМнинг дефлятори жорий даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар бирлиги нархининг базис даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар бирлиги нархига нисбатан қандай даражада ўзгарганлигини ифодалайди. У номинал ЯҲМ ҳажмини реал ЯҲМ ҳажмига бўлиш ёрдамида аниқланади:

$$\text{ЯҲМ дефлятори} = \text{Номинал ЯҲМ} / \text{Реал ЯҲМ} \quad (4)^{24}$$

Бу кўрсаткич ёрдамида жорий даврдаги турли маҳсулотларнинг ўртача нархини базис даврдаги ўртача нарх билан таққослаш имконияти туғилади. ЯҲМ минглаб турдаги моддий неъматлар ва хизматларни ўз ичига олганлиги учун улар бўйича ўртача нархни ҳисоблаш имконияти ниҳоятда мураккаб жараён. Шу сабабли ЯҲМ дефлятори истеъмол саватчасига киритиладиган моддий неъматлар нархлари асосида ҳисобланади.

Республикамизда Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат Статистика қўмиталари ҳамда уларнинг жойлардаги ташкилотлари томонидан истеъмол саватчасига киритилган товар ва хизматлар нархларининг ўзгариши муттасил равишда кузатиб борилади ҳамда шу нархларга асосланиб дефлятор ҳисобланади:

---

<sup>24</sup> Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. –Т.: «Мехнат», 1998. –Б. 152.

$$D_1 = IC_1(P_1) / IC_1(P_0) \quad (5)^{25}$$

Бу ерда:  $D_1$  – жорий йил дефлятори;

$IC_1(P_1)$  – жорий даврдаги истеъмол саватчасининг қиймати (жорий нахларда);

$IC_1(P_0)$  – жорий даврдаги истеъмол саватчасининг қиймати (базис нахларда).

Агар дефлятор бирдан катта бўлса, у ҳолда минтақа инфляцион ёки аксинча бўлса, дефляцион жараёни бошидан кечираётган бўлади. Дефлятор ёрдамида ҳар бир кишининг, оиланинг ва барча аҳолининг турмуш даражаси қандай ўзгараётганини аниқлаш мумкин.

Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳам ялпи ички маҳсулотни ҳам ҳисоблаш тамойиллари ва услубияти бир хил ҳисобланади. Лекин ушбу тамойил ва услубиятларни ҳудудий ҳисоб-китоб жараёнларида қўллаш масалалари ҳозиргача долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Натижада, мамлакатимизда ҳудудлар бўйича макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш жараёнида турли хил қийинчиликлар юзага келмоқда. Булар миллий ҳисоблар тизимини тузишнинг асоси бўлган ҳудудий миқёсдаги резидентлик\* тамойили билан боғлиқдир. Унга кўра ҳар бир минтақа - алоҳида мустақил иқтисодий ҳудуд сифатида, улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар эса иқтисодий бирликлар ўртасидаги алоқа сифатида қаралиши зарур. Ушбу тамойилнинг ҳудудлар бўйича иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш жараёнида қўлланилиши ҳозирги кунда мамлакатимизда ўз ечимини топмаган асосий муаммолардан биридир. Чунки резидентлик тамойили асосида ҳудудий кўрсаткичларни ҳисоблаш

---

<sup>25</sup> Ўша манба. –Б. 153.

\* Резидент бу - иқтисодий манфаати муайян мамлакатнинг иқтисодий ҳудудига қаратилган институцион бирликлардиради.

учун зарур бўлган ахборотлар етарлича даражада тақдим қилинмайди.

Ушбу тамойилнинг ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда қўлланилиши унча катта қийинчилик туғдирмайди, чунки муайян ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар турли хил ҳисоботлар орқали етарли даражада тақдим қилинади. Шундай экан, мамлакатимизда ЯХМни қўшилган қийматлар усули бўйича ҳисоблашни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Лекин ҳозирги кунда резидентлик тамойилининг даромадлар бўйича бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш жараёнида қўлланилиши катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Чунки бошқа бир ҳудуд ёки мамлакат резиденти бўлган уй хўжаликларининг муайян (ушбу) ҳудуддан олган даромадлари бўйича маълумотларни аниқлашнинг имконияти йўқ. Бундан ташқари, муайян (ушбу) ҳудуд резиденти бўлган уй хўжаликларининг ҳам, бошқа бир ҳудудлардан олган даромадлари бўйича ахборот манбалари мавжуд эмас. Бу эса ҳозирги кунда нафақат Ўзбекистонда балки бутун дунёда МҲТ соҳасидаги энг асосий муаммолардан биридир.

Резидентлик тамойилининг товар ва хизматлар оқимини ҳисоб - китоб қилиш жараёнида қўлланилиши ҳам катта қийинчиликларни юзага келтиради. Чунки бундай ҳисоб-китобларни юритиш учун бошқа бир ҳудуд резиденти ҳисобланган уй хўжаликларининг ушбу ҳудуддан харид қилган товар ва хизматлари, ҳамда ушбу ҳудуд резидентларининг бошқа ҳудудлардан харид қилган товар ва хизматлари тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлади. Бундай маълумотларни тўплашнинг ўзи жуда катта муаммодир.

Бизнинг фикримизча, ҳозирча бундай маълумотларни тўплашнинг имконияти йўқ. Чунки бу масала кўпроқ аниқ статистик ва амалий аҳамиятга эга бўлган, узок муддатли даврни ҳамда изчил чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳозирча пировард истеъмолнинг алоҳида таркибий қисмларини ҳисоблаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳисоб-китоблар муайян ҳудудда жойлашган уй хўжалиklarининг (резидентлар ҳам норезидентлар ҳам), давлат бошқарув органларининг ва уй хўжалиklarига хизмат кўрсатувчи ноижорат ташкилотларининг пировард истеъмол учун қилган барча харажатлари ҳамда асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши кўрсаткичларини ўз ичига олиши зарур.

Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблаш жараёнидаги концептуал муаммолардан яна бири бу – марказий бошқарув органларининг хизматларини ҳудудлар бўйича тақсимлаш масалаларидир. Бу кўпроқ миллий ва ҳудудий кўрсаткичлар ҳамда уларнинг таркибий қисмларининг бир-бирига мувофиқ келмаслик ҳолатлари билан боғлиқдир.

Марказий бошқарув органларига тегишли бўлган ташкилотлар мамлакатнинг турли хил ҳудудларида ўз вазифаларини бажарадилар, яъни иқтисодиётнинг бошқа секторларига ҳар хил хизматлар кўрсатадилар. Лекин улар тегишли вазирлик ёки бошқарма томонидан бевосита назорат қилинади ва молиялаштирилади. Шунинг учун ҳам ушбу ташкилотлар аксарият ҳолатларда ўз фаолиятлари тўғрисида маҳаллий бошқарув органларига ҳисобот бермайдилар. Улар асосан бутун бир мамлакат бўйича иқтисодиётнинг барча субъектларига турли хилдаги ижтимоий хизматларни кўрсатадилар. Булар, муҳофаа, фан, маданият ва шу

каби хизматлардир. Улардан айримлари эса ҳудудий миқёсда индивидуал хизматларни таклиф қиладилар (резидентларга ҳам, норезидентларга ҳам). Булар, марказий бошқарув органларига тегишли бўлган таълим муассасаларининг хизматлари, тиббий хизматлари, маданий хизматлар ва шу кабилардир.

МДХ мамлакатлари марказий бошқарув органларига тегишли бўлган муассасалар кўрсатаётган хизматларининг натижаларини ҳудудларга киритиш масалаларига турлича ёндашадилар:

Россия, Туркменистон ва Украина давлатларида марказий бошқарув органларининг бошқармалари қаерда жойлашишидан қатъий назар, уларнинг бўлимлари томонидан кўрсатилган хизматлар натижаларини ўша бўлимлар қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса, ўша ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари таркибига киритишади;

Озарбайжон марказий бошқарув органларининг бошқармалари қайси ҳудудда жойлашган бўлса, уларнинг бўлимлари томонидан кўрсатилган хизматлар натижаларини ҳам ўша ҳудудга киритади;

Грузия, Қирғизистон, Тожикистон\* ва Ўзбекистон\* умуммиллий маълумотларни (кўрсаткичларни) мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича тенг тақсимлайдилар.<sup>26</sup>

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда ушбу масалани ижобий ҳал қилиш учун биринчи ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай ёндашув миллий ҳисобламаларни ҳудудий миқёсда тузиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда ҳудудлар бўйича иқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлиги ва ишончлилигини оширади. Бундан ташқари алоҳида ҳудудлар бўйича давлатнинг одилона

---

\* Фақат индивидуал хизматлар натижалари.

<sup>26</sup> Иванов Ю.Н. «Вопросы статистики», 2007. №12. стр. 11

иктисодий-ижтимоий сиёсат олиб боришини осонлаштиради. Қолаверса, ЕМХТ-95 андозаси ва Евростатнинг ушбу масалага доир тегишли хужжатларида ҳам юқорида кўрсатилган биринчи ёндашувга алоҳида эътибор қаратилган.

ЯҲМни жорий ва ўзгармас нархларда турли хил усуллар бўйича ҳисоблаш жараёнида ҳисоб-китоб ишларини ташқил қилиш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Худудлар бўйича ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларни ҳисоблашни ташқил қилишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

“Пастдан юқорига” ҳисоблаш усули;

“Юқоридан пастга” ҳисоблаш усули;

Аралаш усул.

“Пастдан юқорига” ҳисоблаш усулида – ишлаб чиқариш натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар муайян худуд миқёсида тўпланади. Кейин эса ушбу кўрсаткичлар умумлаштирилади. Барча худудлар бўйича умумлаштирилган кўрсаткичлар мамлакат бўйича ишлаб чиқариш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларга тенг бўлиши керак. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, бунда муайян бир худуд миқёсидаги ахборот манбаларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин. Бу усулни қўллашдаги қийинчилик эса – худудий ва миллий кўрсаткичларнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминловчи ҳисобламаларнинг етишмаслигида намоён бўлади.

“Юқоридан пастга” ҳисоблаш усулида – ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар мамлакат миқёсида тўпланади. Кейин бошқа билвосита кўрсаткичлар ёрдамида ушбу маълумотлар худудлар бўйича тақсимланади. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, унда миллий ва худудий кўрсаткичлар

аввалбошдан бир-бирига мувофиқлаштирилиб борилади. Салбий жиҳати - ҳудудий маълумотларни йиғиш билвосита кўрсаткичларга асосланганлиги учун тўпланаётган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигини сусаяди.

Аралаш усул бу – юқорида кўрсатилган иккита усулнинг уйғунлашган ҳолда қўлланилишидир. Бунда муайян ҳудуд миқёсидаги кўрсаткичлардан қисман фойдаланилади. Фақатгина мамлакат миқёсида қўллаш мумкин бўлган кўрсаткичлар эса, “юқоридан пастга” йўналтирилган ҳисоблаш усули ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳудудлар бўйича ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларни ҳисоблашни ташкил қилишда жиддий муаммолар мавжуд. Булардан энг асосийси - ҳудудий даражада иқтисодиётдаги айрим субъектларнинг иқтисодий фаолиятлари бўйича ахборотларнинг етишмаслигидир. Бу асосан, транспорт (темир йўл транспорти) хизматлари, уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ноижорат ташкилотларининг хизматлари ва ташқи савдонинг ҳолатини ифодаловчи айрим кўрсаткичлар билан боғлиқ. Ушбу муаммо нафақат Ўзбекистон, балки бошқа МДХ давлатлари учун ҳам тегишлидир. МДХ давлатларида бу муаммонинг ҳал қилиниши турличадир. Масалан, Озарбайжон ва Туркманистон “пастдан юқорига” йўналтирилган ҳисоблаш услубидан, Грузия, Қозоғистон ва Қирғизистон “Юқоридан пастга” йўналтирилган ҳисоблаш услубидан, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украиналар эса аралаш услубдан фойдаланади.<sup>27</sup> Демак, уларнинг айримлари фақатгина бутун республика миқёсида ҳисоблаш мумкин бўлган кўрсаткичларни “юқоридан пастга” йўналтирилган ҳисоблаш

---

<sup>27</sup> Иванов Ю.Н. «Вопросы статистики», 2007. №12. стр. 9.

усули орқали минтақалар бўйича тақсимлаб чиқса, бошқалари эса аралаш усулни қўллаб, кўрсаткичларни минтақалар бўйича тақсимламайди, аксинча уларни умумлаштиради.

Худудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таҳлил қилишга ёрдам берадиган бир қатор кўрсаткичларнинг мавжудлиги иқтисодий сиёсат олиб бориш учун нафақат алоҳида минтақалар учун, балки республика ҳукумати учун ҳам жуда муҳимдир.

Умуман, юқорида келтирилган барча маълумотлардан қуйидагича хулосага келишимиз мумкин:

Мамлакат иқтисодиётида алоҳида худудларнинг ўрни ва ролини таҳлил қилиш учун ЯИМ да ЯХМ нинг улуши тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади. ЯХМ нинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қисмини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими турли худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини таққослаш ёки ўша худудларнинг мамлакат бўйича ўсиш суръатларини аниқлаш имкониятини беради.

Минтақа иқтисодиётида алоҳида тармоқларнинг аҳамиятини таҳлил қилиш учун ялпи қўшилган қийматнинг жорий баҳоларда ҳисобланган кўрсаткичидан фойдаланилади. Бир қатор даврлар учун ўзгармас нархларда олинган маълумотлар муайян худуддаги ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилишидаги ўзгаришларни, товар ва хизматларни яратиш ҳамда бозор ва нобозор хизматлари ўртасидаги нисбатларни аниқлашда ёрдам беради.

Худудлар бўйича тармоқ тузилиши билан ялпи ишлаб чиқариш суръатларини, оралиқ истеъмол билан эса ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичларини жорий ва ўзгармас баҳоларда таққослаш - тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши (пасайиши) да ишлаб

чиқариш ҳажмининг ҳамда нархлар даражасининг ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини аниқлашда ёрдам беради.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ялпи ҳудудий маҳсулот мазмунини тушунтириб беринг.
2. Ҳудудларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва ролини айтиб беринг.
3. Республиканинг иқтисодий қудратига баҳо беришга ҳудудий жиҳатдан ёндашиш нима?
4. Ялпи ҳудудий маҳсулот қандай ҳисобланади?
5. Миллий ҳисоблар тизимини ҳудудлар бўйича тузишдан асосий мақсад нима?
6. Ҳудудий иқтисодий сиёсат самарадорлиги деганда нимани тушунасиш?
7. Ҳудудлар иқтисодий ривожланишини тартибга солиш усул ва воситаларини айтиб беринг.

## **16-БОБ. ДАВЛАТНИНГ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШИ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ**

16.1. Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизими ва атроф-муҳитни сақлаш.

16.2. Давлатнинг экологик сиёсатининг шаклланиши.

16.3. Давлатнинг табиатдан фойдаланиш вазифалари.

**Таянч иборалар:** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, экологик муаммолар, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, Орол муаммолари, ресурслар, экологик хавфсизлик.

### **16.1. Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизими ва атроф-муҳитни сақлаш**

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида экологияни асраш, ҳимоя қилиш давлатимизнинг бирламчи вазифаларидан биридир.

Табиий ресурсларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ўрни жуда катта бўлиб улар бир талай тармоқларда турли вазифаларни бажаради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер, бошқа нарсаларга қўшимча, яна икки муҳим функцияни бажаради: 1) меҳнат қуроли ва унинг ёрдамида инсон ўсимликларга ишлов беради; 2) меҳнат предмети ва инсон меҳнат жараёни давомида унга таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан ер қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасидир. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини яратишда қатнашаётган ишлаб чиқаришнинг фаол омилидир.

Шуни айтиш керакки, ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш хар доим ҳам интенсивлаштиришга асосланган. Бироқ эндиликда бу муҳим ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини

ошириш интенсивлаштиришнинг анъанавий усулларига асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкин эмас, чунки бунга табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мураккабланиши ва унда табиат ва унинг ресурслари, шу жумладан, ер ресурслари, ҳолатининг ёмонлашуви сабаб бўлмоқда.

Бунга бош сабаб анъанавий интенсивлаштиришнинг муҳим йўналишлари айниқса, химиялаштиришнинг ҳаддан ташқари кўлами ортиб кетганлиги ва уларни экологик мувозанатга путур етказётганликларидир.

Бундан ташқари табиий ресурслардан фойдаланишнинг интенсивлаштиришни анъанавий йўналишлари ҳозирда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалаларидан бири деб эълон қилинаётган барқарор ривожланиш тамойилларига зиддир. Чунки фаолиятнинг бундай йўналтирилганлиги хўжалик фаолиятига жалб қилинган табиий ресурслар самарадорлигига нафақат бугун, балки келажакда ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридагиларга кўра табиий ресурслардан фойдаланишни интенсивлаштиришнинг асосий йўналиши уни экологиялашдир.

Ўз навбатида бу муаммони ҳал қилиш унинг билан боғлиқ бўлган иқтисодий механизмни шакллантиришда мужассамлашгандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида иқтисодий механизмни асосий концепцияси шакллантирилган, табиий ресурслардан фойдаланишга лимитлар аниқланган, табиатни муҳофаза қилиш самарадорлигини оширувчи ишлар учун солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилган.

Юқоридаги қонуннинг қабул қилиниши табиат билан жамият ўртаси агро муносабатларни яхшилашга қаратилган бўлиб, уни

қонуний асосларини мустаҳкамлаб барқарор ривожланиш тамайилларини амалга оширишга кўмаклашади. Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини шакллантириш жараёни юз бераётган ҳозирги пайтда унинг доирасида табиий ресурслардан (сув, ер, ер ости бойликлари ва б.) фойдаланганлик учун тўлов амалга оширилмоқда, шунинг билан бирга сув, ҳаво ҳавзаларига ифлослантирувчи моддалар ташланганлик ва ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти чиқиндиларини жойлаштирганлик учун ҳам тўловлар жорий қилинган. Истиқболда бу жараённинг янада ривожланиши табиий ҳолдир.

Шундан келиб чиқиб биз куйида Фарғона вилоятида энг муҳим табиий ресурслардан бири бўлган – ер ресурсларидан фойдаланиш амалиёти ва уни экологик-иқтисодий талабларга мос келиши нуқтаи-назаридан таҳлил қиламиз.

Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги юритувчи ҳамма субъектларда 700,5 минг га ер мавжуд бўлиб, улардан 249,5 минг га экинлар билан банд, экин экиладиган ерларнинг 40,1 минг гектари сифат жиҳатидан қониқарсиз аҳволдадир. Бироқ, вилоятда деҳқончилик фаолиятида хавотирлантирадиган аҳвол тупроқ табиий унумдорлигини характерловчи муҳим кўрсаткич, яъни бонитет балларининг мунтазам тушиб боришидир.

Суғориладиган ерлар сифатининг ёмонлашувига бошқа асосий сабаблардан бири қишлоқ хўжалиги юритишнинг илмий асосланган тизимига риоя қилинмаётганлигидир. Янада очикроқ қилиб айтганда, деҳқончиликни илмий асосланган юритиш тизимида эиғ муҳим ва асосий ролни ўйновчи алмашлаб экишга риоя қилинмаётганлигидадир. Бир майдоннинг ўзида бир хил экинлар алмаштирилмасдан кўп йиллар давомида экилмоқда. Маълумки,

деҳқончиликнинг бундай йўналтирилиши қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ернинг (тупроқни) физик, кимёвий хусусиятларини ёмонлаштиради, унинг тузилмасини бузади ва бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Бошқа етарли даражада мавжуд бўлган омиллар самараси улар иштирокига мос бўлмайди, балки чекловчи омил миқдори билан белгиланади.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида тупроқ бонитет баллидан ташқари ҳосилдорликка ерни шўрланиш даражаси ҳам бевосита таъсир қилади. Шу нуқтаи-назардан Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги оборотида бўлган ерларни таҳлил қиладиган бўлсак унда аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминловчи ер потенциали шўрланиш оқибатида анчагина пасайганини кўришимиз мумкин.

Шўрланган ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш билан боғлиқ ва ерларнинг шўрланганлик даражаси қанча юқори бўлса, риск даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Масалан, кучсиз даражада шўрланган ерларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги 20–25 фоиз, ўртача шўрланган ерлар 30-40 фоиз кучли шўрланган ерларда эса бу кўрсаткич 80 фоизгача етади.

Нимагадир ҳозиргача минерал ўғитларни қўллаш ҳосилдорликни оширишнинг муҳим омили дсб ҳисобланади ва фермерларнинг ишончи комилки усиз қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиб бўлмайди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги амалиёти натижаларининг кўрсатишича манзара бошқачадир. Чунки химиялаштириш, бошқалар билан бирга, биосферага мунтазам ўсиб борувчи техноген босимни кучайтиради (ер, сув ҳавзалари, дарёлар, атмосфера, тирик организмлар).

Бу хусусида яна шуни айтиш мумкинки, тупроққа минералларни юқори даражада солиш унинг унумдорлигини асосий кўрсаткичи

бўлган чиқиндиларни (гумус) камайтиради. Бу фикрни тасдиғи сифатида шунини айтиш керакки. Ушбу соҳа олимлари тадқиқотларининг кўрсатишича минерал ўғитларни қўллаш тупроқда микроорганизмларни камайтириб юборади, улар эса унумдорлик ва ўғитлар самарадорлигини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Микроорганизмлар тупроқ шароитига ва қўлланилаётган ўғитларга боғлиқ ҳолда анча ўзгариб туради. Агрохимикатлар таъсири остида улар кучли даражада камаёди, маҳаллий ўғитлар таъсирида эса улар, аксинча, 1,5-2,0 марта кўпаяди.

Юқоридагиларга кўра инсоният олдида деҳқончиликни янада ривожлантириш ернинг юқори унумдорлигини ва экологик хавфсизлигини таъминлашнинг альтернатив йўллари излаб топиш муаммоси келиб чиқди.

Шунинг учун эски, анъанавий технологиялар ўрнига биотехнологиялар кириб келмоқда ва ҳозирги босқичда фақат улар ёрдамида инсоният олдида турган экологик, энергетик ва озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш мумкин.

Ривожланишнинг шундай йўналишларидан бири бу органик деҳқончиликдир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ва экологик танглик пайтида мустақил Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари табиатнинг барча бойликларига эҳтиёжлари бениҳоя катта. Келажак авлодимизнинг тақдири, бақувватлиги, соғлиғи оби-ҳаётимиз билан боғлиқ экан, демак қабул қилинаётган сув тўғрисидаги қонун, қарор ва фармонлар сув бойликларидан оқилона фойдаланиш, уни булғаниш, ифлосланиш ҳамда камайиб кетишидан сақлаш ишига кўмаклашиши лозим. Асосан сув ресурсларини ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш мақсадида ҳуқуқий илмий йўналишни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Сувдан фойдаланиш Республикамизда 1993

йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

## **16.2. Давлатнинг экологик сиёсатининг шаклланиши**

Халқаро экологик сиёсат глобаллашувни детерминлаштирувчи омиллар ва тарихий ривожланиш босқичлари туркумлаштирилган, яъни унинг биринчи босқичида – локал, миллий, ҳудудий даражаларда тўпланган экологик сиёсат тажрибалари ижодий умумлаштирилади ва муайян геоэкологик макон учун оптимали, маъқули танланади. Бу босқичда репродуктив экологик сиёсат рационалиги, табиатни муҳофаза қилиш амалий фаолиятнинг конкретлиги ва прагматиклиги алоҳида аҳамиятга эга эканлиги;

иккинчи босқичда – миллий экологик сиёсатнинг халқаро экологик сиёсий муносабатларга интеграциялашишнинг бошқариш субъектига айланиши, глобал институционал тизимдаги ўрни ва мақоми мустаҳкамланиши, миллий экологик сиёсат индивидуаллигининг “ижтимоийлашуви” муайян давлатларнинг миллий экологик сиёсатларини унификациялаштириш ва глобал моделга мослаштириш имкониятининг яратилиши;

учинчи босқичда – миллий давлатлар экологик сиёсатининг (ҳатто, айрим соҳаларда) глобал сиёсат моделига ва стандартига айланиши шу соҳада етакчилик (лидерлик) позициясининг кучайиши, экологик сиёсат билан шуғулланувчи: менежерлар, маркетинг мутахассислари, раҳбарларини тайёрлашнинг муқобил фалсафаси – назарияси ва методологиясини такомиллаштириш зарурияти назарий асосланган.

Глобал экологик сиёсат бошқарувини шу кўрсатилган босқичлар

ва йўналишларда таҳлил қилиш, уни яхлит система сифатида таърифлашга асос бўлади. Яъни халқаро экологик сиёсатни бошқаришнинг глобал институционал тизими функцияси – турли давлатларнинг табиий атрофмуҳитни муҳофаза қилиш миллий сиёсатини умуминсоният эҳтиёжларига, манфаатларига, биосфера экологик мувозанатини сақлаш талабларига мос равишда ташкиллаштириш ва назорат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш усулларини, воситаларини демократик тамойилларга, қонуний-ҳуқуқий асосларга, гуманистик ахлоқий нормаларга бўйсундиришдан иборатлиги илмий таҳлил қилинган.

Халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқаришнинг шаклланиш ва глобаллашиш даражалари таҳлил қилинса, хулосалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг глобаллашувини бошқариш умуминсоният манфаатларига мос бўлиб, унинг самарадорлиги жамият барқарор тараққиёти шарти сифатида барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларини умумий мақсад доирасида интеграциялаштириш даражасига боғлиқдир;

иккинчидан, ҳар қандай давлатда миллий экологик сиёсатни амалга оширувчи институционал тизимнинг структуравий элементлари ривожланиши ва уларнинг функционал уйғунлашуви жамият ижтимоийсиёсий муносабатлари демократлашуви характерига мос келади ва уни намоён қилади;

учинчидан, халқаро экологик сиёсат глобаллашуви миллий давлатларнинг барқарор тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиқади ва унга интеграциялашуви учун имконият – адаптацион муҳит яратади;

тўртинчидан, глобал геоэкологик сиёсат институционал тизими

шаклланиши ва уни бошқариш субъектларининг фаоллик даражаси объектив шарт-шароитларни эътиборга олишни ва субъектив омилларни ривожлантиришни тақозо қилади;

бешинчидан, халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни бошқаришнинг глобаллашуви миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришдан иборат бўлиб, миллий ва ҳудудий манфаатлар индивидуаллиги ҳамда мустақиллиги шартли ҳамда нисбий характер касб этади.

Ҳозирги даврда, умуман дунёда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлар интеграцияси, хусусан, халқаро экологик муносабатлар глобаллашуви жараёнларини жаҳон ҳамжамияти томонидан бошқариш институционал тизимини структуравий-функционал, комплекс-системали, таҳлил қилишнинг назарий-методологик масалаларига эътибор кучаймоқда.

Халқаро экологик сиёсий муносабатларни бошқариш: биринчидан, глобал экологик сиёсатни бошқариш институтлари шаклланиши объектив жараён бўлиб, бутун инсониятнинг эҳтиёжи, мақсади ва манфаатларига мосдир; иккинчидан, экологик сиёсатнинг институционал тизими ва унинг функциялари демократик тамойилларга асослангандагина умуминсоният мақсадларига мувофиқлигини намоён қилади; учинчидан, миллий, минтақавий ва глобал экологик сиёсатни бошқариш субъектлари фаолиятларининг функционал мувофиқлашиш даражаси, унинг самарадорлигини таъминлайди; тўртинчидан, глобал экологик сиёсатни бошқаришнинг турли шакллари ва муқобил йўналишлари ўртасидаги фаолият мувофиқлиги: объектив шарт-шароитларга, субъектив омиллар ролига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида юқорида кўрсатилган шартларнинг миллий ва минтақа давлатларида оқилона

ташқиллаштирилиши глобал сиёсатни бошқаришга фаол таъсир кўрсатади.

### **16.3. Давлатнинг табиатдан фойдаланиш вазифалари**

Бутун табиий тизим барқарор атроф муҳит шароитини, умуман биологик ҳаёт учун, шу жумладан, инсон ҳаёти учун мақбул бўлган шароитни яратишга хизмат қилади. Бугун, табиат – инсониятнинг бойлиги эмас, балки уни ўраб турган табиий олам бўлиб, инсон унинг таркибий бир қисмидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, инсоният табиий ресурслардан оддий истеъмолчи сифатида фойдаланмаслиги лозимлиги яққол намоён бўлмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташқилоти томонидан XX асрнинг сўнгги йилларида қабул қилинган Бутунжаҳон табиат партиясида табиатнинг роли ва унга инсоннинг муносабати тамойиллари ҳақидаги асосий қоидалар акс эттирилган. Жумладан, инсон табиатнинг бир бўлаги ҳамда ҳаёт, энергия ва озиқ-овқат манбаи бўлмиш табиий тизимларнинг узлуксиз фаолиятига боғлиқ. Инсон фаолияти оқибатида табиатни ўзгартириб юбориши ҳамда унинг ресурсларини тугатиши мумкин. Шунинг учун ҳам у атроф-муҳит мувозанати ва сифатини, шунингдек, табиий ресурсларни сақлашнинг заруратини тўлиқ англаб етиши лозим. Ердаги ҳаётнинг генетик асоси хавф-хатарга қўйилмаслиги керак. Тирикликнинг ҳар қандай турлари, у ёввойи бўладими ёки хонакилаштирилганми, сақланиши лозим, ҳеч бўлмаганда, уларнинг яшаб қолиши даражасида ва бунинг учун зарур муҳит шароитини сақлаш керак. Инсон табиий ресурслардан ҳозирги ва келгуси авлодлар фаровон ҳаёти учун барча тур ва экотизимларни сақлаган ҳолда фойдаланиш шароитини яратадиган кенгайтиришига имкон берувчи билимларни эгаллаши

лозим.

Бирок, жаҳон ҳамжамияти томонидан сўнгги 30 йил ичида кўрилган чораларга қарамасдан, атроф-муҳит ва инсон ҳаёти шароитининг салбий ўзгариши тенденцияси ҳам кузатилмоқда.

Инсоннинг табиат табиий жараёнларига аралашуви атроф муҳитнинг маълум маънода тиклаб бўлмас даражада келишига ва фожиали оқибатларнинг пайдо бўлишига хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам у атроф-муҳит мувозанати ва сифатини, шунингдек, табиий ресурсларни сақлашнинг заруратини тўлиқ англаб етиши лозим. Ердаги ҳаётнинг генетик асоси хавф-хатарга қўйилмаслиги керак. Ваҳоланки, биологик хилма-хиллик ва балиқ ресурсларининг қисқариши давом этмоқда, чўлланиш янада кўпроқ унумдор ерларни ҳамон ўз домига тортмоқда, иқлим ўзгаришининг фалокатли оқибатлари аён бўлиб қолмоқда, табиий офатлар тез-тез такрорланиб уларнинг хавфи ортмоқда. Ҳаво, сув ва денгиз муҳитининг ифлосланиши эса миллионлаб инсонларни муносиб ҳаёт кечиришдан маҳрум этмоқда.

Шу муносабат билан 1972 йилда БМТнинг атроф-муҳит масалаларига бағишланган Стокгольм конференциясида 5 июнни “Бутунжаҳон атроф муҳит куни” деб эълон қилиниб ва шу конференцияда қабул қилинган Декларацияда глобал экологик муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, атроф муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва унинг тамойилари баён этилган ҳамда энг асосий тамойил - инсоннинг атроф муҳитда яшаш ҳуқуқи эълон қилинган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан кўзда тутилган мақсад инсоният ривожланиши ва қулай атроф муҳит ўртасидаги узвийликни таъминлашдан иборат. Бирок, юзага келаётган экологик муаммолар

чегара билмайди ва улар глобал характерга эга бўлиб, фақат бир ёки бир неча давлатнинг сабъ-ҳаракатлари билан ўз ечимини топа олмайди. Учинчи минг йилликнинг бошланиши иккита муҳим тенденция билан тавсифланади. Биринчидан, бугунги тараққиёт глобал экологик муаммолар билан юзма-юз келди. Иқлимнинг ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, ичимлик сувининг танқислиги ва уларнинг ифлосалиниши, ўрмон ва ер майдонларининг деградацияси, биохилма-хилликнинг қисқариши, чиқиндиларни зарарсизлантириш каби экологик муаммолар, шулар жумласидандир. Иккинчидан, дунё жуда ҳам тез суръатларда ўзгармоқда. Кечаги мезонлар билан бугунги кунни баҳолаб бўлмайди. Келажакни белгилашнинг эса умуман имкони йўқ.

Экологик муносабатларни тартибга солишнинг фундаментал асослари Бош қомусимизда акс эттирилган. Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинган барча ҳуқуқий ҳужжатларда барчанинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун олдида тенглиги мустаҳкамлаб қўйилган. Истиқлолнинг дастлабки йилларида иқтисодий ва экологик муносабатларда содир бўлган ўзгаришлар табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланишнинг ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида экологик қонунчиликни янада ривожлантириш учун зарур базани шакллантиришнинг конституциявий асосларини мустаҳкамловчи асосий қонунда ўз аксини топди. Давлат сиёсати нафақат жамият фаолиятининг иқтисодий, экологик ва ижтимоий соҳаларидаги инқироз ҳолатини енгиб ўтишга, балки, мавжуд қонунчилик тажрибасини сақлаб қолиш ва экологик қонунчиликда пайдо бўлган янги йўналишлар ва амалиётлар мустаҳкамланишини таъминлашга йўналтирилди.

Табиат ва унинг ресурслари ҳаётимизнинг асоси эканлигини

назарда тутсак, экологик қонунчилик иқтисодиёт ва экологиянинг ўзаро боғлиқлигини ҳамда мамлакатимиз халқининг иқтисодий ва экологик манфаатлари бирикмасини илмий асослаш заруратини ҳамда табиат ва унинг ресурслари экологик жиҳатдан ҳаёт пойдевори сифатида, иқтисодий жиҳатдан фаолият пойдевори сифатида мустаҳкамлайди.

Айнан ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда Конституцияда мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мустаҳкамланган. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Ушбу конституциявий нормалар экологик-иқтисодий хусусиятга эга, чунки табиат кўп қиррали – ҳам инсоннинг яшаш муҳити, ҳам табиий ресурслар манбаи, ҳам экологик тизим ҳисобланади. Яъни, мазкур нормалар экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда асосий аҳамият касб этди. Мос равишда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишда, уларга мулкдорлик, табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби ва шароитлар мустаҳкамлашда, табиатдан фойдаланиш, атроф муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги иқтисодий, ташқилий ва назорат чоралар ва юридик масъулияти меъёрларига боғлиқ ҳуқуқий масалалар ҳал қилинди. Қонунимизда атроф муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланишни бошқаришда маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий

солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш, маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш масалалари билан бир қаторда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи ҳам киритилган норманинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Мазкур конституциявий ҳуқуқлар табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги комплекс характердаги дастлабки ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида батафсил очиқ берилган. Қонуннинг тамойиллари асосида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги изчил ва босқичма-босқич шакллантирилди. Бугунги кунда республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги 30 дан ортиқ муҳим қонунлар ҳамда юзлаб қонуности норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу қонунчилик ҳужжатларида умумий тамойиллар билан бир қаторда, аниқ муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари бор, айрим ҳолларда қўлланиладиган тамойиллар акс эттирилган.

Миллий экологик қонунчиликни ривожлантириш билан бир қаторда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги халқаро ва давлатлараро шартномалар, битимларга қўшилиш, уларни имзолаш борасида тизимли ишлар изчил амалга оширилди.

Атроф муҳит муҳофаза қилишнинг халқаро принципларидан келиб чиқиб Ўзбекистонда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун зарур чора-

тадбирлар кўлланилмоқда.

Шу билан бирга, экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш нафақат Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишга ўтишига боғлиқ ҳолда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича истиқболли вазифаларни ҳал этишга, балки мавжуд устувор экологик муаммоларни, шу жумладан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳам ҳал этишга қаратилган.

Бироқ, соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳал қилишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқарлик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Бунунги кунда жамоатчилик, фуқаролик назорати институти мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносабати борасида давлат органларининг жамоатчилик билан алоқада бўлишининг муҳим бир элементи бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан 2008 йилда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташқил этилиши даврнинг қатъий талаби бўлди. Экоҳаракат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экологик йўналитирилган ёндошув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф муҳит ва иснон сапломатлиги ҳақидаги ғояларни қулаб-қуватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини ўз атрофида бирлаштирди.

## Назорат учун саволлар

1. Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизими ва атроф-муҳитни сақлаш.
2. Давлатнинг экологик сиёсатининг шаклланиши.
3. Давлатнинг табиатдан фойдаланиш вазифалари.
4. Экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари нималардан иборат?
5. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш деганда нимани тушунасиз?
6. Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар қайсилар?
7. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш нима?
8. Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида норматив-ҳуқуқий базанинг ривожланиши, шунингдек, Орол муаммоси бугунги кунда қандай ечимини топмоқда?

## **17-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

17.1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари ва уларни тартибга солиш принциплари.

17.3. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва унинг таркибий қисмлари.

17.2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш механизми.

**Таянч иборалар:** Жаҳон хўжалиги, миллий иқтисодиётнинг байналминаллашуви, экспорт квотаси, халқаро меҳнат тақсимоти, экспорт бўйича ихтисослашув коэффициенти, халқаро иқтисодий интеграция, жаҳон хўжалигининг глобаллашуви. глобал муаммолар, трансмиллий корпорациялар, халқаро савдо, мутлақ устунлик (афзаллик), қиёсий афзаллик, импорт қилинган инфляция, экспорт, импорт, ташқи савдо баланси, тўлов баланси, валюта, валютанинг конвертирланиши, валюта курси, харид қуввати паритети

### **17.1. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари ва уларни тартибга солиш принциплари**

Умумжаҳон хўжалиги доирасида иқтисодий алоқалар турли шаклларда олиб борилади. Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига:

- халқаро савдо;
- ишчи кучи миграцияси;
- капитал миграцияси;
- валюта муносабатлари;
- фан-техника алоқалари ва бошқаларни олади.

**Халқаро савдо.** Халқаро алоқалар, аввало, халқаро савдо тариқасида бошланиб, жаҳон бозорининг шаклланишига олиб келди.

Жаҳон бозори эса, ўз навбатида, умумжаҳон хўжалигининг таркиб топишига олиб келди.

Халқаро савдо мамлакатлар ўртасида юз берадиган савдо-сотик муносабатлари бўлиб, улар товарларни четга чиқариш (экспорт) ва четдан олиб келиш (импорт)ни ўз ичига олади.

Халқаро савдо асосини халқаро меҳнат тақсимоти ва унинг чуқурлашуви, мамлакатларнинг у ёки бу товарнинг ишлаб чиқаришда тутган қиёсий устунлиги белгилайди.

Жаҳон бозори давлатларни ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам катта таъсир кўрсатади. Унда фақат умумийгина эмас миллий манфаатлар ҳам ўз ифодасини топади.

Жаҳон бозорида кейинги йилларда содир бўлган ўзгаришлар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Жаҳон бозорида узоқ вақт АҚШ гегемонлик қилган бўлса, энди борган сари АҚШ ўзининг илгариги салоҳиятини йўқотиб бормоқда. Бир вақтлар АҚШ жаҳон экспортининг 1/3 қисмини ташқил этган бўлса, 80- йилларда 1/8 тушди. Ҳозирги пайтда 1/10 атрофида. Борган сари, бу борада Япониянинг ҳиссаси АҚШ га яқинлашиб бормоқда.

2. Сингапур, Жанубий Корея, Бразилия, Аргентина каби янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси ортиб бормоқда.

3. ФТР натижасида халқаро савдонинг товар таркиби ўзгармоқда. Мураккаб технологик маҳсулотлар экспорти электротехника, электр ускуналари, транспорт воситалари ҳиссаси ортиб борапти.

4. Айрим саноат тармоқлари, жумладан, кимё саноати ниҳоятда ихтисослашиб бормоқда. Натижада, йирик экспортёрлар, ўз навбатида, йирик импортёрлар ҳам бўлади.

5. Кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириб, ўзини-ўзи таъминлаганлиги сабабли, жаҳон бозори товар обороти таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳиссаси камайиб бормоқда.

6. Ривожланаётган мамлакатлар экспортининг товар структурасида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Илгари, асосан хом ашё, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 60-йиллардан бошлаб саноат маҳсулотлари, айниқса, енгил саноат маҳсулотларининг ҳиссаси ўсиб бормоқда.

7. Жаҳон экспортида борган сари хизмат кўрсатиш улуши ортиб бормоқда.

Халқаро иқтисодий алоқаларни амалга оширишда транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳамияти беқиёс.

Транспорт хизмати кўрсатиш — бу янги йўллар, транспорт, комплекс сервис хизмати кўрсатишнинг ривожланишигина эмас, балки халқаро интеграция занжирининг муҳим ҳалқасидир. Шунинг учун халқаро миқёсда бу соҳага аҳамият кучаймоқда. Республикамизда ҳам чет эл давлатлари билан ҳаво, темир йўл, автомобиль йўллари орқали алоқаларни кучайтиришни кўзда тутган ҳолда, янги-янги йўл қурилишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг «Транзит юк ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш» дастурини рўёбга чиқаришда иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Пекинни Истанбул билан боғлайдиган “Трансosiё” магистралининг таркибий қисми бўлган “Тажан-Сарахс-Машҳад”

темир йўлини қуришда фаол қатнашди. Ҳозирги пайтда «Трасека» лойиҳасини амалга оширишда фаол қатнашяпти.

«Таъсис» дастури доирасида Европа Иттифоқининг техникавий ёрдамини амалга ошириш орқали «Трасека» лойиҳасини рўёбга чиқариш Ўзбекистонни коммуникация ва транспорт билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этишда ғоят истиқболли аҳамиятга эга. Бу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия ҳудуди орқали Қора денгиз бандаргоҳларига олиб чиқадиган “Транскавказ” магистралини вужудга келтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон темир йўл қурилишида иштирок қилиш билан бирга, Хитой ва Покистонга олиб борувчи “Тошкент – Андижон – Ўш – Эргаштом – Кашғар” автомобиль йўли қурилишида муҳим роль ўйнамоқда. Шу билан бирга, “Бухоро-Сарахс-Машҳад-Техрон” ва “Термиз – Ҳирот – Кандахор – Карачи” автомобиль йўллари қуриш, қайта таъмирлашда ҳам ўз ҳиссасини кўшмоқда.

Кейинги пайтда жаҳонда товар савдосини борган сари хизмат кўрсатишнинг турли шакллари билан боғлиқ ҳолда олиб бориш кенг ёйилмоқда. Айниқса, «Интернет» орқали савдо-сотик олиб бориш кенгайиб бормоқда.

Халқаро савдо ўз доирасини фан-техника ютуқларини айирбошлаш, ҳамда интеллектуал товарлар, ахборот айирбошлаш билан бойитди.

**Халқаро ишчи кучи миграцияси** XX асрнинг 70- йилларидан бошлаб, ишчи кучи миграцияси кенг ёйилди, яъни меҳнат ресурсларини бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтиши кучайди.

Бунинг сабаблари турли-туман. Улардан энг асосийлари иқтисодий сабаблар бўлиб:

1. Ишсизлик даражасидаги фарқ.
2. Иш ҳақидаги фарқ.
3. Турмуш даражасидаги фарқ.
4. Шароитдаги фарқ ва бошқаларни ўз ичига олади.

Умумжаҳон ҳўжалигида ишчи кучи миграциясининг жадаллашувиға кўйидаги омиллар сабаб бўлади.

1. Транспорт ва ўзаро алоқаларнинг ривожланиши иш кучининг географик жиҳатдан кўчиб юришини осонлаштиради.

2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётни ахборот билан таъминлаш турли мамлакатлар фан ва маданият соҳалари, билим ва малака мезонларини яқинлаштиради.

3. Трансмиллий корпорациялар фаолияти фақатгина иш кучини географик жиҳатдан кўчиб юришинигина эмас, жаҳон миқёсида кўллаш шароитларини ҳам тенглаштириш имконини яратади.

**Халқаро капитал миграцияси.** Халқаро муносабатларда капитал миграцияси муҳим ўрин тутди. Капитал миграцияси икки шаклда юз беради:

1. Четга тадбиркорлик капитали чиқариш ёки чет элда иқтисодий фаолиятни инвестиция қилиш;

2. Ссуда капитали чиқариш ёки халқаро кредит.

Капитал миграцияси бу маълум манфаатли мақсадга қаратилган пул маблағларини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчишини ифодалайди.

Четга капитални тадбиркорлик (соҳибкорлик) капитали тарзида чиқариш икки хил: тўғридан-тўғри ва портфел шаклида чиқарилади.

Тадбиркорлик (соҳибкорлик) капитали чиқаришда узоқ муддатли чет эл инвестициялари савдо, саноат ва бошқа соҳаларга кўйилади.

Тўғридан-тўғри капитал чиқариш бу – инвестиция миқдори чет эл корхоналарини назорат қилиш ҳуқуқини берадиган даражада капитал қўйишдир.

Дунё иқтисодида **эркин иқтисодий зоналар** алоҳида ўрин тутмоқда. Бу зоналарни ташқил қилиш бозор иқтисодиётининг очик иқтисод бўлишидан келиб чиқади. Бу зоналар алоҳида мақомга эга бўлиб, турли мамлакатлардаги бундай зоналарда хорижий ва миллий тадбиркорлар фаолияти учун қулай, имтиёзли шароит яратилган. Бу зоналар ўз фаолияти йўналишига қараб турлича: **эркин савдо зоналари, эркин бож ҳудудлари, эркин саноат зоналари, эркин «очик» зоналар, технология зоналари, комплекс зоналаридан** иборат бўлиши мумкин.

Халқаро кредит бериш икки йўналишда амалга оширилади:

А) Одатдаги ссуда капитали бозоридаги талаб ва таклиф асосида шаклланадиган процент асосида бериладиган кредит. Бу кредитларни банклар, ТМКлар, молия корпорациялари беради;

В) Имтиёзли ёки текин бериладиган кредит. Бу кредитларга олинадиган процентлар ниҳоятда паст бўлади ёки умуман процент олинмайди. Бундай кредитлар бой давлатлар, ўта йирик компаниялар ва халқаро ташкилотлар томонидан махсус халқаро дастурларни амалга ошириш учун берилади.

Мамлакатларнинг барча иқтисодий муносабатлари уларнинг **тўлов балансида** акс этади. Тўлов баланси 4 асосий бўлимдан иборат:

1. Савдо баланси — товарлар экспорти: даромадлари ва импорт харажатлари;

2. Хизматлар балансида унда кўрсатилган хизматларга олинган даромадлар ва чет эл хизматларидан фойдаланганлик учун

харажатлар кўрсатилади. Бу балансда молия хизматлари учун тўловлар дивиденд, процентлар ҳам ўз ифодасини топади. Бу балансда чет эл фуқароларидан ва давлатдан фуқароларга трансферт тўловлари, чет эл активларини харид қилиш ҳам киритилади.

3. Нотижорат операциялар баланси. Бу баланс ҳамма турдаги бепул товарлар етказиб бериш, ёрдам ва хайрия пулларини кўчиришни ўз ичига олади.

4. Капитал ва кредитлар ҳаракати баланси. Бу балансда давлат ва хусусий капиталларнинг ҳаракати ҳамда олинган, берилган халқаро кредитлар нисбати ифодаланади.

Тўлов балансини давлат бир неча усуллар билан тартибга солади:

1. Бевосита назоратни амалга ошириш. Бунда импортни чеклаш божхона ва бошқа йиғимлар, акцизлар, узоқ ёки қисқа муддатли капитал чиқариш назорати, чет эл инвестициялари бўйича даромадларни олиб чиқишни чеклаш, тақиқлаш орқали амалга оширилади.

2. Дефляция<sup>28</sup> орқали. У ички иқтисодий вазифаларни ечишга қаратилган бўлиб, лекин ундан тўлов балансининг аҳволини яхшилашда фойдаланилади. Чунки ички вазият ташқи муносабатларга албатта таъсир кўрсатади.

3. Валюта курсини ўзгартириш. Ҳар бир мамлакат объектив заруратдан келиб чиқиб, «сузиб юрувчи» (мослашувчи) ёки қатъий қайд этилган валюта курсини танлайди.

---

<sup>28</sup> Дефляция (инг. deflating) – нархнинг умумий даражасини барқарор равишда пасайтириш. Вақт бирлиги мобайнида нархнинг умумий даражасини пасайтиришнинг пропорционал суръати.

## **17.2. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати ва унинг таркибий қисмлари**

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёни бўлиб, ташқи иқтисодий алоқалар - иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ҳамда унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни асосий шароитларидан бири бўлмиш – ташқи савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли асосан савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташқи савдони тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаришга, қўллашга қаратилган бўлади.

Бу чора-тадбирлар дунё хўжалигида маълум устуворликларга эришишга қаратилган бўлади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш: бир томонлама, яъни давлат томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар давлат органлари томонидан савдо бўйича шерик давлатлар билан келишилмасдан ва улар билан маслаҳатлашмаган ҳолда қўлланилади.

Одатда бирор бир давлат томонидан амалга оширилаётган бир томонлама чора-тадбирлар, бошқа давлатлар томонидан худди шундай тартибда қабул қилинган чора-тадбирларни қарама-қарши ҳолда қўллашга олиб келади. Бу эса ўз навбатида савдо бўйича шерик давлатлар ўртасида сиёсий зиддиятларни пайдо бўлишига олиб келади, яъни: икки томонлама, яъни савдо сиёсати чоралари ўзаро шерик бўлган давлатлар ўртасида келишилган ҳолда амалга оширилади. кўп томонлама, яъни давлатларни савдо сиёсатини келишилган ҳолда, кўп томонлама шартномалар асосида амалга

оширилади. Давлатни халқаро савдо жараёнларига аралашуви даражасига кўра халқаро савдо сиёсати протекционистик савдо сиёсатига ҳамда эркин савдо сиёсатига бўлинади. Протекционистик савдо – тариф ва нотариф усулларни қўллаш орқали ички бозорни чет рақобатчилардан ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати. Эркин савдо – давлатни ташқи савдо жараёнларига аралашувини камайиши, яъни ташқи савдони эркин бозор талаби ва таклифига асосан ривожланиши. Буларнинг қайси бири қандай афзаликка эга, эга эмаслиги бир биридан устунлиги иқтисодчилар ўртасида кўп йиллар давомида мавжуд бўлиб келган тортишувларнинг асосидир. Ташқи савдо амалиёти тарихида бир савдо сиёсатидан иккинчи савдо сиёсатига ўтиш даврларини кузатиш мумкин. 50-60 йилларда дунё хўжалиги иқтисодиёти учун протекционистик сиёсатидан эркин савдо сиёсатига ўтиш хос бўлган. 70- йилларнинг бошларида эса тескари тенденция, яъни эркин савдо сиёсатидан тарифлар орқали айниқса нотариф усуллари ёрдамида ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсатига ўтиш кузатила бошлади.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, замонавий протекционизм нисбатан тор соҳаларда амалга оширила бошлади. Мисол учун, ривожланган давлатлар ўртасида қишлоқ хўжалиги, текстил саноати ва кийим-кечак ишлаб чиқаришда бўлса, ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасида - ривожланаётган давлатларни саноат товарлари экспорти соҳасида. Протекционистик тенденция тараққиёти протекционизмни бир неча шаклларга ажратиш имконини беради: селектив протекционизм - айрим давлатлар, айрим товарларга қарши қаратилган. соҳа

протекционизми – халқ хўжалигини маълум соҳасини ҳимоя қилишга (қишлоқ хўжалиги) қаратилган. Коллектив протекционизм – маълум давлатлар гуруҳи томонидан шу гуруҳга кирмаган давлатларга нисбатан қўлланиладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир. Эркин савдо сиёсати яхшими ёки протекционистик савдо сиёсатими? Бу масала доимо иқтисодчиларни қизиқтириб келган. Ҳозирги кундаги иқтисодиётни янада глобаллаштириш шароитида иқтисодиётни очиқлаштиришига интилиш қонунийдир. Гарвард университетида 115 та давлат бўйича ўтказилган илмий изланишлар шунини кўрсатадики, ёпиқ иқтисодиёт сиёсатини олиб бораётган давлатларда ички ялпи маҳсулот ҳажмини йиллик ўсиши 0,7 фоизни ташқил қилган бир пайтда, очиқ иқтисодиёт сиёсатини олиб бораётганда бу кўрсаткич ўртача 5 марта юқори бўлди. (Албатта, очиқ ташқи иқтисодий сиёсатни олиб боришни яхши ривожланган ва тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар олиб бораётирлар). Лекин ҳозирги кунда протекционизм сиёсатининг баъзи бир тадбирлари барча давлатларда бор.

Ривожланган давлатлар учун тариф эскалацияси ўринлидир, яъни хомашё ва тайёр маҳсулотларга белгиланган импорт божлари ўртасидаги катта фарқ. ГАТТни Уругвай раундидан сўнг ривожланган давлатлар томонидан олиб чиқилаётган хом ашёга белгиланган тариф ставкалари, тайёр маҳсулотларга белгиланган ставкаларга нисбатан 3,5 баробар кам ва тайёр маҳсулотларга қўйилган ставкаларга нисбатан эса 7,5 баровар кам бўлди.<sup>2</sup> Мамлакатимиз Президенти томонидан давлат ва жамият тараққиётининг муҳим стратегик жиҳатлари аниқлаб берилган.

Иқтисодий ислохотларни барча соҳаларда янада чуқурлаштириш бўйича қўйилган вазифалар ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни давом эттириш билан узвий боғлиқдир. Бу эса, мамлакат иқтисодиётига чет эл сармояларини кенг равишда жалб қилишни ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган энг қулай қонуний шароитларни яратишни талаб қилади. Бу соҳада қўйилган илк қадамлардан бири – 1991 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунини қабул қилинишидир. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий қоидалари ва бу фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди, бошқача қилиб айтганда, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари қатнашчилари фаолиятларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Қонун мулкчилик шаклларида қатъий назар, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқни ҳамма томондан этироф этилган нормаларига мувофиқ муҳофаза қилиниши таъминлайди, самарали равишда қўшилиши учун ҳуқуқий асос яратиб беради.

Мамлакатнинг иқтисодий раванқи муҳим ўрин эгалловчи Ўзбекистон Республикасининг ушбу қонунда ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча турлари яъни иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликка, кадрлар тайёрлашга, ташқи савдо ва чегара савдосига, суғурта, банк, транспорт операцияларига, сайёҳликка ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги бошқа фаолиятга нисбатан амал қилади. Ташқи иқтисодий фаолият ташқи савдо

сиёсати муҳим ҳисобланади, ташқи савдо сиёсати - ташқи савдо ҳажмини савдо тўсиқлари ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш шаклидир.

### **17.3. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш механизми**

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишидаги нутқида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида дипломатик муассасалар олдида куйидаги асосий вазифаларни белгилаб берди:

**“Биринчидан, экспорт, экспорт ва яна бир бор экспорт!**

Ҳап Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий давлатлар бозорларига экспорт қилишга ҳар жиҳатдан амалий кўмаклашиш ҳақида бормоқда. Бугунги кунда дунёдаги кўплаб давлатлар, хусусан, ривожланган мамлакатларнинг ташқи сиёсат фаолиятида айнан шу масалага энг устувор аҳамият берилишини сизлар яхши биласизлар.

**Иккинчидан, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш зарур.**

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан фаол инвестиция сиёсатига боғлиқ. Шу асосда давлатимизнинг рақобатбардошлиги ва, энг асосийси, аҳоли фаровонлиги тубдан ошиши, янги корхона ва тармоқлар, янги иш ўринлари яратилишини, ўйлайманки, тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

**Учинчидан,** Ўзбекистонга келаётган **сайёҳлар оқимини кенгайтириш** бўйича элчихоналаримиз ҳам фаол ва тизимли иш олиб бориши лозим. Мен бу ҳақда илгари ҳам бир неча бор айтганман.

Яна бир муҳим масала. Сизлар Ўзбекистон очик, амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини хорижий мамлакатларнинг кенг жамоатчилигига етказиш бўйича мунтазам иш олиб боришингиз зарур”<sup>29</sup>.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига асосан ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- ташқи савдо фаолияти;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

**Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик.** Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик ишлаб чиқариш, молия, банк ва суғурта фаолияти, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соғлиқни сақлаш, илмий-техникавий, маданий, экология, гуманитар ва бошқа соҳаларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиши ва кенгайтиришга қаратилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга

---

<sup>29</sup> “Ўзбекистон манфаатларини халқаро микёсда қатъий ҳимоя қилиш - дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир” Ўзбекистон Республикаси Президентга Ш.Мирзиёев Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакати- мизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган ййғилишидаги нутқидан. “Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 13 январь 8 сон. 2 бет.

оширишдир.

**Ташқи савдо фаолияти.** Ташқи савдо фаолияти халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир. Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, товарлар экспортидир. Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига уларни қайта олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб кирилиши товарлар импортидир.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) экспортидир. Хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси томонидан Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси учун ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш), уларнинг бажарилиш (кўрсатилиш) жойидан қатъи назар, ишлар (хизматлар) импортидир.

## ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
<b>Инвестиция</b>	<b>Investment</b>	<b>Инвестиции</b>	бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага еришиш мақсадида, давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган еhtiёжни кондириш учун иқтисодиётнинг турли сохаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар
<b>Инвестиция фаолияти</b>	Investment activity	Инвестиционная активность	бу инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари мажмуаси тушунилади.
<b>Инвестициянинг объекти</b>	Investment target	Объект инвестиций	маблағлар яъни бойликларни сафарбар этаётган объектлар тушунилади. Улар янги корхоналар ёки амалдаги корхоналар, қимматли қоғозлар, банк депозитлари бўлиши мумкин
<b>Инвестиция субъекти</b>	Investment subject	Субъект инвестиций	инвестицияни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.
<b>Инвесторлар</b>	Investors	Инвесторы	Ўз капиталини инвестиция фаолияти объектлариг а инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъектидир
<b>Эмитент</b>	Emitent	Эмитент	қимматли қоғозларни муаммалага босиб чиқарувчи юридик ва тўловга қобиятли жисмоний шахслар
<b>Реинвестициялар</b>	reinvestment s	реинвестиции	инвесторлар томонидан корхоналар фаолиятидан олинган фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида уни шу корхонага қайта киритишдир.
<b>Инвестиция ресурслари</b>	Investment resources	Инвестиционные средства	бу инвестицион фаолияти амалга оширишда иштирок этадиган ҳар

			хил кўринишдаги маблағлардир
<b>Реал инвестиция</b>	Real investments	Реальные инвестиции	асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги бойликлар тушунилади
<b>Молиявий инвестициялар</b>	Financial investments	Финансовые инвестиции	қимматли қоғозлар (акция, облигация) сотиб олишга ва банк деаозитларига узоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалардир
<b>Интеллектуал инвестициялар</b>	intellectual investments	Интеллектуальные инвестиции	мутахассисларни тайёрлаш, тажриба, илмий текшириш, лицензия ва ноу-хоу бериш, авторлик ҳуқуқи ва бошқалар
<b>Ички инвестициялар</b>	internal investments	Внутренние инвестиции	бу мамлакат ҳудудида ички инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобланади
<b>Ташқи инвестициялар</b>	External investments	Внешние инвестиции	бу фойда олиш мақсадида чет эл инвесторлари томонидан бошқа давлат иқтисодиётига қўйиладиган инвестициялардир
<b>Капитал қўйилма</b>	Capital investment	Капитальные инвестиции	бу янги корхоналарни барпо этиш, мавжуд ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини техник жиҳатдан қайта куроллантириш билан боғлиқ бўлган молиявий, иқтисодий, моддий ва меҳнат харажатлари йиғиндисидир
<b>Буюртмачилар</b>	orderes	Заказчики	инвесторлар томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун вакил этилган юридик ва жисмоний шахслар
<b>Пудратчилар</b>	Contractors	подрядчики	юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, улар буюртмачилар тузган шартномалар асосида ишларни бажарадилар. Пудратчилар қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатномага (лицензияга) эга бўлишлари керак
<b>Концессия шартномалари</b>	Agreement of concess	Концессионные договора	бу табиий бойликларни, айрим фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир
<b>Лизинг</b>	leasing	Лизинговые	Асбоб-ускуналарни, техника-

<b>шартномаси</b>	contracts	договора	технологияларни узок муддатга ижарага олиш.
<b>Инновация</b>	innovation	Инновации	бу тадқиқотлар ва ишланмалар натижаси бўлиб, янгилик ёки ижтимоий-иқтисодий ечимларни такомиллаштиришдир
<b>Капитал инвестициялар</b>	capital investments	Капитальные инвестиции	асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек, моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар.
<b>Инновация инвестициялари</b>	innovation investments	Инновационные инвестиции	техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар
<b>Ижтимоий инвестициялар</b>	social investments	Социальные инвестиции	инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар
<b>Инвестиция сиёсати</b>	investment policy	Инвестиционная политика	бу иқтисодиётнинг устивор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёндан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади
<b>Инвестицион лойиҳа</b>	investment project	Инвестиционный проект	бу маълум ижтимоий – иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник – иқтисодий, бизнес – бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс ҳужжатлар йиғиндиси ҳисобланади
<b>Инвестиция дастури</b>	investment program	Инвестиционная программа	бу Республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом-ашё,

			<p>молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан Республиканинг айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.</p>
<p><b>Қатъий ва якуний шартномавий нарх</b></p>	<p>Strong and final fixed (agreed) price</p>	<p>Строгая и конечная договорная цена</p>	<p>бунда қурилишнинг бутун муддатига қабул қилинган шартномавий баҳо ўзгармайди. Бундай баҳолар асосан муддати бир йилдан ошмайдиган қурилиш объектлари учун тавсия этилади. Ушбу нархлар таркибида прогноз ўзгартиришлар киритишни инобатга олувчи пудратчи ташкилотларнинг rischi ҳам ҳисобга олинади.</p>
<p><b>Очиқ шартномавий нархлар</b></p>	<p>Open contract prices</p>	<p>Открытый ценовой договор</p>	<p>бундай нархлар қурилиш шартномаси шартлари асосида қурилиш материаллари, иш ҳақи тўловлари шартлари ва бошқа харажатларнинг вужудга келиши ҳисобига аниқлаштириладиган нархлардир</p>
<p><b>Тендер комиссияси</b></p>	<p>Tender Commission</p>	<p>Тендерная комиссия</p>	<p>тендердаги таклифларни баҳоловчи ва ғолибни аниқловчи доимий ёки вақтинчалик таркибга эга орган</p>
<p><b>Эркин иқтисодий ҳудуд</b></p>	<p>Free economic zone</p>	<p>Свободная экономическая зона</p>	<p>бу инвестицияларни алоҳида минтақалар ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ресурсларни кам чиқиндилли ва чиқиндисиз қайта ишловчи янада прогрессив технологияларни жорий қилиш, халқаро алоқа ва ҳамкорликка таъсир қўқиши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида солиққа тортиш, валюта, божхона ва шу каби бошқаларни тартибга солишдаги алоҳида тартиб ва шарт-шароитлар ўрнатадиган ҳукукий нормалар йиғиндисидир</p>

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент ш. 16 январ 2019 йил, ЎРҚ-2484-сон.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент ш. 2019 йил 10 май, ЎРҚ-537-сон

2. “Давлат харидлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент ш. 2018 йил 9 апрель, ЎРҚ-472-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 14 январ 2019 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Халқ сўзи. 27 май 2019 йил.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-СОНЛИ ФАРМОНИ. // Халқ сўзи. 27 май 2019 йил.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” пф-5719 сонли қарори. // Халқ сўзи. 14 май 2019 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5303-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 16 январ 2018 йил.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 февраль 2017 йил.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ”Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташқил этиш

тўғрисида”ги 31.03.2017 йилдаги ПФ-4996-сон Фармони. Халқ сўзи. 2017й.,65(6759)-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 24.03.2018 йилдаги Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 29 декабрь 2018 йил.

13. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

14. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б

15. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

16. Бекмуродов А., Болтабоев М., Ғойибназаров Б., Амонбоев М., Тошхўжаев М. Ўзбекистон иқтисодий тартибга солиштириш йилларида. 1-қисм. Макроиктисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. Т.: ТДИУ, 2005. – 60 б.

17. Государственное регулирование экономики: Учебник / В. И. Кушлин. М.: Экономика, 2013. — 495 с. — (Высшее образование).

18. И.П. Воробьева. Государственное регулирование национальной экономики. Учебное пособие. Издательский дом Томского государственного университета, 2014. – 292 стр.

19. С.А.Демкина. Государственное регулирование экономики. Методические рекомендации по подготовке к практическим занятиям и организации самостоятельной работы студентов очной и заочной форм обучения. Липецк 2013, 47 стр.

20. Principles for Economic Regulation. Department for Business, Innovation and Skills. London, 2011

21. Government Regulation of Industry. MIT & University of Cambridge. 2012.

22. R. Preston McAfee;Tracy Lewis;Donald J. Dale. Introduction to Economic Analysis. 2012, - 346 p.

23. Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий тартибга солиштириш бозор ва давлат механизмлари.-Т.:Akademiya,2012.- 455 бет

24. Abulkasimov H., Xamraev O. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish.- Т.: “Iqtisod-moliya”, 2014. – 304 бет

**Г.ЗАХИДОВ, И.ХОТАМОВ, Ш.ЕГАМБЕРДИЕВ**

**РЕАЛ СЕКТОРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН  
ТАРТИБГА СОЛИШ**

**Ўқув қўлланма**

Тошкент: Иқтисодиёт, 2019 йил, 240 бет.